

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ



**“ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”
КАФЕДРАСИ**

ПУБЛИЦИСТИКА ФАНИДАН

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Билим соҳаси:	200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси:	220000 – Журналистика ва ахборот
Таълим йўналиши:	5220100 – Журналистика (<i>халқаро журналистика</i>)

Тошкент - 2019

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201_ йил _ _____даги ____-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи:

ЎзДЖТУ, “Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти, ф.ф.н.
Н.Тошпўлатова

ЎзДЖТУ, “Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти” кафедраси ўқитувчиси
М.Исомиддинова

Расмий тақризчи:

ЎзДЖТУ, “Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти, С.Умиров

Ўзбекистон Миллий Университети доценти,
Ю.Хамдамов

Тошкент-2019

Тартиб рақами	Мундарижа	бет
1.	Сўз боши.....	
	Асосий қисм.....	
2.	1- маъруза. Публицистика ва унинг жанрлари	
3.	2-маъруза. Бадиий-публицистик жанрлар характеристикаси	
4.	3- маъруза. Бадиий-публицистик жанрлар тадрижи.	
5.	4- маъруза. Очерк – бадиий-публицистиканинг етакчи жанри сифатида.	
6.	5- маъруза. Портрет очерк ва унга қўйиладиган талаблар.	
7.	6- маъруза. Муаммоли очерк	
8.	7- маъруза. Йўл очерки (сафарнома)	
9.	8- маъруза. Эссе жанри ва унга қўйиладиган талаблар	
10.	9- маъруза. Эссе турлари	
11.	10-маъруза. Лавҳа – бадиий публицистика жанри сифатида	
12.	11- маъруза. Хат – эпистоляр публицистика	
13.	12- маъруза. Хат ва унинг турлари	
14.	13-маъруза. Фельетон жанрининг ўзига хос хусусиятлари	
15.	14- маъруза. Фельетон турлари	
16.	15- маъруза. Памфлет жанри ҳақида тушунча	
17.	16- маъруза. Адабий-танкидий мақолалар Ёзувчи мақоласи	
18.	17- маъруза. Кичик ҳажвий (пародия, эпитафия, масал, анекдот, ривоят, ҳикоят, миф ва афсоналар) асарларнинг матбуотдаги ўрни	
19.	18- маъруза. Карикатура кичик ҳажвий жанр сифатида	
	Амалий маъруза	
20.	1-амалий. Бадиий-публицистик жанрларга тааллуқли асарларни матбуот саҳифаларидан топиш ва таҳлил қилиш	
21.	2-амалий. Матбуотдаги материалларни жанр хусусиятлари нуктаи назаридан классификация қилиш	
22.	3- амалий. Матбуотда чоп этилган очерк жанрига мисоллар топиш ва таҳлил қилиш	
23.	4- амалий. Матбуотдан портрет очеркларини топиш, портрет очерк ёзиш ва уни публицистик нуктаи назардан таҳлил қилиш	
24.	5-амалий. Газета саҳифаларида чоп этилган муаммоли очеркларни топиш ва муаммоли очерк ёзиш	
25.	6-амалий. Матбуотда чоп этилган замонавий йўл очеркларига мисоллар топиш, уни жанр хусусиятлари нуктаи назардан таҳлил қилиш	
26.	7-амалий. Йўл очерки ёзиш, унда эскиз, детал ва чизгилардан фойдаланиш	
27.	8- амалий. Талабалар томонидан ёзилган йўл очеркларини	

	таҳлил қилиш	
28	9- амалий. Машҳур эсселарни, матбуотда чоп этилган замонавий эсселарни топиб ўқиш, таҳлил қилиш	
29	10- амалий. Талабалар ёзган эсселарни таҳлил қилиш	
30	11- амалий. Лавҳа-бадий публицистикнинг жажжи жанри	
31	12- амалий. Матбуотда чоп этилган хатларни топиш ва уларни турларига қараб таснифлаш	
32	13- амалий. Талабалар томонидан ёзилган хатларни таҳлил қилиш	
33	14- амалий. Фельетон ва унинг жанрий хусусиятлари	
34	15- амалий. Фельетон турлари	
35	16- амалий. Памфлет жанри ҳақида тушунча	
36	17- амалий. Ёзувчи публицистикаси юзасидан амалий тушунча ҳосил этиш; атоқли ёзувчиларнинг мақоласини таҳлил қилиш	
37	18- амалий. Кичик ҳажвий жанрларга матбуотда мисол топиш ва унинг публицистик нуқтаи назардан таҳлил қилиш	
38	19- амалий. Талабалар ёзган пародия, эпитафия, латифа, миф, афсона, ривоят сингари кичик жанрларни таҳлил этиш	
39	20- амалий. Карикатура: тасвирий санъатми, публицистик жанр?	
40	Адабиётлар.....	
41	Мустақил таълим машғулотлари	
42	Глоссарий	

Публицистика фани журналистика факультетлари ва бўлимларида ўқитиладиган мутахассислик фанларининг таркибий қисмига киради. Мазкур фанни ўқитишда уни “Ўзбекистон журналистикаси тарихи”, “Шарҳлаш журналистикаси” каби фанлар билан уйғунлаштириш мақсадга мувофиқдир. “Бадиий публицистик маҳорат” фани бадиий-публицистик жанрлар характеристикаси публицистика жанрлари: ахборот (информацион), таҳлилий-тадқиқий (аналитик), бадиий публицистик жанрлар ҳақида, бу жанрлар публицистиканинг баланд чўққиси эканлиги тўғрисида, бадиий-публицистикада мантикий муҳокама ва бадиий тафаккур бирлиги ҳамда очерк, фельетон, памфлет, эссе, ёзувчи мақоласи, хат (эпистоляр публицистика) жанрлари, кичик бадиий-публицистик жанрлар (масал, эпиграмма, мақол, ҳикматли сўз, афоризмлар), истиқлол йилларида бадиий-публицистика тараққиёти тамойиллари ҳақида баҳс юритади. Шунингдек, мазкур ҳудудда фаолият юритаётган телевидение, радио тарихи билан 1996 йилдан жорий бўлган интернет журналистикаси жараёни билан ҳам талабаларни таништиради.

Шунингдек, талабалар Ўзбекистон журналистикаси тарихини даврлаштириш, унинг манбаалари, ўрганилиш даражаси каби масалаларни ҳам билишлари лозим. Ҳар бир даврнинг етакчи, машҳур публицистлар ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш ҳам назарда тутилган.

1-маъруза. Публицистика ва унинг жанрлари

Режа:

1. Журналистика ва публицистика.
2. Публицистика тарихидан.
3. Публицистиканинг ижтимоий ҳаётдаги вазифаси.

Таянч сўз ва иборалар: журналистика, публицистика, публицист, ижод, метод, жанр.

Маърузанинг мақсади: Талабаларда журналистик ижод маҳорати асослари фанининг муҳим қисми бўлган бадиий-публицистик жанрлар ҳақидаги билимларни бериш.

Маърузанинг вазифаси: Ижтимоий ҳаётда публицистиканинг тутган ўрни, унинг муҳим хусусиятлари, публицистикада жанрлар таснифи, бадиий-публицистик жанрларнинг қуйи курсларда ўрганилган инфор­мацион (ахборий) ва таҳлилий жанрлардан фарқи ва умумий жиҳатлари ҳақида маълумот беришдир. Оммавий ахборот воситаларига оид маърузалик, қўлланма, турли тадқиқотларда журналистика жанрларини уч гуруҳга бўлиб ўрганиш, таҳлил этиш қабул қилинган, булар:

1. Ахборот (информация) жанрлари (хабар, ҳисобот, интервью, репортаж).

2. Таҳлилий (аналитик) жанрлар (корреспонденция, мақола, тақриз, кузатиш, шарҳ)

3. Бадиий- публицистик жанрлар (лавҳа, очерк, фельетон, памфлет, эссе, хат).

Албатта, бу тарзда гуруҳларга ажратиш шартли эканлигини, ўрганиш, таҳлил, тадқиқ этиш қулай бўлиши учун қабул қилинганлигини унутмаслик лозим. Негаки, ҳодиса қонундан бойроқ, миқёси кенгрокдир. Масалан, қирғиз адиби Чингиз Айтматов ва қозоқ ёзувчиси Мухтор Шохоновлар ҳамкорликда ёзган “Чўққида қолган овчининг охи-зори” (“Плач охотника над пропастью”) деб аталмиш йирик асари суҳбат шаклида ёзилган бўлса-да, мантикий муҳокамалар, бадиий-пластик тасвирлар, тиниқ образлар, типик характерлар мўллиги, пишиқ сюжети, пухта композицияси, йирик ҳажми боис уни ахборот жанрлари гуруҳига қўшиб бўлмайди, муаллифлар асарни роман-интервью деб номлашганлари бежиз эмас, (худди шунингдек, бу асар роман-эссе деб аталса ҳам хато бўлмайди). Эпиграмма, шарж, масал сингари кичик жанрлар бадиият, публицистика унсурлари мавжудлиги боис баъзан бадиий-публицистик жанрлар деб юритилади. Немис публицисти Гюнтер Вальрафнинг хужжатли репортажлари, айни чоғда, очерк, эссе, қисса, драматик асар элементлари билан тўйингандир. Америка адиби Эрнест Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз” қиссаси, “Алвидо, қурол!”, “Қўнғироқ кимни деб бонг ўради?”, рус адиби Валентин Распутининг “Яша ва эсла”, “Ёнғин” қиссалари, ўзбек адиблари Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Саид Аҳмад прозаси зоҳиран соддалиги, босиқ лиризми, публицистик чекинишлари, сермаъно тагматни (коса тагида ним косаси), монолог, диалоглари ва бошқа фазилатлари билан ажралиб туради. Хуллас,

жанрлар бир бирини бойитиб, тўлдириб, тақозо этиб туради, улар ўртасига қатъий чек-чегара қўйиш, хитой девори билан ажратиш ножиоздир.

Жанр нима дегани ўзи? Уни қайси белги, хусусиятларига кўра таниш, ажратиш мумкин? Юзаки қараганда оддий, жўн савол, лекин керакли савол. Жанрнинг нималигини билмай, устувор белги, хусусиятларини тайин этмай туриб у ҳақда жўяли фикр юритиб бўлмайди.

Жанр (французча *genre* тур, хил) санъат, адабиёт, шунингдек, журналистика асарларининг тарихан таркиб топган ички бўлинишидир. “Жанр” тушунчаси муайян давр миллатга ёхуд дунё санъатига хос, мос асарларнинг барқарор устувор белги, хусусиятларини англатади, умумлаштириб кўрсатади. Масалан, тасвирий санъатда портрет жанри бирор одамнинг бус-бутун ёхуд исман қиёфасини (деталини) акс эттирса, пейзаж табиат манзараси ёки алоҳида бир дарахт, ҳайвон тасвиридан иборатдир. Бадиий адабиётда олайлик, ҳикоя жанри кичик бир воқеа тасвири ва у билан бевосита, билвосита боғлиқ одам (лар) образидан иборат бўлса, роман ҳаётнинг кенг панорамасини типик характер ва типик шароитларда бадиий гавдалантиришни тақозо этади, акс ҳолда, ҳажми катта бўлишидан қатъий назар роман бўла олмайди. Журналистикада ҳам ҳар бир жанрнинг табиатини унга хос устувор аломатлар, барқарор хусусиятлар белгилайди. Масалан, хабар жанрининг асосини ижтимоий аҳамиятга молик бир (ёхуд икки- уч) далили (факт) нинг қисқа баёни ташкил этса, репортаж жанрини муаллиф “мен”и ёки “биз”ининг бевосита иштироки ёхуд кузатувисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Замин ва замон, миллий мафкура жанрларга ўз таъсирини ўтказиб боради. Ҳазиломуз ибора билан айтганда, давр жанрга боқмаса, жанр даврга боқади. Масалан, X- XV асрлар шарқ адабиётида нома, қасида жанрлари кенг тақалгани маълум (“Қобуснома”, “Шоҳнома”, “Бобурнома”, “Шайбонийнома” ва ҳоказо). Сарой шоирлари, шоҳлар, хонлар, султонлар, амирлар шаънига ҳамду санолардан иборат қасидалар битганлар, бу жанрлар аста-секин камайиб, сўниб борди, ўтган асрнинг 20- йилларидан бошлаб эса, СССР деб аталмиш империя юзага келгач, моноидеология даври авж нуқтасига кўтарилди. Етмиш йил давомида Совет ҳукумати, коммунистлар партияси, Ленин, Сталин, Хрушчев, Брежнев ва бошқа етакчи раҳбарлар “дохию доҳийчалар” шаънига мақтову мадҳиялардан иборат жилд-жилд китоблар, сон-саноксиз газета-журнал мақолалари, радио эшиттириш, телекўрсатувлар, бошқача айтганда, ҳадсиз-ҳисобсиз публицистик қасидалар вужудга келди, чуқур жиддий таҳлил-тадқиқ этувчи муаммоли мақола, очеркларни ўрнини нуқул ҳамду санолардан иборат портрет очерклар, мадҳияномалар тутиб кетди. Шахсга сиғиниш, турғунлик йилларида бундан бошқа нарсани кутиш ҳам амримаҳол эди. Масалан, Совет ҳукумати раҳбари Н.С. Хрушчевнинг 1959 йили АҚШга қилган қисқа сафари тафсилотларидан иборат дабдабали “Америка билан юзма-юз” китоби учун нуфузли лавозимларини эгаллаб турган 13 журналист ўша даврдаги энг юксак мукофот-Ленин мукофоти билан тақдирланган эди (адолат юзасидан айтиш жоизки, кейинчалик В.Песковнинг “Шудрингдаги излар”, Ю.Смуулнинг “Музнома”, С.Смирновнинг “Брест қалъаси” китоблари бадиий

публицистиканинг етук намуналари сифатида шундай юксак мукофотга сазовор бўлди).

Журналистиканинг ҳар бир жанри ўз ўрнига, мавқеига, нуфузига эга, улардан бирининг аҳамиятини ортиқ даражада кўтариб, бошқа бириникини пасайтириб бўлмайди. Масалан, газетанинг янги сонини, радио, телевидениенинг кундалик дастурини информациясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ахборот, янгиликлар оммавий ахборот воситаларининг кундалик нони, журнални эса мақоласиз - ушбу етакчи таҳлилий жанрсиз тасаввурга сиғдириш душвор. Ҳаётнинг ҳар бир парчасининг тасвири - корреспонденция, икки ёки бир неча кишининг самимий, дилкаш суҳбат-интервьюси, митинг, учрашув, кўрилиш майдончалари, спорт иншоотларидан олиб кўрсатиладиган бевосита, эҳтиросли репортажлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Тўғри, айрим газеталарда узоқ вақтлар давомида жиддий очерк, фельетон, мароқли эссе босилмаслиги, нашр уларсиз ҳам фаолиятини давом эттириб туриши мумкин, лекин бу кемтиклик пировард натижада унинг мавқеига путур етказди, ўқувчиларнинг қизиқишини сусайтиради. Шоирнинг “ҳар фаслнинг ўз хислати бор, ҳар фаслнинг ўз фазилати” деган сатрлари журналистика жанрларига ҳам дахлдор.

Журналистика жанрлари кўп ҳолларда публицистика жанрлари деб юритилади. Журналистика билан публицистика ўртасида бир қанча муштарак жиҳатлар бўлса-да, баъзи фарқли томонлари ҳам бор. Айрим тадқиқотчилар бу борада фикр юритишган. Масалан, журналистиканинг таниқли назариётчиларидан бири, рус олими, филология фанлари доктори, профессор В.М. Горохов “Публицистик ижод қонуниятлари” (“Закономерности публицистического творчества”) номли китобида бу масалага анча тўхталиб ўтган.

Журналистика ва публицистиканинг бир-бирига анча яқинлиги, тадқиқотчилар фикрича, ҳар иккисининг жамият ҳаётида фаоллиги, ижтимоий-сиёсий бошқарувда иштирок этиши, оммани ижодий фаолият оқали тарбиялаши, жамоатчилик фикрини шакллантириши ва бошқа соҳаларда кўринади. Айни чоғда, журналистика ва публицистика орасида сезиларли фарқлар ҳам мавжуд. Улардан баъзилари, муҳимлари, қуйидагилар:

Ҳар қандай публицистик асар, шубҳасиз, журналистик асар ҳамдир. Лекин ҳар қандай журналистик асар публицистик асар бўла олмаслиги, унинг даражасига кўтарила олмаслиги мумкин. Журналистика кўпроқ сон, публицистика эса сифат билан ўлчанади, баҳоланади. Журналистиканинг паст-баланд тоғлар тизмасига қиёс этадиган бўлсак, публицистика тоғнинг баланд чўққиси. Чўққига эса бирдан чиқиб бўлмайди, унинг учун тажриба, малака, маҳорат керак бўлади. Публицистика, бошқача айтганда, ранг-баранг, сара гуллардан ясалган гулдаста. Журналистикада, масалан, хабар, интервью, репортаж жанрларида далил, тафсилот муҳим бўлса, публицистикада таҳлил, тадқиқот (анализ), умумлашма, хулоса (синтез), образли тафаккур устувор бўлади. У ҳаётни кенгроқ, миқёслироқ қамраб олади, ғояни ривожлантириб, катта ижтимоий хулосаларга ўстириб чиқаради, бу маънода журналистик ижод турини сиёсатга, публицистикани мафкурага тенглаштириш мумкин. Яна

журналистикага нисбатан “тезкорлик”, дифференциаллик, публицистикага нисбатан актуаллик, долзарблик, интеграллик тушунчаларини ишлатиш мумкин.

Бадий-публицистик жанрларда - ёзувчи мақоласи, очерк, фельетон, памфлет, эссе, кичик бадий-публицистик жанрларга мансуб масал, пародия, эпиграммаларда, борлиқни акс эттиришда адабий-бадий усуллардан, яъни образлилик, ўхшатиш, жонлантириш, бўрттириш, драматизмдан, сюжет ва композиция имкониятларидан ўринли ва унумли фойдаланилади.

2-маъруза: Бадий-публицистик жанрлар характеристикаси

Режа:

1. Публицистиканинг ижтимоий ҳаётдаги вазифаси.
2. Публицистика жанрлари матбуотда қандай қўлланади?
3. Публицистикада образ ва образлилик.

Таянч сўз ва иборалар: *бадий-публицистик жанрлар, образ ва образлилик, типиклаштириш, фабула, композицион қурилиш, конфликт ва ечим.*

Маърузанинг мақсади: Талабаларда журналистик ижод маҳорати асослари фанининг муҳим қисми бўлган бадий-публицистик жанрлар ҳақидаги билимларни бериш.

Маърузанинг вазифаси: Ижтимоий ҳаётда публицистиканинг тутган ўрни, унинг муҳим хусусиятлари, публицистикада жанрлар таснифи, бадий-публицистик жанрларнинг куйи курсларда ўрганилган инфор­мацион (ахборий) ва таҳлилий жанрлардан фарқи ва умумий жиҳатлари ҳақида маълумот беришдир.

Маълумки, **публицистика** сўзининг луғавий маъноси (лотинча *publicus* – сўздан олинган бўлиб - **жамоатчилик**) деган маънони англатишини куйи курсларда ўргангансиз. Моҳиятан эса публицистика жамият ҳаётининг долзарб муаммоси, ҳодисасига бағишланган асарнинг кўриниши бўлиб, содир бўлган воқеа-ҳодиса ҳақида жамоатчилик фикрининг ранг-баранглигини ифодаловчи восита сифатида сиёсий ва мафкуравий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Технологиялар аниқ фанларга қанчалик зарур бўлгани сингари, яъни яратилган аниқ бир ихтиро, формула, шу соҳанинг кейинги ривожига туртки бўлгани каби, публицистика ҳам давлат ва жамиятга тааллуқли фан ҳисобланади. Публицист ўзи ўрганган фанга оид билимларини умумлаштириб, ўзининг тадқиқоти натижалари ҳақида хабар беради. Эътиборли томони шундаки, билимлар ҳақида хабар бериш билан у ўқитиш, билим беришни мақсад қилмайди, балки ўша жамоатчилик фикри деган сиёсий кучга таъсир кўрсатишни ўргатади. Шунинг учун публицистика соҳаси кундалик ҳаёт учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган долзарб масалаларни қамраб олади. Қолаверса, бугунги ижтимоий ҳаётнинг тезкор шиддати, айтайлик масъул раҳбардан бирор бир масала юзасидан иккиланиши ёки ўзи ишончга эга бўлмаган жавобни эмас, аниқ ва тайёр фикрни кутади. Шу боис публицистика ижтимоий-сиёсий ривожланишнинг у ёки бу соҳасида юзага келган, мавжуд вазиятни чигаллаштирадиган, уни ҳал қилишнинг имкони бўлмайдиган ҳодисаларнинг ечимини топади, ҳатто фандаги машҳур предметларнинг аниқ тадқиқотлари ва уларнинг аҳамиятига ҳам ойдинлик киритади. Нима учун ва қандай ечим топади? Публицистиканинг муҳим хусусиятларидан бири жамоатчилик фикрига таъсир этса, иккинчи унинг индивидуаллигидадир. Ҳатто аниқ фанлар ҳақида ёзилган публицистик асарда ҳам ўша фаннинг назариясида қанча чалкашликлар борлиги исботлайди. Масалан, қарама-қарши томон билан баҳсга кириш орқали ана шундай чалкашликларга аниқлик киритилади. Ёки рақиб томоннинг шахс сифатидаги камчиликларини очиб ташлаш орқали унинг ёрқин образини памфлет жанрида кўриш мумкин. Адабий танқидчилик

нафақат адабиёт балки, жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий воқеаларни ҳам ўзида ифода этадиган соҳа ҳисобланади. Ёзувчи ва танқидчилар ўз қарашларини матбуот орқали ифода этадилар. Шунинг учун уларнинг адабий танқидий мақолалари бадиий-публицистиканинг муҳим кўринишларидан ҳисобланади. Очеркда эса жамиятда содир бўлган ҳар бир воқеа муаллифнинг қалб призмасидан ўтади. Унда муаллиф турли образлар, метафралар, ўхшатишларни қўллаш орқали ижтимоий ҳаётнинг бир парчасини чизиб кўрсатади.

Шундай қилиб “публицистика – журналистиканинг юқори кўриниши бўлиб, Ҳар доим янги ғоялар учун баҳс-мунозарага киришиш, курашиш, тортишларга бойлиги билан ажралиб туради. Унинг муаллифи “публицист” ижодий ўзанга сиғмайдиган, шаклга солинган фикрлардан ҳоли, суратларга бой ва қарашлари мустақил бўлмаган шахсдир”. (*Краткая литературная энциклопедия, т.6, стлб.73. — М.: Сов. энциклопедия, 1971.*)

Публицистиканинг дастлабки кўринишлари қадимги даврларга бориб тақалади. Мутахассисларнинг фикрича, қадимий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, қолаверса авлодлардан аجدодларга ўтиб келаётган ёзма манбалардан учратиш мумкин. Аммо кишилик жамияти ривожланган сари, ахборотга бўлган талаб ортгани сари публицистиканинг ҳам мазмун –моҳияти ўзгарди. Айниқса, тарихнинг қайси сиёсий воқелигини ўрганмайлик, ўша ерда публицистика ривожланган бўлади. Айниқса, публицистика даврий матбуот пайдо бўлгандан кейин янада кучайди. Шундай ҳолатлар бўладик, публицистика жамоатчилик фикри тарафдори бўлса ҳам, унга таъсир қилиш орқали ана шу жамоатчилик фикрининг ўзини ўзгартириб юборади. Публицистиканинг ижтимоий ҳаётдаги кучини билган Ғарбий Европа кўпчилик сиёсатчилари публицистика билан шуғилланадилар.

Ҳозирги замонавий газета публицистикасида йигирмага яқин жанрлар қўлланади. Улар оддийдан мураккаб босқичга ўтувчи ўзига хос занжирни ҳосил қилади. Улар белгиланган талабларига қараб бир неча жанрлар гуруҳига ккиради. Шуларнинг биринчиси – янгиликлар журналистикасига кирувчи жанрлари: ахборот, хабар, ҳисобот ва репортаж. Бун жанрлар орқали ўқувчиларга янгилик ҳақида хабар бериш мақсад қилинади. Янгиликлар орқали биз газета муштариёларига нима маълум ёки номаълум эканини билиб оламиз. Аммо ҳар бир факт, ҳар бир воқеа янгилик сифатида ўқувчини қизиқтирмаслиги мумкин. Бу кўпроқ берилаётган фактнинг ижтимоий аҳамиятга боғлиқлиги, долзарблигига боғлиқ. Долзарблик ўқувчиларнинг шахсий ва жамоатчилик қизиқишларини уйғотади. Бунда факт ўзининг аҳамиятини узоқ сақлаб қолиши мумкин ёки тезлик билан эътибордан четда қолиши мумкин.

Газета публицистикасидаги жанрлар шаклининг мураккаблашиб бориши матндаги тушунча ва таҳлилларга бўлган талабнинг ортиб бориши билан белгиланади. Бадиий публицистик жанрларнинг катта гуруҳига - лавҳа, очерк, фелетон, сатирик жанрлар: фелетон, памфлет, тақлид, кичик ҳажвий жанрлар киради. Унинг бадиий публицистик жанрлар дейилишига сабаб, чунки муаллиф бу жанрларга мурожаат қилганда ҳамиша матнда ҳужжатлилиқ ва

фактографикликка амал қилган ҳолда публицист сифатида қолади. Аммо бир пайтнинг ўзида у публицистик асарни яратиш учун бадиий ижодга тааллуқли бўлган бадиий-тасвир воситаларидан, воқеликни ифодаловчи тасвир усулларида фойдаланади.

Таъкидламоқ жоизки, бадиий-публицистик маҳоратнинг бир гуруҳ жанрларида билишнинг эмперик ва назарий методларидан ташқари, бадиий адабиётнинг айрим воситаларидан: образ ва образлилик, характерлар яратиш, типиклаштириш, шунингдек фабула, композицион қурилиш, конфликт ва ечим каби маҳорат билан боғлиқ унсурларидан фойдаланилади. Бундан кўзланган мақсад - публицистиканинг мазкур жанрларида жамоатчиликка етказилмоқчи бўлган фикр шунчаки ахборот тарзида берилмасдан, кишиларнинг туйғулари, ҳисларига таъсир кўрсатиш орқали унинг самарадорлигини оширишдир. Бундай жанрлари сирасига бадиий-публицистик жанрлар гуруҳи деб аталади.

Ўзбек журналистикаси назарияси Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгунга қадар рус журналистикаси назарияси ва амалиёти таъсири остида бўлгани учун рус (шўро) матбуотида қандай жанрлар қўлланилган бўлса, ўзбек матбуотида уларни шу ҳолича олиб қўя қолиш кўзга ташланади. XX асрнинг 70-80-йилларида мазкур жанрлар гуруҳига, асосан, очерк, фелъетон, памфлет ва майда сатирик жанрлар (масал, пародия, эпиграмма, ўртоқлик ҳазиллари) киритилганди. Сал кейинроқ ёзилган баъзи ўқув қўлланмаларида масал публицистика жанрига киритилмаган. Бунда мазкур жанрлар ўзбек миллий матбуоти хусусиятларига мос келадими, йўқми, бу билан ҳисоблашилмаган.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейин барча ижтимоий соҳаларда бўлгани каби журналистика назарияси ва амалиёти соҳасида ҳам ўзгаришлар юз берди ва бермоқда. 1999 йили Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида халқаро журналистика факультети ташкил этилгач, халқаро журналистика мутахассислиги учун кадрлар тайёрлаш талабларидан келиб чиқиб, публицистика жанрлари гуруҳларини белгилашда жаҳон журналистикаси тажрибаларидан келиб чиқилган ҳолда ёндашиш қарор топди. Шу аснода ўзбек миллий журналистикаси хусусиятларини эътиборга олган ҳолда илк марта публицистика жанрлари гуруҳларини белгилашда нисбатан янги йўл тутилди. Журналистика турларини тасниф этишда янгиликлар журналистикаси, репортёрлик санъати, таълилий журналистика, шарҳлаш журналистикаси, бадиий-публицистик маҳорат, журналист суриштирувчи, деган атамалар юзага келди. Илгари хорижий матбуотда кенг қўлланилган эссе жанри ҳам Ўзбекистон журналистикасидан жой олди. Энди фақат рус журналистикаси назарияси ва амалиёти тажрибаларидан эмас, балки жаҳон журналистикаси, жумладан публицистикаси назарияси ва амалиёти тажрибаларидан ҳам фойдаланила бошланди. Пировардида, Ўзбекистонда миллий ва халқаро журналистика назарияси ва амалиётига хос илмий қарашлар юзага келди. Шу қарашлардан келиб чиқилган ҳолда бадиий-публицистик жанрлар гуруҳига очерк, фелъетон, памфлет, эссе, хат (эпистоляр публицистика), бадиа, майда ҳажвий-мutoйиба жанрлари (пародия, ўртоқлик ҳазиллари, латифа) киритилди.

3-март. Бадий публицистик жанрлар тадрижи

Режа:

1. Публицистиканинг ижтимоий ҳаётдаги вазифаси.
2. Публицистика жанрлари: ахборот (информацион), таҳлилий-тадқиқий (аналитик), бадий публицистик жанрларининг ўзаро муштарақлиги ава ўзига хослиги.
3. Публицистика жанрлари матбуотда қандай қўлланади?

Таянч сўз ва иборалар: ҳажвий публицистика, информацион публицистика, таҳлилий публицистика, идея, мазмун.

Ҳаётни адабий-бадий нуқтаи назардан ёритишга хизмат қилувчи бадий публицистика ҳам ўзига хос жанрларга эгадир. Булар-лавҳа, очерк, эссе кабилар бўлиб, улар қаторига ҳажвий публицистикага оид бўлган фельетон, памфлет каби жанрлар ҳам киради. Шу билан бирликда ҳажвий публицистика информацион ва таҳлилий публицистика жанрларидан ҳам (ҳажвий информация, ҳажвий мақола ва б.) фойдаланиши мумкин.

Публицистика турлари ва жанрларининг хилма-хиллиги унинг ижтимоий ҳаётни кенг ва ҳар тарафлама акс эттиришдан иборат функциясидан келиб чиқади. Публицистика орқали инсоният ўзини ўраб турган ташқи дунёдан хабардор бўлади, уни англайди ва ўз манфаати йўлида фойдаланади. Бинобарин, публицистика инсониятнинг муҳим ижтимоий-сиёсий, маънавий-иждоий қуроли, яшаш воситаси ҳисобланади. Инсоният ҳар тарафлама тараққиётга эришган ҳозирги даврга келиб матбуотнинг, публицистиканинг ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бормокда.

Қуйида биз публицистиканинг юқорида келтирилган уч таркибий қисми ва уларга кирувчи жанрлар билан танишиб чиқамиз.

Информацион публицистика

Публицистиканинг илк қисми бўлган информацион, хабардор қилиш публицистикасининг асосида информация, хабар ётади. Информация сўзи латинча «informare»-тасвирлаш, бирон нарса ҳақида маълумот бериш деган маънони билдиради. Хабар эса арабча бўлиб бу сўз ҳам юқоридаги маънода ишлатилади. Фалсафий маънода информация тирик модданинг яшаш хусусиятларидан асосийси саналиб, табиат ва ҳайвонот оламида ҳам мавжуддир. Инсониятнинг ўзини ўраб турган ташқи оламни билишида ҳамда ўзаро мулоқотида информация муҳим рол ўйнайди. Кишилиқ жамиятида информациянинг кўпгина турлари мавжуд бўлиб, улардан энг муҳими ижтимоий информациядир. Ижтимоий информация жамият учун жамият ҳақидаги хабарлар, маълумотлардир.

Информацион публицистика жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ишлаб чиқариш, маданий-маънавий ҳаётининг барча томонларини қамраб олади. Жамият ҳаётида информацион публицистикада акс этмайдиган бирор соҳа йўқ. Жамият учун зарур ҳисобланадиган, кишиларни

қизиқтирадиган барча факт, воқеа ва ҳодисалар инфор­мацион публицистикада ўз ифодасини топади. Матбуотнинг ҳар тарафлама, ҳар ерда ҳозир ва ҳар нарсадан хабардор деган машҳур қоида­си аввало инфор­мацион публицистикада зоҳир бўлади. Инфор­мацион публицистика матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг газета, журнал, радио, телевидение, интернет каби барча турларида асосий ўринни эгаллайди. Инфор­мацион публицистикасиз матбуотнинг бирор тури ёки хили иш кўра олмайди. Матбуотни инфор­мация билан таъминлаб туришда матбуот нашрлари, радио ва телевидения компанияларидан ташқари махсус инфор­мацион агентликлар ҳам иш олиб борадилар. Дунёдаги барча инфор­мация агентликлари узлуксиз равишда инфор­мация йиғиш ва тарқатиш билан шуғулланадилар. Улар матбуот ва радио, телевидение­ни доимий равишда инфор­мация билан таъминлаб турадилар. Инфор­мацион публицистика барча оммавий ахборот воситалари фаолиятида кенг ва ҳар тарафлама қўлланилади.

Инфор­мацион публицистиканинг тарихий илдизлари жуда чуқур бўлиб, инсоният пайдо бўлишининг илк даврларига бориб тақалади. Инфор­мацион публицистиканинг асосини ташкил этувчи инфор­мация ер юзидаги бирдан-бир онгли мавжудод бўлган одамзоднинг илк ҳамроҳи ҳисобланади. Инсонларнинг бир-бирлари билан мулоқотлари натижасида тилнинг ва ёзувнинг пайдо бўлиши инфор­мацион публицистиканинг асосини ташкил этади. Кейинчалик, одамлар жамоа-жамоа бўлиб яшай бошлагач инфор­мациянинг роли янада ошди. Жамият синфларга бўлин­гач инфор­мация ҳам маълум синфлар учун хизмат қила бошлади. Якка ҳукмронликлар даврида ижтимоий инфор­мация асосан ҳукмдорлар манфаати учун хизмат қилган бўлса, кейинчалик у кўпроқ иқтисодий манфаатларга хизмат қила бошлади, фойда орттириш манбаига айланди. Коммунистик тузум даврида у якка ҳукмрон ғоянинг оммага таъсир кўрсатиш воситаси бўлиб хизмат қилди. Фақат ҳақиқий демократик тузум, юксак иқтисодий ривожланган жамиятдагина инфор­мация кенг халқ оммасига хизмат қилади, инфор­мацион публицистиканинг эркин фаолият кўрсатиши учун имконият яратилади.

Инфор­мацион публицистика асосан матбуотда, оммавий ахборот воситаларида кенг зуҳур топади. Ҳали матбуот шаклланмаган даврларда унинг функцияларини жарчилик, хабарчилик каби воситалар бажариб келган. Бадиий адабиётда инфор­мацион публицистиканинг айрим элементлари мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, айрим тарихий меъмуар ёхуд шу кун воқеалари акс этган асарларда инфор­мацион хусусият ўрин олади. Фанда ҳам инфор­мацион хусусият ўз ифодасини топади, илмий кузатишлар тадқиқотлар ҳаётдан олинган факт ва воқеа-ҳодисаларга асосланади. Аммо фанда факт ва воқеалар бирор илмий ҳулоса, кашфиёт, тадқиқотларни исботлаш, қайд этиш учун қўлланилади. Инфор­мацион публицистика ҳам ҳаётдан олинган факт, воқеа ва ҳодисаларни танлаб олишда, тадқиқ этишда фанга доир воситалардан, илмий-ман­тикий мушоҳадалардан фойдаланади. Аммо у ана шу факт, воқеа ва ҳодисалар ҳақида жамиятга тезкорлик билан хабар бериш, жамоатчилик фикрига ҳавола этиш вазифасини бажариши билан фандан фарқ қилади. Яъни инфор­мацион публицистиканинг вазифаси ҳаёт фактлари, воқеа ва ҳодисаларни

текшириш, уларни турларга бўлиш ва илмий хулосалар чиқариш эмас, балки улардан одамларни хабардор қилишдир. Информацион публицистика ижтимоий борлиқни асосан сўз ёрдамида ёритганлиги боисидан адабиёт ва санъатга ҳам яқин туради. Аммо у адабиёт ва санъат сингари ҳаётдаги факт, воқеа ва ҳодисаларни тасвирлаш билан ўқувчи (тингловчи, томоша қилувчи)ларнинг ҳис-туйғуларига таъсир қилиш эмас, бевосита онгига кириб бориш, хабардор қилиш функциясини бажариши билан фарқ қилади. Шу билан бирликда информацион публицистика ҳаёт воқеаларини акс эттиришда адабиёт ва санъатнинг жонлантириш, образлилик каби воситаларидан фойдаланади. Аммо унинг бош вазифаси юқорида айтганимиздек информация бериш, хабардор қилиш бўлганлиги боисидан бу воситалар чекланган даражада, зарур ҳоллардагина қўлланилади.

Информацион публицистика таркибида қатор жанрлар мавжуддир. Булар – информация, (хабар), кенгайтирилган хабар, репортаж, лавҳа, интервью, ҳисобот кабилардан иборатдир. Бу жанрларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бир-бири билан ўзаро муносабатда бўлади ва бир-бирини тўлдириб келади. Шу билан бирликда ҳар бир информацион жанр ўзининг ички хил ва турларига бўлинади – бу публицистиканинг муҳим таркибий қисми, бош кўриниши бўлган информацион публицистиканинг ҳам хилма-хил ва серқирралигидан далолат беради.

Таҳлилий публицистика

Маълумки, матбуот ижтимоий ҳаётни акс эттиришнинг бир кўриниши, уни билиш, тадқиқ этиш ва унга қайтадан таъсир этишнинг муҳим воситасидир. Матбуотнинг жамият ҳаётини билиш, тадқиқ этишида публицистиканинг таҳлилий қисми асосий рол ўйнайди. Таҳлилий публицистика информацион – хабардор этиш публицистикасининг тадрижий давоми бўлиб, у инсониятнинг ўзини ўраб турган дунёни билишдаги иккинчи муҳим қадами, реал борлиқнинг инсон онгидаги инъикосининг иккинчи қатлаmidан келиб чиқади. Инсон ташқи дунёни англашда оддийдан мураккабга, яккадан умумийга қараб бориши табиийдир. Бу дунёни билишнинг индуктив (кўрсатиш, мўлжалга олиш) усули бўлиб, фандаги илмий-тадқиқотларда бош ўринни эгаллайди. Инсон ўзи кўрган, гувоҳи бўлган воқеа ва ҳодисаларни бошқаларга етказди, хабар қилади, ҳикоя қилиб беради, тасвирлайди. Бу информацион публицистиканинг келиб чиқишига сабаб бўлган ижтимоий-тарихий ҳолдир. Аммо инсон бу билан чегараланиб қолмайди, у ҳаётда кўрган, гувоҳи бўлган айрим фактларни бир-бирига қўшади, бир-биридан ажратади, уларнинг келиб чиқиши сабаблари ва пировард оқибатларини билишга интилади, уларни баҳолайди, маъқуллайди ёки инкор қилади ва ҳоказо. Бу эса дедуктив (билмоқ, моҳиятни англамоқ) усул билан дунёни билиш, таҳлил қилиш, хулоса чиқаришдан иборат бўлиб, фан назариясининг асосини ташкил этади, публицистиканинг эса таҳлилий қисмини ташкил этади.

Агарда дунёда мавжуд бўлган факт, юз берган воқеа, ҳодисалар унинг ташқи, кўзга кўриниб турган юза қатламини ташкил этса бу фактларнинг асоси, воқеа ва ҳодисаларнинг асл моҳияти, объектив қонунияти уларнинг кўзга

кўринмайдиган ички, чуқур қатламларини ҳосил қилади, одамзод бу қатламга етиб бориш, англаш учун иккинчи бир, олдингисидан чуқурроқ билиш усули – таҳлил ва тадқиқни ишга солади. Ана шу қонуният таҳлилий публицистикада ўз ифодасини топади. Агарда инсон ҳаётдаги факт воқеа ва ҳодисаларни матбуотдаги инфор­мацион публицистика жанрлари орқали кўриб, билиб, ўқиб хабар топса, таҳлилий публицистика орқали ички моҳиятини билиб олади, англайди, ўзи учун зарур хулосалар чиқаради, ижтимоий фаолиятини белгилайди. Яъни инфор­мацион публицистика инсон онгининг устки қатламларига етиб келса, таҳлилий публицистика онгнинг чуқур қатламларига кириб боради ва таъсир кўрсатади, инсонга оламни билдиради, уни зарур тажрибалар, назария, билимлар билан куроллантиради.

Таҳлилий публицистика худди инфор­мацион публицистика сингари ҳаётни тадқиқ этишда фан, илмнинг текширув-тадқиқот, умумлаштирув, юқорида келтирилганидек, индукция ва дедукция усуллари­дан фойдаланади. Бу — фан билан матбуотнинг, публицистиканинг дунёни билишдаги бир-бирига яқинлиги, умумий хусусиятларга эга эканлигини яна бир бор исботлайди. Аммо таҳлилий публицистиканинг фандан, илмий тадқиқотдан фарқи шундаки, у ҳаётдаги факт, воқеа ва ҳодисаларни умуман, илмий зарурат нуктаи назаридан эмас, балки жамиятнинг шу куни, айна замони манфаатлари нуктаи назаридан ўрганади, таҳлил этади. Шу билан бирга у фан сингари ўз соҳасига тегишли бўлган барча факт воқеа ва ҳодисаларни бир бошдан текширмайди, балки шу кун, шу замон учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган энг муҳимларини танлаб олади ва ўзида акс эттиради. Яъни у шу кун, шу замонни шу кун, шу замон кишилари учун акс эттиради ва жамоатчилик фикрини уйғотишга ҳаракат қилади. Бинобарин, таҳлилий публицистиканинг бош талаби ижтимоий аҳамиятлилик, публицистикликдир.

Таҳлилий публицистика ижтимоий борлиқни акс эттириш кўринишларидан бўлмиш адабиёт ва санъат билан ҳам яқин алоқада бўлади, улардаги айрим тасвирий воситаларидан фойдаланади. Аммо у ҳаётни образлар воситасида тасвир этувчи адабиёт ва санъатдан ҳаётни тасвирлашда аниқ ва муайян фактларга асосланиши ҳамда маълум ижтимоий мақсадларга хизмат қилиши, бошқача қилиб айтганда публицистикага оидлиги билан ажралиб туради.

Таҳлилий публицистика ҳам худди инфор­мацион публицистика каби жамият ҳаётининг барча томонларини қамраб олади. У ижтимоий-сиёсий публицистикада ҳам, иқтисодий-ишлаб чиқариш публицистикасида ҳам, илмий публицистикада ҳам, публицистиканинг бошқа соҳаларида ҳам асосий ўрин тутади. Инсон фаолиятининг дунёни билиш, ижтимоий англаш борасидаги барча саъй-ҳаракатлари, интилишларида таҳлилий публицистика ҳозир у нозирдир. Таҳлилий публицистика орқали инсон жамият қонуниятларини ўрганади, иқтисодиёт, фан-маданият, адабиёт ва санъат ва бошқа соҳаларда мавжуд бўлган турли масала ва муаммолардан огоҳ бўлади. Бошқача қилиб айтганда, таҳлилий публицистика кишиларга ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, илмий, тарихий, фалсафий, бадий-эстетик билим беради, уларни тарбиялайди.

Ташқи дунёни билишда, унинг қонуниятларини англаб етишда билиш қуроли бўлган нуқтаи назар, ғоя ва мафкура ҳам асосий ўринни эгаллайди. Яъни инсон дунёга қайси нуқтаи назардан, қандай таълимот, қайси бир ғоя, мафкура асосида ёндашади — ҳамма гап шунда. Дунёни билишда эса инсон олдида асосан икки хил идеалистик ва материалистик дунёқараш туради. Идеалистик дунёқараш асосида оламнинг асосида идея, рух ётади, рух бирламчи деган тушунча турса, материалистик дунёқараш эса оламнинг асосини модда, материя ташкил этади, идея, рух эса модданинг, материянинг маҳсулидир, шунинг учун материя бирламчидир деган тушунчага асосланади. Идеалистик дунёқараш барча динлар ва диний дунёқарашларга хизмат қилса материалистик дунёқараш илмий қарашнинг асосидир. Шу билан бирликда, ҳаётга илмий қарашнинг ҳам турли илғор ёки эскирган, қотиб қолган кўринишлари, таълимотлар ҳам мавжуддир. қайси дунёқараш, қайси бир таълимот энг ҳаққоний илмий асосга эга бўлса, ҳаёт талабларига тўла жавоб берса, тараққиёт қонунларини тўғри изоҳласа ана шу таълимот ижодий, тараққийпарвар хусусиятларга эга бўлади. Барча фанлар, адабиёт-санъат сингари публицистика ҳам юқоридаги каби маълум бир дунёқарашга, таълимотга, ғоя ва мафкурага асосланади. Унинг муҳим қисми бўлган таҳлилий публицистика энг ҳаққоний, илғор тараққийпарвар таълимот, мафкура ва ғояларга асослангандагина ҳаётни тўғри, ҳаққоний ёрита олади ва ўз функциясини муваффақиятли адо этади. Яъни илғор, давр талабларига жавоб бера оладиган ғоя, мафкура ва таълимот таҳлилий публицистикани аниқ, равшан мақсадларга йўналтиради, унга нимани ва қандай таҳлил этишни белгилаб беради. Аксинча, қолоқ, эскирган, замон талабларига жавоб бермайдиган ғоя ва қарашларга асосланган таҳлилий публицистика эса чекланган бўлади ва инқирозга учрайди. Бундай публицистик асарлар жой олган матбуотни омма рад этади, ўқимайди.

Таҳлилий публицистика матбуотнинг таҳлил функциясини бажаришида хизмат қилади. Шу боисдан у оммавий ахборот воситаларининг барча кўринишларида кенг қўлланилади. Аммо оммавий ахборот воситалари кўринишлари ўз хусусиятига қараб таҳлилий публицистикага у ёки бу даражада, кўпроқ ёки камроқ ўрин бериши мумкин. Масалан, газеталар жамиятнинг шу кундаги, айни замондаги ҳаётини ёритар экан, ўз саҳифаларида информацион публицистикага нисбатан кўпроқ ўрин бергани холда таҳлилий публицистикага нисбатан камроқ ўрин ажратади. Журналлар эса жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаётининг чуқур қатламларини ёритар экан таҳлилий публицистикага газеталарга нисбатан кенг ўрин беради. Радиоэшиттиришлар, телевидение ва интернетда таҳлилий публицистика информацион публицистика билан деярли тенг ўрин олади.

Шуни айтиш керакки таҳлилий публицистика информацион публицистика билан узвий боғлиқдир. Информацион публицистика материалларида таҳлил элементлари мавжуд бўлганидек таҳлилий публицистикада ҳам информацион, хабардор этишлик хусусиятлари ҳам мавжуддир. Публицистиканинг бу ҳар икки тури бир-бирини тўлдириб келади. Бу таҳлилий публицистиканинг жанрларида ҳам ўз ифодасини топади.

Ҳаётнинг чуқур қатламларини ёритишга мўлжалланган таҳлилий публицистика ўзига хос жанрларга эгадир. Булар корреспонденция (кенгайтирилган хабар), суҳбат, мақола, тақриз, шарҳ, хат кабилардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз жанрий хусусиятларига эга. Жумладан, корреспонденция инфорацион публицистикани таҳлилий публицистика билан боғловчи жанр бўлиб, ҳаётдаги фактлар, воқеа ва ҳодисалар таҳлиliga бағишланади. Суҳбат жанри эса унинг бошланғич кўриниши бўлган сўраб-суриштириш – интервьюнинг мантикий давоми ҳисобланади. Таҳлилий публицистиканинг асосий жанри бўлмиш мақола эса жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги муҳим масала ва муаммоларини акс эттириш, шарҳ ҳаёт воқеаларини кенгроқ тушунтириш, шарҳлаб бериш вазифасини бажаради. Тақриз жанри илм-фан, адабиёт ва санъат асарларига баҳо бериш, уларни таҳлил этишга мўлжалланган. Хат жанри жамоатчилик фикрини уйғотишнинг муҳим воситаси сифатида иш кўради. Таҳлилий публицистиканинг бу хилдаги жанрий ранг-баранглиги унинг жамият ҳаётини барча соҳаларини қамраб олиш ва чуқур ижтимоий қатламларга кириб бора олишдан иборат функциясидан келиб чиқади.

Таҳлилий публицистика шу билан бирликда оммавий ахборот воситаларини турли кўринишларидан жой олишига қараб матбуот, радио ва телевидение таҳлилий публицистикасига бўлиниб кетади ва шунга биноан унинг жанрлари ҳам турлича тус олади.

Таҳлилий публицистиканинг ўз функциясини муваффақиятли бажара олиши унинг қандай матбуотда иш кўришига, қайси мафкурага хизмат қилишига бевосита боғлиқдир. Якка ҳукмдорлар манфаатига бўйсунувчи матбуотда таҳлилий публицистика чекланган бўлиб, ўша ҳукмдорлар манфаатига хизмат қилади. Коммунистик матбуотда эса у якка ғоявий ҳукмронлик воситасига айланади. Фақат демократик тузум ҳукм сурган жамият матбуотидагина таҳлилий публицистика чинакам тараққиёт учун хизмат қилади. Ўз миллий мустақиллигига эришган ва демократик тузум, адолатпарвар фуқаролик жамияти тузиш йўлидан бораётган республикада таҳлилий публицистика умуминсоний қадриятлар, илғор қарашларни ўзида акс эттириб, жамият ҳаётининг энг муҳим масалаларини таҳлил этиб, жамоатчилик фикрини уйғотишга хизмат қилиб келмоқда. Газеталаримиз, журналларимизда босилаётган, радио ва телевидениеда эълон этилаётган таҳлилий публицистика материалларида шу кунимизнинг энг долзарб масалалари ўз ифодасини топмоқда.

Бадий публицистика

Маълумки, матбуот ижтимоий ҳаётни акс эттиришнинг ўзига хос кўриниши, уни билиш, тадқиқ этиш ва воқеликка қайтадан таъсир этиш воситаларидан бири сифатида кишилиқ жамиятида муҳим ўрин тутиб келади. Матбуотнинг пайдо бўлганидан бири эндигона тўрт аср ўтган бўлсада у инсоният тарихи, ҳаёти ва тақдирида муҳим ўринни эгаллади. Башарият цивилизациясининг маҳсули бўлган матбуот унинг тараққиёти учун, одамзод бахт-саодати учун, унинг порлоқ келажаги учун катта хизмат қилди ва қилиб

келмоқда. Фан ва техниканинг беқиёс ўсиши, мамлакатлараро алоқаларнинг энг юксак мақомда такомиллашуви инсониятнинг ўзлигини чуқур англаши долзарб масала бўлиб қолган йигирма биринчи асрга келиб матбуотнинг ижтимоий аҳамияти ва хизмати мисли кўрилмаган даражада ўсди. Жаҳон оммавий ахборот воситалари - неча минглаб газеталар, журналлар, кўп сонли телевидение ва радио тармоқлари, информация агентликлари ҳамда интернет тармоқлари инсонларга узлуксиз равишда ижтимоий информация етказиб турибди ва дунёда юз бераётган воқеалар, ходисалар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳалардаги янгиликлар билан доимий суратда таништириб бормоқда. Инсониятни олам сирларидан воқиф, турли хавф-хатарлардан огоҳ этмоқда.

Ўзбекистон матбуоти ва барча оммавий ахборот воситалари ҳам жаҳон оммавий ахборот воситалари таснифининг таркибий бир қисми сифатида юқоридаги вазифаларни бажариб келмоқда. Республикамизда чиқаётган кўп сонли газеталар, журналлар, радио ва телевидение тармоқлари, ахборот агентликлари ва интернет тармоғи оммага катта жабҳада ижтимоий информация етказиб бериш билан биргаликда мамлакатимизда режалаштирилган улкан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислохотларни амалга оширишда, истиқлол мафкурасини омма онига сингдиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг тўлақонли фаолият кўрсатишида Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ва бошқа қонунларнинг аҳамияти каттадир. Мазкур қонунларда матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий асослари ҳамда журналистларнинг информация йиғиш ва тарқатиш борасидаги ҳуқуқ ва бурчлари белгилаб берилган. Республикамиз матбуоти, оммавий ахборот воситалари кишиларнинг кундалик ҳаёт ва турмушларига табора сингиб, уларнинг энг яхши ҳамкорларига, маънавий кўмакчиларига айланиб бормоқда. Бу борада газета ва журналларимиз саҳифаларидан, радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар мундарижасидан ўрин олиб келаётган публицистика материалларининг роли ва хизмати ҳам беқиёсдир.

Маълумки, матбуот материалларининг ўзагини публицистика ташкил этади. Публицистика латинча «publicus» – ижтимоий сўздан олинган бўлиб, адабий - сиёсий ижод демакдир. Яъни, публицистика ижтимоий ҳаётни акс эттиришнинг алоҳида бир тури ҳисобланиб, жамият ҳаётининг шу кундаги, айни замондаги ҳолатини, ютуқ ва камчиликларини, муаммоларини ўзида акс эттиради ва шу кунга, айни замонга хизмат қилади. Публицистиканинг вазифаси жамият ҳаётида шу кун, айни замонда юз берган воқеалар, ходисалар ҳақида жамиятни хабардор қилиш, ундаги мавжуд масалалар, муаммолар бўйича жамоатчилик фикрини уйғотишдан иборатдир. Публицистика ижтимоий ҳаётни акс эттириш кўринишларидан бўлган адабиёт ва санъатда ҳам кенг ўрин эгаллайди, аммо унинг асосий фаолият кўрсатадиган майдони матбуотдир.

Публицистиканинг ички ижтимоий - ижодий таркибида сиёсат, фан ва адабиёт хусусиятларининг мавжудлигини кўриш мумкин. Публицистика аввало ижтимоий - сиёсий ҳодисадир. Чунки унда ҳаёт маълум бир давр, тузум, ижтимоий - сиёсий қарашлар нуқтаи назаридан акс эттирилади, шу кунги ҳаётдан олинган факт, ҳодиса ва воқеалар ҳақида фикр юритилади, таҳлил этилади, баҳоланади ва хулосалар чиқарилади. Публицистикада илмийлик ҳам мавжуддир, чунки у борлиқни акс эттириш, текшириш ва тегишли хулосалар чиқаришда фанга хос бўлган мантикий муҳокамадан ҳам фойдаланади. Публицистика, шунингдек, ҳаётни тасвирлашда ўқувчининг фақат онгигагина эмас, хис-туйғуларига ҳам таъсир қилишда бадиий адабиёт воситаларидан образ ва образлилик, сюжет, композиция тил ва услуб ҳамда бошқалардан ҳам фойдаланади. Бу жиҳатдан айрим публицистик асарлар бадиий адабиёт асарларига яқин туради.

Публицистика ижтимоий ҳаёт ҳақида хабар бериши, уни таҳлил қилиши ва шу билан бирликда уни жонли, таъсирчан тасвирлаши лозимдир. Шу нуқтаи назардан у уч таркибий қисмга бўлинади. Булар информацион (хабардор қилувчи), таҳлилий ва бадиий публицистикадир. Публицистиканинг бу қисмлари ўзларига хос жанрларига эгадир.

Публицистика ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олиши ҳам унинг муҳим хусусиятидир. Бу жиҳатдан ижтимоий-сиёсий публицистика, илмий публицистика, адабий-бадиий публицистика, ҳажвий публицистика ва бошқа хилларга бўлинади. Мазкур хилларнинг ичида эса юқоридаги уч таркибий кўринишлар мавжуддир.

Бадиий публицистика- публицистиканинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Унинг асосий хусусияти ва публицистиканинг бошқа қисмларидан фарқи унинг ижтимоий ҳаётни акс эттиришда адабий-бадиий воситалардан кенг фойдаланиши ҳисобланади. қисқа қилиб айтганда, бадиий публицистика ҳаётни адабиёт нуқтаи назаридан ёритувчи ижтимоий-ижодий фаолият ҳисобланади. Бадиий публицистика фойдаланадиган адабий-бадиий воситалар орасида образ ва образлилик асосий ўрин тутди. Яъни, бадиий публицистиканинг асосий қонуни, бош хусусияти унда образ ва образлиликнинг мавжуд бўлишидир. Образ сўзи анча мураккаб тушунча бўлиб, у аслида русча отобразить-чизмоқ, кўриниш бермоқ деган сўздан олинган ва тасаввурдаги кўриниш, қиёфа, шакл, тимсол деган мазмунни беради. Образ бу – санъатнинг ўзига хос бир ифода кўриниши, санъаткорнинг воқелик ҳақидаги тасаввурининг аниқ, ёрқин ҳис этадиган бир тарзда гавдаланишидир. Кенгрок қилиб айтганда образ онгда борлиқнинг жонли, ҳаётий тарздаги акси, инъикосидир. Образлилик эса борлиқнинг инъикосида образ унсурларининг мавжудлиги, иштирок этиши демакдир. Яъни образлилик-фақат инсон тасвиридагина эмас, ҳолат, табиат манзаралари, факт ҳодиса ва воқеаларнинг жонли, ёрқин тасвирланишидир. Образлилик оғзаки нутқда, халқ оғзаки ижодида, ёзма адабиёт ва санъатнинг барча турларида мавжуддир. Образ образлиликдан ўз яхлитлиги, мукамаллиги билан фарқ қилади. Образ яратиш ва образлиликда ўхшатиш, жонлантириш, сифатлаш, метонимия (бир сўз ўрнига киноя, кесатиқ тарзида иккинчи сўзни ишлатиш), истиора (сўзни кўчма

маънода ишлатиш), сарказм (аччиқ киноя, истехзо) ва бошқа бадиий воситалар кенг қўлланилади. Юқоридагилар бадиий адабиёт соҳасида бўлиб, мусиқа, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, кино, театр, меъморчилик ва санъатнинг бошқа турларида ҳар бир санъатнинг ўзига хос тасвирий воситалари қўлланилади.

Публицистикада образ ва образлилик ўзига хос хусусиятларга эга бўлади, бу хусусиятлар публицистиканинг зиммасига юкланган, унга қўйилган талаблардан келиб чиқади. Бадиий адабиёт ва санъатда кенг маънода ўз ифодасини топиши мумкин бўлган образ ва образлилик публицистикада маълум даражада чекланган ва ўзига хос ифодаланган бўлади. Бу публицистиканинг асосий вазифаси бўлмиш шу кун, айти замонни акс эттириш, ундаги муаммолар ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириш, ҳаётни публицистик жихатдан таҳлил қилиш ва зарур ҳулосалар чиқариш зарурати билан боғлиқдир. Яъни, сўз санъати бўлмиш адабиётда кенг имкониятларга эга бўлган образ ва образлилик сўз сиёсати бўлмиш публицистикада ўзига ажратилган ўрингагина эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда, публицистиканинг ижтимоий-ижодий тўқимасида мавжуд бўлган сиёсат, фан бадиий ижод маҳсули бўлган образ ва образлиликка керакли даражадагина ўрин беради ва у публицистик асар олдида қўйилган мақсад, ҳамда чиқарилиши лозим бўлган ижтимоий ҳулосага хизмат қилади.

Публицистиканинг инфорацион қисмида образ ва образлилик қаттиқ чекланган, аксарият ҳолларда эса ортиқча ҳисобланади. Чунки бу қисм публицистиканинг асосий вазифаси оммага фактлар, воқеа ва ҳодисалар ҳақида хабар бериш, янгиликлар етказишдир. Бу ўринда образ ва образлиликнинг аралашуви хабар, янгиликлар ҳақидаги тушунчаларнинг бузилишига олиб келади. Публицистиканинг иккинчи бир муҳим қисми бўлган ҳамда ҳаётдаги факт, воқеа ва ҳодисаларни баҳолаш, таҳлил этиш орқали уларнинг моҳиятини очиб беришга қаратилган таҳлилий публицистикада ҳам образ ва образлиликдан фойдаланиш чекланган тусда бўлади. Аммо айрим ҳолларда, кишилар фаолиятини ёритишда маълум даражада образлилик, жонлантириш, тасвир воситалари қўлланилиши мумкин. Шу билан биргаликда ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини очиб бериш, жонлантириш, одамларнинг ҳис-туйғуларини уйғотиш учун маълум маънода образ ва образлилик киритилиши мумкин. Фақат бадиий публицистикада образ ва образлилик кенг қўлланилади, чунки бадиий публицистик материалларда ҳаётини воқеаларни жонлантириб тасвирланиши, инсонлар фаолияти, воқеа ва ҳодисалар кенг, ҳар тарафлама акс эттирилиши, ўқувчининг онгигагина эмас ҳис-туйғусига ҳам таъсир этиш талаб этилади. Бу бадиий публицистиканинг жанрларида ўз ифодасини топади.

Маълумки жанр – шакл ва мазмун жихатдан ўзига хос белгиларга эга бўлган санъат асари туридир. Публицистика жанрлари ҳам шакл ва мазмун жихатдан ўзига хос хусусиятларга эгадир, улар ҳам худди адабиёт ва санъатдаги жанрлар сингари кичикдан каттага, ягонадан умумийга, оддийликдан мукамалликка ўсиб боради.

Публицистиканинг бадиий турига оид жанрлар лавҳа, очерк, эссе, фельетон ва памфлетдан иборатдир. Мазкур жанрларда ҳаёт воқеалари,

муаммолари кенг тарзда ёритилиши сабабли уларда хабардор этиш, таҳлил қилиш билан биргаликда бадиий тасвир воситаларидан ҳам кенг фойдаланилади, ҳамда уларда образ ва образлилик кенг қўлланилади. Аммо мазкур жанрларда ҳам образ ва образлилик бу жанрларга оид ҳаёт воқеалари, яъни уларнинг мавзуси ҳамда жамоатчилик фикрини уйғотиш учун чиқариладиган публицистик хулосаларга хизмат қилиши лозимдир. Биз қуйида мазкур жанрларнинг ўзига хос хусусиятлари, улардаги образ ва образлилик даражаси ва бошқа бадиий публицистик воситаларни кўриб ўтамиз.

4-маъруза. Очерк – бадий-публицистиканинг етакчи жанри сифатида

Режа:

1. Очеркнинг жанр хусусиятлари.
2. Очерк тарихидан. ”Мажолис-ун нафоис”, ”Бобурнома”, ”Саёхатнома” ва бошқа тарихий асарларда очерк унсурлари.
3. Очеркда мантикий мушоҳада ва образли тафаккур.
4. Очеркда публицистик рух, публицистик тадқиқот.

Таянч сўз ва иборалар: *прототип, очерк хусусиятлари, очеркда деталь (нукта), эскиз.*

Очерк - бадий публицистиканинг кенг тарқалган, етакчи жанрларидан биридир. Табиатга – ҳам бадиият, ҳам публицистик белги, хусусиятлар хос бўлган ушбу жанрга икки жиҳатдан қаралади, баҳоланади. ”Очерк ҳикоя билан тадқиқот ўрталигидаги яқин жойда туради”, - деган эди М.Горький. Ижодий фаолияти давомида бу жанрнинг кўплаб етук намуналарини яратган машҳур рус адабининг гапларида жон бор. Очерк соф ҳикоя ҳам, соф тадқиқот ҳам эмас, балки уларнинг бир қатор муҳим аломатларини сингдирган ўзига хос синтетик асардир. Русча ”Очерк” сўзи ”Чертить”, ”Очертить”, яъни ”Чизмоқ”, ”Чизиб кўрсатмоқ”, ”Чегаралаб олмоқ” маъноларини билдиришини, шунингдек, аксарият очеркларнинг публицистика, публицистик мен билан бўйсунганлигини ҳам назарда тутсак, бу жанрнинг хусусиятларини англаб олишимиз ойдинлашади.

Очерк билан ҳикоянинг муштарак ва фарқли жиҳатлари нимада кўринади?

Ҳикоя – ижтимоий муҳим воқеага бағишланган, ҳажман унча катта бўлмаган, бадий тўқима, сюжет, композиция имкониятларидан кенг фойдаланиб, воқеа-ҳодисани қуйма образлар, типик характерларда гавдалантириб берадиган насрий асар бўлса, очерк, асосан мантикий муҳокамалар, тушунчалар, шунингдек, бадий образлар уйғунлигида яратилиб, жамиятнинг муҳим, долзарб ижтимоий муаммоларини кўтариб чиқадиган, кўп ҳолларда ҳаётий воқеа, ҳужжатлар асосига кўрилиб, конкрет қаҳрамон, персонажлар характери чизгиларини кўрсатадиган, гавдалантирадиган насрий-публицистик асардир. Ҳикояда бадий тасвир, қуйма образлар устувор бўлса, очеркда мантикий муҳокама, тушунчалар образлар орқали лиро-публицистик баён усули асосий ўринни тутати. Албатта, бунда муаллифнинг ёзиш менераси, тили, услуби муҳим аҳамият касб этади.

Очеркка берилган илмий таърифлар турличадир. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «очерк - ҳаётий фактларни қисқача тасвиридан иборат кичикроқ бадий асар», дейилади. Кўриниб турибдики, бу ўринда очерк таърифига адабиётшунослик нуқтаи назаридан ёндашилган. «Журналист справочниги» да эса «Очерк – кишилар ҳақида образли тасаввур бериш, уларни ҳаракатда кўрсатиш, воқеаларнинг моҳиятини очиб берувчи жанрдир», дейилади. Бу таърифда ҳам мазкур жанрнинг барча хусусиятлари очилмаган, чунки очерк фақат кишилар ҳақида эмас, бирор ижтимоий, табиий-экологик ва бошқа муаммолар ҳақида ҳам бўлиши мумкин. Шунингдек, юқоридаги таърифда

айтилган «воқеаларнинг моҳиятини очиб бериш» хусусияти фақат очерккагина эмас, публицистиканинг бошқа жанрларига ҳам хосдир. Рус тадқиқотчиларидан Е.И.Журбина бу жанрга «Очерк-бадий адабиёт ва публицистиканинг мураккаб кўп қиррали шаклидир», деб таъриф беради. Бу таърифнинг камчилиги шундаки унда очерк ҳам бадий адабиёт ҳам публицистиканинг жанри этиб кўрсатилмоқда. Бу маълум даражада ноаниқликка олиб келади. Яна бир рус тадқиқотчиси К.В.Ковалевский эса «Очерк - ўқувчига кишилар, уларнинг ишлари, воқеалар ҳақида образли тасаввур беради», деб ёзади. Бу таъриф ҳам илмий аниқ ва мукамал эмас, чунки бадий адабиётга хос бўлган барча жанрлар – шеър, ҳикоя ва бошқа жанрлар ҳам «кишилар, уларнинг ишлари, воқеалар ҳақида образли тасаввур» беради. Ўзбек тадқиқотчиси О.Тоғаев мазкур жанрга: «Очерк газета жанрлари орасида энг мураккаб, энг зийрак, ихчам, ҳозиржавоб жанрдир» деб тушунча беради. Бу таъриф ҳам илмий мукамал эмас, чунки очерк журналдан ҳам, радио ва телевидениедан ҳам жой олади, иккинчидан - бадий публицистик жанрлардан фельетон ва памфлет ҳам мураккабликда очеркдан қолишмайди, «Зийрак» тушунчаси эса ижодий асарга эмас, одамга ишлатилади, «ихчам» тушунчаси ҳам очеркка ҳажм жиҳатидан тўғри келмайди, чунки хабар, информация очеркдан «ихчам»роқ, ҳозиржавоблик нуктаи назаридан хабар, репортаж, шарҳ очеркдан олдинроқ туради ва ҳоказо. Бизнингча, очерк – бадий публицистиканинг асосий жанрларидан бири бўлиб, воқеликни образлар ва образлилик воситасида тасвирлайди ва ҳамда публицистик хулосалар чиқаради. Яъни, очерк ҳаётдаги воқеа ва ҳодисалар, фактлар, муаммоларни образ ва образлилик ёрдамида акс эттиради, уларни публицистик йўл билан тадқиқ этади ҳамда уларга нисбатан жамоатчилик фикрини уйғотувчи ижтимоий, иқтисодий, маънавий хулосалар чиқаради.

Очерк бадий-публицистик жанр бўлганлиги учун унда бадий адабиётга хос бўлган воситалар билан публицистик хусусият узвий боғланиб кетади. У сўз санъати билан сўз сиёсати уйғунлашувчи, бошқача қилиб айтганда – сиёсат, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий фикр, мақсад бадий адабиёт воситаси, санъат сўзи билан айтилувчи жанрдир. Яъни, ижтимоий воқеликни акс эттиришнинг алоҳида бир тури бўлган публицистика жамият ҳақида маълумот бериш, унинг муаммолари ҳақида жамоатчилик фикрини уйғотиш билан шуғулланар экан, худди ана шу вазифаларни бадий воситалар кўмагида амалга оширади ва унинг бундай серқирра жанри очерк деб аталади. Унда бадий адабиётга хос бўлган беллетристика (нақлчилик) ва матбуотга хос бўлган публицистика (ижтимоий) бирлашиб кетади. Очеркнинг бадий талаби ундаги воқеликнинг образли тасвири, инсон қиёфаси ва ички дунёси, меҳнати ва интилишлари, яратувчилик фаолиятини бадий воситалар билан жонлантириб тасвирлашдан иборат бўлса, унинг публицистик жиҳати муаллифнинг воқеа ва ҳодисалар, унда кўтарилган муаммолар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, чиқарган хулосаларидан иборатдир. Очеркда образ ва образлилик ўхшатиш, қиёслаш, сифатлаш, эмоционаллик, образли тафаккур ва тасвир жонли тил ва услуб, типиклаштириш, бадий тўқима билан факт уйғунлиги, сюжет, композиция ва бошқа бадий воситалар орқали ўз ифодасини топса, унинг публицистикага оид

қирраси эса факт танлаш, ижтимоий-иқтисодий, маънавий жиҳатдан чуқур тадқиқ ва таҳлил қилиш, баҳолаш, зарур хулосалар чиқариш орқали амалга оширилади. Бу эса очеркчидан публицист сифатида ҳаётдаги факт ва ҳодисаларни танлаб олиш, улар ҳақида чуқур мушоҳада юритиш билан бирликда ижодкор, ёзувчи сифатида ҳам иш олиб бориб олинган факт ва ҳодисаларни бадиий воситалар орқали образли тасвирлаш, кишилар образини ярата олиш, бадиий-публицистик мушоҳада юритишни талаб қилади.

Очерк ўз шакли ва йўналтирилган мақсади ҳамда объекти нуқтаи назаридан турлича бўлиб, улар портрет очерки, воқеа очерки, муаммо очерки, йўл очерки, суд очерки ва бошқалардан иборатдир. Очеркнинг бу хилларига хос бўлган умумийлик - ҳаётни образ ва образлилик ёрдамида тасвирланиши бўлиб, фарқлари эса мазкур тасвирнинг бирор жиҳатига кенгроқ ўрин берилиши ҳисобланади.

Публицистиканинг барча жанрлари сингари очерк ҳам матбуотнинг уч функцияси (тасвир, таҳлил ва таъсир)нинг бажарилишига хизмат қилади. У ҳаётдаги маълум бир факт, воқеа ва ҳодиса ҳамда уларга тааллуқли бўлган одамлар фаолияти ҳақида хабар беради, шу билан биргаликда бу воқеа-ҳодиса, одамлар фаолияти, характерларини тадқиқ ва таҳлил этади. Унинг таъсири бевосита онглар орқали ёки билвосита-тегишли идора ва ташкилотлар орқали амалга оширилиши мумкин.

Очеркда ҳам матбуотнинг барча принциплари ўз аксини топиши лозим. Публицистиканинг барча жанрларга оид материаллари сингари очерк ҳам умуминсоний ғояларга хизмат қилиши, ҳалқчил бўлиши, ўзида миллийликни акс эттириши, ҳаққоний ва оммавий бўлиши шарт.

Матбуот нашрларидан жой олган ҳар қандай очерк жамоатчилик фикрини шакллантириш учун хизмат қилмоғи керак. Очерк қандай турда - хоҳ портрет, хоҳ воқеа, хоҳ муаммо ёки йўл ва суд очерклари бўлмасин ҳаётдаги бирор бир воқеа, ҳодиса, кишилар фаолияти, янгилик ёки муаммони ўқувчилар онгига етказиши, у бўйича жамоатчилик фикрини уйғотиши шарт. Жамоатчилик фикрини уйғотишга хизмат қилмайдиган, саёз, қуруқ баён ёхуд мактов, мадҳу санолардан иборат бўлган очерклар матбуот функцияларини бажаришга хизмат қилмайди, ўқувчини бездиради. Очеркда тегишли жамоатчилик фикрини уйғотиш учун ижодкор ҳаётни чуқур билиши, ундаги янгиликларни тез пайқashi, тийрак публицистик мушоҳада, ижтимоий-иқтисодий тадқиқот олиб бориши, ҳаёт воқеаларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан баҳолай олиши, юксак бадиий маҳорат билан акс эттира олиши лозим.

Очерк — у қандай турда бўлмасин барча санъат асарлари сингари типиклаштириш қонунига бўйсинади. Типиклаштириш — жамиятнинг маълум даврига ва муҳитга хос бўлган воқеа ва ҳодисаларни, маълум ижтимоий табақа, синф ёки гуруҳга мансуб бўлган кишиларнинг энг муҳим, характерли хусусиятларини муайян ва умумлашган ҳолда акс эттиришдир. Яъни, очеркда тасвирланаётган воқеа, факт, масала ёки муаммо жамиятнинг шу куни, айти замондаги ҳаёти учун аҳамиятга эга, долзарб бўлиши лозим. Тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, ҳаётда энг кўп тарқалган, оммалашган воқеа ва ҳодисалар, инсонлар характери ва хусусиятларини тасвирлаш орқали

типикликка эришилади. Шунингдек, ҳаётда эндигона туғилиб, вужудга келаётган ва келажакда муҳим аҳамият касб этиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисалар, янгилик куртаклари, инсонлар феъл-атворларидаги хусусиятлар ҳам типик саналади. Бинобарин, очеркчи ҳаётдан шундай факт, воқеа, муаммони танлаб олиши керакки, у биринчидан – жамиятда кенг тарқалган, кўпчиликка маълум ва машҳур бўлиши ҳамда эндигона куртак ёзаётган, аммо келгусида тараққиёт учун муҳим аҳамият касб этиши лозим. Буни жаҳон адабиёти ва матбуоти хазинасига кирган энг яхши очерклар мисолида кўриш мумкин.

Ҳозирги замон ўзбек очеркчиларидан ҳаётимизда қадимдан мавжуд бўлиб кўпчиликка манзур бўлган энг яхши воқеа, ҳодисалар билан бир қаторда эндигона туғилиб, ҳаётда илдиз отиб келаётган янгиликлар, янгича ишлаш, янгича фикрлаш ва жамият тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мавзу, масала ва муаммоларни қидириб топиш, уларни бадиий публицистик маҳорат билан акс эттириш талаб этилади.

Очеркда анъанавийлик ва янги омиллардан фойдаланиш қонунияти ҳам кенг қўлланилади. Бунинг учун очеркчи журналист ўзидан олдинги даврларда яратилган очерклардаги мавзу танлаш, таҳлил қилиш, образ ва образлиликка эришиш ҳамда бошқа масалалар бўйича анъанавий усулларни яхши эгаллаб олиши лозим. Шунини айтиш керакки, матбуотдаги каби очеркчилик соҳасида ҳам ижобий ва салбий анъаналар мавжуддир. Чунончи очеркда совет даври матбуотида босилган очерклардаги фактларни бўрттириб кўрсатиб, курук мақтовга берилиш каби салбий анъаналардан воз кечиб, жаҳон илғор матбуотида мавжуд бўлган ҳаёт воқеалари, фактларнинг моҳиятини очиб бериш, ҳаётий зарур муаммоларни кўтариб чиқиш, жамоатчилик фикрига долзарб масалаларни етказиш каби илғор анъаналарига амал қилиш лозим. Шунингдек, анъанавийлик қонунияти янги омиллар билан бойитиб борилиши шарт бўлганидек очерк соҳасида ҳам ўзига хос янгиликлар яратилиши лозим.

Очерк бадиий публицистиканинг асосий жанри бўлганлиги боис унда образ ва образлилик бош ўринни эгаллайди.

Очеркда образ асосан икки хил бўлади. Бу - муайян инсон образи ва тўқима (тимсолий) образни яратишдан иборатдир. Кўпгина очерклар аниқ ҳаётий фактларга ва одамларга бағишланганлиги сабабли уларда аниқ, муайян инсон ёки гуруҳ, жамоа образи яратилади. Бунда шу инсоннинг очерк ёзилиши учун мавзу бўлган фаолияти, унинг амалга оширган ишлари, меҳнати самараси, изланишлари жараёнини тасвирлаш, тадқиқ этиш билан унинг образи яратилади. Мазкур ўринда очерк қаҳрамони ёки қаҳрамонларнинг ташқи қиёфалари - портретлари, хатти-ҳаракатлари, феъл-атворлари, гап-сўзларини келтириш билан ҳам образни тўлдириш мумкин. Аммо бу бадиий воситалар, шу жумладан, улардан келиб чиқувчи образ ҳам очеркнинг бош мақсадига, ундан келиб чиқадиган публицистик фикр, хулосага хизмат қилиши лозим. Шу боисдан очеркда киши образи ҳам, уни гавдалантириш учун зарур бўлган бадиий воситалар ҳам маълум публицистик мақсадга бўйсундирилади ва маълум ижодий-тасвирий меъёр асосида ифодаланади.

Очеркда айрим ҳолларда умумлашган тўқима образлар ҳам учрайди. Яъни, очеркчи ҳаётнинг маълум масалаларини, муаммоларини ёритишда, ўз

кузатишлари, публицистик фикр-мушоҳадаларини ясама-тўқима образ орқали ҳам бериши мумкин. Бунда ўзи тасвирлаётган соҳанинг ҳаётга, муҳитга мос келувчи, типик образни ўйлаб топади ва тасвирлайди. Аммо бу ўринда у яратган образ тасвирланаётган ҳаётий борлиқдаги мавжуд инсонлар билан умумий муштарак бўлиши, уларнинг образларини ўзида акс эттириши лозим. Масалан, рус очеркчиси В.Овечкин «Районинг иш кунлари» очеркида ўша даврда Марказий Россияда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун жон куйдираётган раҳбарлар образини гавдалантириш учун Мартинов деган образни яратади ҳамда у фаолият кўрсатаётган жой номларини ҳам ўзгартириб тасвирлайди. Аммо мазкур очерк қаҳрамони ўз прототипига эга эди. Яъни, бу очеркка асос бўлиб хизмат қилган раҳбар ҳаётда ҳақиқатдан ҳам бўлган. Очеркчи аниқ одам образи билан овора бўлиб, ўзи олдинга сурмоқчи бўлган публицистик мушоҳадалар чекланиб қолмаслиги учун умумлаштириб, тўқима образга айлантирган. Бу хил образ яратиш очеркчидан мунтазам публицистик кузатиш, чуқур мушоҳада, катта бадиий маҳорат талаб қилади.

Очеркда бир ва бир неча одам ёки гуруҳ, жамоа образини яратиш лозим бўлганда эса очеркчи асосий қаҳрамонга кенгроқ ўрин бериши, бошқаларга эса айрим чизгилар билан чегараланиши мумкин ёки умумлаштирилган гуруҳ, жамоа образини ҳам яратиши мумкин.

Образнинг очеркнинг турли хилларидаги ўрни масаласига келсак юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бу турлича тарзда амалга оширилади. Портрет очеркларда образ ва образлилик кенгроқ планда олиб тасвирланилса, воқеа очеркида биринчи планга воқеа чиқади ва образлар иккинчи планда тасвирланади. Муаммо очеркда ҳам биринчи ўринда кўтарилаётган муаммо туради, образлар унга хизмат қилади. Уста очеркчилар муаммонинг ўзини умумлаштирилган тўқима образга айлантиришлари мумкин. Йўл очеркида асосий қаҳрамон – муаллифнинг ўзи бўлади ва барча образлар унинг мушоҳадалари орқали ифода этилади.

Очеркда бадиий тўқима масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Очерк бадиий-публицистик жанр бўлганлиги боис унда маълум даражада бадиий тўқима ҳам иштирок этади. Бадиий адабиётда бадиий тўқима қаҳрамон характери мантиқига мос равишда қўлланилиши мумкин. Бадиий тўқима реал нарсалардан асосий мазмун ва моҳиятни танлаб олиш ва уни образларда акс эттириш бўлиб, у реал ҳақиқатни чуқур англашга, ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларнинг ички хусусиятини очиқ беришга хизмат қилувчи ижодий воситадир. Очеркда бадиий тўқима ундаги факт, воқеа, ҳодиса ва қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатидан мантикий келиб чиқиши лозим, яъни у асарнинг публицистик жиҳати билан боғлиқдир. Бадиий тўқима меъёрида бўлса, у очеркдаги факт, воқеанинг моҳиятидан, қаҳрамон хатти-ҳаракатининг мантикий ривожланишидан келиб чиқсагина очеркнинг бадиий кучини оширишга хизмат қилади, аксинча, у меъёридан ортиқча бўлса, фактларга зид келса, қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларига мантикий ёпишмаса, очеркнинг мазмунини бузади, ўқувчини ишонтирмайди. Хулоса қилиб айтганда, очеркда бадиий тўқима факт ва публицистик хулосага бўйсунди.

Очеркда сюжет ва композиция ҳам муҳим роль ўйнайди. Сюжет - бадиий асар мазмуни ва ундаги қаҳрамонлар характери очиқ берадиган ўзаро узвий боғланган воқеалар, ҳодисалар тизмасидан иборатдир. Очеркда сюжет унда тасвирланаётган факт, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятидан, очерк қаҳрамони ҳисобланган кишилар фаолияти, ҳаётий ҳаракатларининг мантикий ривожидан келиб чиқади. Композиция эса адабий асар қисмларининг тузилиши, жойланиши ва мутаносиблигидан ташкил топади. Композицияда асар воқеаларининг бошланиш тугуни, ривож, энг юқори кульминацион нуқтаси ва ечимидан иборат тузилма ўз ифодасини топади. Очеркда ҳам бу воситалар бўлиши лозим, улар қанчалик ҳаётий ва бадиий мутаносиб бўлса очеркнинг муваффақияти шунчалик таъминланади. Яъни, бу воситалар очеркда тасвирланаётган факт, воқеа, ҳодиса ҳамда кўтарилаётган муаммо, қаҳрамонлар фаолиятидан келиб чиқиши лозим. Сюжет ва композиция шу билан биргаликда очеркнинг турларига ҳам боғлиқдир. Портрет очеркда сюжет ва композиция очерк қаҳрамонининг фаолияти, хатти-ҳаракатидан вужудга келса, воқеа очеркда ўша воқеа ва ҳодисанинг моҳиятига, муаммо очеркда кўтарилаётган муаммонинг публицистик аҳамиятига тааллуқли бўлади. Йўл очеркида эса сюжет ва композиция муаллифнинг кузатишларидан келиб чиқади.

Умуман олганда, бадиий адабиёт асарларига хос бўлган сюжет ва композиция очеркда ҳам албатта бўлиши ҳамда унинг публицистик моҳиятига бўйсунishi лозим. Очеркчи бу воситалардан қанчалик усталик билан, ўз ўрнида фойдаланса, очерк шунчалик қизиқарли, бадиий мукамал бўлади, аксинча эса у ўқувчини бездиради.

Очеркда тил ва услуб масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Очеркнинг тили матбуот ва бадиий адабиёт тили қўшилмасидан иборат бўлиб, улар ўртасида ўзаро мутаносиблик мавжуд бўлмоғи керак. Яъни, очерк бутунлай бадиий тилда - ҳикоя, қисса, роман сингари бошдан оёқ образлиликка асосланган ёхуд бунинг акси сифатида оддий мақола сингари факт, воқеа ва ҳодисалар баёнидан иборат бўлиб қолмасдан зарур ўринларда образли бадиий тасвир, керакли ўринларда эса публицистик мушоҳада тарзида бўлмоғи керак. Унинг акси бўлса очерк бир ёклама бўлиб қолади. Очерк тилида турли касбий атамалар, шева сўзлари ва бошқа тил имкониятларга келганда бу борада ҳам масалага мавзу ва мақсадга мувофиқлик жиҳатидан ёндошмоқ керак. Очеркчи бирор касб эгалари ҳақида ёзар экан, ўша соҳага хос атамалар, иш-ҳаракат номлари, асбоб-ускуналар ва улардан фойдаланишга доир сўзларни келтирмасдан иложи йўқ. Аммо биринчи галда тасвирланаётган ҳолат ва номлари тилга олинган нарсалар ўқувчи учун тушунарли бўлиши назарда тутилиши лозим. Очеркнинг тили ва услубидаги ўзига хосликни Абдулла қодирий, Абдулла қаҳҳор, ғафур ғулом ва бошқалар яратган очеркларда яққол кўриш мумкин. А.қодирий очеркларидаги қамров кенглиги ва аниқлик, А.қаҳҳор очеркларидаги услуб сиқиклигию маъно кенглиги, ғафур ғуломга хос бўлган тил ва услуб жозибаси ҳозирги замон очеркчилари учун ижодий мактаб бўлиб хизмат қилади.

Очеркда бадиий-ижодий услуб ҳам муҳим ўрин тутади. Услуб тил ва тасвир воситаларининг ўзига хос йўли, омилидир. Очерк ижтимоий-иқтисодий

услугда, лирик услубда, илмий услубда, танқидий услубда ҳатто ҳажвий услубда ёзилиши мумкин. Энг муҳими очеркчи ўз ижодий услубига эга бўлиши лозим. Очеркда услубга етарли эътибор бермаслик унинг саёз, зерикарли бўлишига олиб келади.

Очеркнинг жаҳон матбуотидан жой олиши масаласига келганда шуни айтиш керакки, у кўпроқ Россия, Марказий Осиё мамлакатлари матбуотида кенг қўлланилади. Америка қўшма Штатлари, Европа мамлакатлари матбуотида очерк ўрнига асосан эссе жанри қўлланилади. Бу- бирор мавзу ҳақида эркин, ҳар тарафлама фикр юритиб, керакли ўринларда образ ва образлиликка амал қилиб, публицистик мушоҳада юритиб ёзилган асардир. Рус матбуоти тарихида очерк ижтимоий муаммоларни ёритишга кенг йўналтирилганлиги маълумдир. Рус халқининг атоқли адиблари Радищев, Пушкин, Успенский ва бошқалар бу жанр орқали зулм остида эзилган халқнинг оғир аҳволини очиб ташладилар. Ўзбек матбуотида очерк асосан Туркистон миллий уйғониши даврида -жадид матбуоти саҳифаларида вужудга келди. Бунга М.Бехбудийнинг юқорироқда қайд этиб ўтилган йўл очерклари мисол бўла олади. Совет даврида очерк жанрига катта эътибор берилди, у матбуот саҳифаларидан доимий жой олди. Бунга сабаб – очерк коммунистик партия раҳбарлари учун халқни меҳнатга жалб этиш воситаси бўлиб хизмат қилди. Ҳаётдаги бирорта илғор механизатор ҳақида (масалан, Турсуной Охунова ва бошқалар) ўнлаб муаллифлар очерк ёзган эдилар. Бу давр очеркларининг аксарияти бир ёқлама, сунъий, ҳаётдаги факт ва ҳодисалар уйдирма тарзида ёзилар эди.

Мустақиллик даврида матбуотимизда юқорида кўрилганидек очерк жанри ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда. Ўз меҳнати билан бошқаларга ибрат бўлаётган ишлаб чиқариш илғорлари, ишбилармон тадбиркорлар, илм-фан, таълим-тарбия соҳасида яхши муваффақиятга эришган мутахассислар очеркларимиз қаҳрамонлари бўлмоқдалар. Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан иқтисодий-ижтимоий, маданий-маънавий ўзгаришлар ҳамда ҳал этилиши лозим бўлган зарур муаммолар ҳақида кўплаб яхши очерklar яратилиш вақти келди, деб ўйлаймиз.

Ҳозирги даврда матбуот – газета ва журнал очерклари билан бир қаторда радио, телевизион очерklar ҳам мавжуддир. Радио ва телевидение очерклари мазкур жанрнинг умумий қонунларига бўйсунishi билан бирликда оммавий ахборот воситаларининг бу кўринишларига хос бўлган хусусиятларини ҳам ўзида ифода этади.

5-майруза. Портрет очерк ва унга қўйиладиган талаблар

Режа:

1. Сиймо (портрет) очеркининг асосий хусусиятлари.
2. Сиймо (портрет) очеркига қаҳрамон танлаш.
3. Сиймо (портрет) очеркини ёзиш ва унга қўйиладиган талаблар. Сиймо очеркида бадиий воситалардан фойдаланиш.

Таянч сўз ва иборалар: *портрет очерк, прототип, очерк хусусиятлари, очеркда деталь (нуқта), эскиз.*

“Очерк” атамаси ўзбек матбуоти адабиётига XX аср бошларидан, асосан, рус адабиёти матбуоти орқали кириб келди, мумтоз адабиёт намуналарида бу термин учрамайди. Очеркнинг, хусусан, портрет очерки, йўл очерки (Сафарнома)нинг энг яхши намунасини Алишер Навоийнинг “Мажолисун нафоис”, Мирзо Бобурнинг “Бобурнома”сида учратамиз. Навоий “Мажолисун нафоис”да 459 шоирнинг шахсияти, ижоди, зийнати, фазилати, қусўрлари ҳақида шундай қисқа, лўнда, аниқ тавсифлар беради, шеърятнинг латиф мисраларидан намуналар келтиради, маҳоратга ҳолис, адолатли баҳо берадики, ушбу портрет характеристикаси ўқувчи ёдида узоқ вақт сақланиб қолади. “Бобурнома”да ҳам шундай: Мана, асар бошланишида Андижоннинг таъриф-тавсифи: “Жанубий тарафидаги касабалардан бир Андижондўрким, васатга воқе бўлубдўр. Фарғона вилоятининг пойтахтидўр. Ошлиғи води, меваси фаровон, қовўр ва ўзуми яхши бўлўр, қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас. Андижоннинг нашпотисидан яхшироқ нашпоти бўлмас. Тўққиз тарнов сув кирар. Бу ажабдўрким, бир еридан ҳам чиқмас... Ови қуши доғи кўп бўлур, қирғовили баҳад семиз бўлўр... Эли туркдўр. Шаҳар ва бозорисида турки билмас киши йўқдўр. Элининг лафзи қалам билан ростдўр” (“Бобурнома”, 5-6 бетлар).

Марғилон, Хўжанд, Канибидом, Аҳси, Косон, Самарқанд, Тошкент (шош) ва бошқа кент, манзилгоҳлар ҳам шундай лўнда таъриф-тавсиф этилади.

Бирор киши ҳақида гап кетганда, Бобур унинг валодат ва насаби, шакл ва шамойили, яъни портрети, ахлоқ ва адаби, мақсад ва урушлари, вилояти, авлоди ҳақида шундай керакли маълумотлар, лўнда тавсифномалар берадики, муаллиф маҳоратига беихтиёр қойил қоласиз. Мана, отаси Умаршайх **Мирзонинг портретини** қандай чизади: “паст бўйлук, тегирма соқоллик, кўба юзлук, танбал киши эди. Тўнни бисёр бир кияр эди, андоғким, боғ боғлабтурда қорнини ичига тортиб боғлабдўр эди, боғ боғлагандан сўнг ўзини қўя берса, бисёр бўлур эдиким, боғлари ўзулур эди. Киймоқда ва емоқда бетакаллуф эди. Дасторни дасторга чирмар эди”.

Алишер Навоийга ҳам қисқа ва сермазмун таърифни Мирзо Бобур берган: “Алишербек назири йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар ҳеч ким онча кўп ва хўп айтқон эмас.”

Халққа кўп жабр-ситам ўтказган, адолатни оёқ ости қилган ёвуз кимсалар ҳақида гап борганда инсонпарвар Бобур ғазаб, нафратини ошкор баён қилади,

сатрлари ҳаяжон, эҳтирос касб этади: Мана, Ҳасан Яъқуб деган ҳукмдорга берган тавсифларидан парчалар:

“Таъби назми бор эди, девон тартиб қилиб эрди, вале шеъри бисёр сушт ва бемаза эди. Андоқ шеър айтқондин айтмоғон яхшироқдир...ҳаёси камроқ эди... Бадкалом эди. Сўзини дилҳол англаб бўлмас эди.... Агарчи намоз қилур эди ва таомда парҳез қилур эди, вале тийра ва росиқ эди, гавдан ва бераҳм ва бевафо ва ҳаромнавак киши эди. Беш кун ўтар дунё учун бир ўзи ўстурғон валинеъматзодасини кўр қилди. Яна бирини ўлтурди. Тангри қошида осий ва халқ олдида мардуд бўлубдур. Домани қиёматгача лаънат ва нафратни сазовори бўлди. Бу ўтар дунё учун мундоқ ёмон ишлар қилди” (“Бобурнома”, 26, 29 бетлар).

Мўйқалам усталари эскизни яратилажак картинанинг лойиҳаси, катта асарнинг дебочаси, “ҳамиртуруши”, хомаки нусхаси деб билишади. Эскиз картинанинг ўзидан кучлироқ, қабарикроқ, чиқиб қоладиган ҳоллар ҳам йўқ эмас, бунда бир неча ўткир чизги, қабарик гибрид мўйқаламнинг илк зарби, муаллиф ниятини шундай аниқ, тўлиқ, барала ифодалайдики, картинани ранг-тасвир оқали яратишга ҳожат қолмайди (Леонардо до Винчи, Рубенс, Дега ва бошқа машҳур рассомларнинг чизган эскизларини эслаш мумкин). Ойбекнинг “Фронт бўйлаб” номли сафар таассуротлари “Қуёш қораймас” романига, Ҳамид Олимжоннинг “Зайнаб” очерки “Зайнаб ва Омон” поэмасига, Абдулла Қаҳҳорнинг “Юринг, ошна, чўл қувлаймиз”, “Сўз-Ғанишерга”, “Мирзачўлда куз” очерклари “Янги ер” (“Шоҳи сўзана”) пьесасига эскиз бўлиб хизмат қилгани маълум.

Очерк турлари орасида портрет очерк асосий ўрин тутди. Портрет очеркда бир ёки бир неча киши (гурух, жамоа) тасвир этилиши мумкин. Асосий вазифа очерк қаҳрамони ёхуд қаҳрамонларининг характери очиқ бера олишдир. Портрет очеркнинг мавзу доираси кенг бўлиб, у ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг барча соҳаларини, инсон меҳнати ва яратувчилик фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олиши мумкин. Портрет очерк одатда жамиятнинг етакчи соҳаларида ижтимоий ҳаёт, халқ ҳўжалиги, фан-техника, адабиёт ва санъат соҳасида фаолият кўрсатиб жамият тараққиётига муҳим ҳисса қўшаётган, меҳнатда юқори натижаларга эришаётган, янгиликлар, ихтиролар яратаётган кишилар – илғор ишчилар, деҳқонлар, олимлар, санъаткор ва бошқа касб эгаларига бағишланган бўлади. Жаҳон ва ўзбек матбуотида портрет очеркка кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу хилдаги очеркларнинг илдизи қадимги ёзма адабиётимизга бориб тақалади. Жумладан, буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг ўз сафдошлари ҳақида ёзилган «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» каби тарихий-мемуар асарларида портрет очерк хусусиятлари мавжуддир. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида ҳам портрет очеркка хос бўлган хусусиятлар - айрим одамларнинг ижтимоий-бадний қиёфалари яратилганлигини кўриш мумкин. Таниқли рус ёзувчилари Л. Н. Толстой, И.Тургенов, В.Короленко, М.Горькийлар ҳам катор портрет очерклар яратишган. Ўзбек адабиётида А.қодирий портрет очерк соҳасида самарали ижод этган. У яратган «ғирвонлик Маллавой ака» асарини бу

жанрининг етук намунаси дейиш мумкин. Ғ.ғулом, А.қаҳҳор, Ойбек, Ҳ.Олимжон ва бошқалар ҳам мазкур жанрга оид қатор асарлар яратдилар. Масалан, Ҳ.Олимжоннинг машҳур «Зайнаб ва Омон» поэмасига шоирнинг Зайнаб Омонова ҳақида олдинроқ ёзган очерки асос бўлиб хизмат қилган эди. Кейинги йилларда сермахсул журналист И.Раҳим бу жанрда яхши муваффақият қозонди. Аммо шуни айтиш керакки, совет даври матбуотида яратилган портрет очеркларнинг аксарияти партиявий-синфий нуқтаи назардан ёзилганлиги боисидан бир ёқламалик, чекланганлик иллатига эгадир. Ишлаб чиқариш илғорлари ҳақида ёзилган кўпгина очеркларда қаҳрамонни ҳаддан ташқари ошириб мақташ, фактларни хаспўшлаш каби салбий ҳолатлар кўп учрайди.

Мамлакатимиз ўз миллий мустақиллигига эришгач бошқа бадиий-публицистик жанрлар қаторида очерк жанри ҳам янгича йўлдан бора бошлади. Ҳозирги давр ўзбек матбуотида портрет очерки ҳам шу хусусиятга эгадир. Бу хил очеркларнинг қаҳрамонлари халққа мўл-кўл маҳсулот етиштириб бераётган фермерлар, янги корхоналар очаётган тадбиркорлар, янгилик яратаётган олимлар, фан- маданият арбоблари бўлмоқдалар. «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Хуррият» ва бошқа газеталар саҳифаларида очеркнинг мазкур жанрига тез-тез ўрин бериб турилади. Ёзувчи Эркин Самандарнинг «Хуррият» газетаси 2004 йил 15 июнь сонидан ўрин олган «Огаҳийнинг қўлини олган раис» сарлавҳали очерки ҳам шу куннинг қаҳрамонлари бўлмиш изланувчан, яратувчан кишилар ҳақидадир. Унда Хива туманидаги Огаҳий номли жамоа хўжалигининг раиси Отаназар Пирназаровнинг ҳаммага намуна ва маъқул бўлган ишлари, фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Очерк давомида ундаги воқеаларда муаллифнинг ҳам иштироки тасвир этилган. Гап шундаки, очерк қаҳрамони раис бўлган жамоа аъзолари яшайдиган Қиёт қишлоғи хоразмлик улуғ ўзбек шоири Муҳаммад Ризо Огаҳий туғилиб ўсган жой эди. Фақатгина экинлардан юқори ҳосил олишнигина эмас. Қишлоқ ободонлиги масалалари, тарихий-маънавий масалаларни ҳам ўйлаб юрувчи раис ўз қишлоғидаги бир туп тутнинг шоир Огаҳий томонидан экилганлигини аниқлайди ва пахтазор ўртасида ўсган ана шу табаррук дарахтни сақлаб қолиш ва уни авайлашни ўз бўйнига олади. Буюк аجدодлар хотирасини жойига қўйиш, улар ҳоки ётган жойни обод қилишни ўз олдиға мақсад қилиб қўйган олижаноб ва савобманд раис Огаҳий қабрини ҳам излаб топишда бош-қош бўлади ва унинг қабри очиб кўрилади. Маълумотларға қараганда шоир Огаҳий етти тут дарахтидан ясалган сандиққа жойланиб дафн этилган экан. қишлоқ оқсоқоллари қабрни топишиб, сандиқни очишади ва шоирнинг худди тирикдай, чиримасдан ётганини кўришади.

«– Шундай қилиб, ҳазратнинг бўй-бастларини кўрдингизми?– деб сўрайди ёзувчи раисдан.

– Кўрдим... Ўрта бўйли эканлар. Юзлари думалокдан келган, пешоналари кенг экан. Не қилишимни билмай қўлларини ушлабман денг.

– Ҳазрат Огаҳийнинг қўлини олибсиз-да?

– Шукур!

... Муҳаммад Ризо Огаҳий таваллудининг 190 йиллиги тантаналарида қатнашиш учун қиётға келган Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири Абдулла

Орипов тумонат одам ичида Отаназар Пирназаровга юзланиб деди: «Отангизга раҳмат, Огаҳий боғини яратиб, қабрини обод этиб, кўп савоб иш қилибсиз. Сиз қилган ишнинг жамулжамини бир сўз билан Маънавият деса бўлади»!

Журналист Ю.Бердиевнинг олдин матбуотда босилган, кейинроқ эса унинг очерклар тўпламига кирган «Биз нечун севамиз шоирни» сарлавҳали очерки (адабиётшунос олим Н.Каримов билан ҳамкорликда ёзилган)да эса халқимизнинг сеvimли шоири, Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилинади. Муаллиф машҳур шоирнинг туғилиши ва болалигидан тортиб, Ўзбекистон халқ шоири даражасигача ўсиб етиш йўлини бирма-бир, бадиий лавҳаларда очиб беради. Очеркда муаллифнинг ўз қаҳрамонига нисбатан меҳр-муҳаббати унинг ҳар сатрида сезилиб туради, шу боисдан ҳам унинг тасвири тиниқ ва жозибали. Шоирлик маҳоратини кўрсатиш учун эса унинг энг машҳур шеърларидан мисоллар келтирилиб, бадиий таҳлил ҳам қилинади. Очеркда Абдулла Ориповнинг атоқли шоир сифатида ном чиқаришида унинг шеърларида олдинга сурилган эзгулик ғоялари, халқ қалбининг таржимони эканлиги алоҳида таъкидлаб кўрсатилади. Иқтидорли журналист қ.Норқобилнинг «Ҳаёт марднинг елкасида» деб номланувчи очеркида эса ўз ҳаётида кўп воқеаларни бошидан кечирган, Иккинчи жаҳон урушининг энг қонли жангларида иштирок этган ва тинч меҳнат соҳасида ҳам самарали фаолият кўрсатган Акбар ака Азизовнинг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилинади.

Матбуотимизда бу хилдаги портрет очерклар анчагинадир. «Ўзбекистон овози» газетасининг 2005 йил 17 март сонидида С.Дадахўжаевнинг «Лолақизғалдоқни соғиниб яшайдиган одам» сарлавҳали очерки босилган. Бу асарда ўз меҳнати билан ерни яшнатаётган водиллик Абдуқодир ҳожи кўзибоев ҳақида ҳикоя қилинса, А.Хонимқуловнинг «Ёруғ осмон остида» деб номланган очеркида (шу газета, 2005 йил, 30 июнь) Зомин ўрмон хўжалиги ходими Ўрмон қорабоевнинг ҳаёти, меҳнати ҳақида сўз боради. А.Хонимқулов ўз очеркида ўзи ҳам шу тоғ ўрмонлари бағрида дунёга келганлиги боисдан Ўрмон деб ном олган, бутун умри шу ерда ўтган, табиатни эъзозлаш билан, ўзи қўриқлайдиган тўқайдаги ҳар бир дарахтни билувчи ва авайлаб-асровчи табиат шайдоси бўлган инсон образини ярата олган. Журналист Матназар Абдулҳакимнинг «Заминга сув тутган одам» очерки («Халқ сўзи», 2005 йил 22 март) ни ўқиган газетхон бутун умрини саҳроларга сув чиқаришга бағишлаган хоразмлик машҳур ирригатор Ўктам Муҳаммадиев ҳақида кенг маълумот олиш билан бирга асардан бадиий завқ ҳам олиш мумкин. Ёзувчи Х.Тўхтабоевнинг «Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси» очерки («Халқ сўзи», 2005 йил, 30 июнь)да инсон ҳаётини сақлашда жонбозлик кўрсатувчи шифокор доцент Акбар Асқаров ҳақида ҳикоя қилинса, Ю.Бердиевнинг «Пок опа» сарлавҳали очеркида (юқоридаги газета, 2005 йил, 5 апрель) Хивадаги Меҳрибонлик уйининг директори, ҳар бир етим болага ўз фарзандидан ҳам ортиқроқ қаровчи тарбиячи, Ўзбекистон қаҳрамони Вера Борисовна Пакнинг фаолияти ёритиб берилади. Портрет очерклар газета ва журналлар билан бир қаторда радио ва телевидениеда ҳам муттасил бериб борилмоқда.

Очеркнинг муҳим турларидан бири воқеа очеркидир. У очеркнинг бошқа турлардан ўзининг бирор воқеага бағишланганлиги билан ажралиб туради. Портрет очеркида инсон фаолияти ва айниқса характери биринчи ўринда турса, воқеа очеркида биринчи ўринда муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий масалалар, чунончи, бирор йирик бунёдкорлик ишининг амалга оширилиши, завод, фабрика ёки йўл қурилиши ва бошқа воқеалар туради. Бунда муаллиф асосий эътиборини юз берган воқеа ва унинг ижтимоий иқтисодий аҳамиятига қаратади, уни ҳам публицистик таҳлил қилади, ҳам образли тасвирлайди. Воқеа очеркида кишилар образи ҳам берилади, аммо бу образлар умумий мавзуга бўйсиндирилади.

Шуни айтиш керакки, айрим портрет очерклар ҳам маълум воқеаларга асосланган бўлиши мумкин. Чунончи, бирор илғор ишчи, қишлоқ хўжалиги ходими, олим, тарбиячи, ёш санъаткорларнинг юксак давлат мукофотларига сазовор бўлиши ҳам ўша киши ҳақида очерк ёзилишига сабаб бўлади. Бу ўринда портрет очерк ва воқеа очерки бирлашиб кетади.

Умуман олганда, ўзбек воқеа очеркининг тарихи ҳам узоқларга боради. Машҳур «Бобурнома», Амир Темур ҳақида ёзилган «Зафарнома»лар ва бошқа тарихий асарларда воқеа очерки элементлари кўп учрайди. Рус адабиётида М.Горькийнинг кўпгина очерклари воқеа очеркига мисол бўлади. Ўзбек матбуотида 30-йилларда амалга оширилган йирик қурилишлар, саноат корхоналарининг ишга туширилиши ҳақида қатор воқеа очерклари яратилган. II жаҳон уруши пайтида ўзбек аскарларининг кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида ёзилган кўпгина очерклар ҳам воқеа очерки ҳисобланади.

Ўзбекистон ўз миллий мустақиллигига эришгандан сўнг мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ижтимоий-сиёсий ислохотлар, барпо этилаётган йирик саноат корхоналари, қурилаётган кўп масофали йўллар, шаҳар ва қишлоқлар қиёфасининг ўзгариб бориши, ишга туширилаётган конлар ва бошқа ижтимоий, иқтисодий ва маънавий-маданий воқеалар ўзбек матбуоти, радио ва телевидениесида воқеа очеркининг ҳам мавзуи бўлиши лозим. Бу ҳақда очеркчи журналистлар ўйлаб кўришса бўларди.

Режа:

1. Ижтимоий ҳаётда муаммоли очеркнинг тутган ўрни ва аҳамияти
2. Муаммоли очеркнинг асосий хусусиятлари.
3. Муаммоли очеркига муаммонинг қўйилиши
4. Бу турдаги очеркни ёзиш ва унга қўйиладиган талаблар.

Таянч сўз ва иборалар: *муаммо очерки, прототип, очерк хусусиятлари, очеркда деталь (нукта), эскиз.*

Муаммоли очерк – даврнинг етилиб пишиб турган долзарб муаммоларини дадил ўртага қўйиши, публицистик чўғдорлиги, бадиий бўёқдорлиги билан ажралиб туради. Муаммоли очерк бадиий тўқима асосига ҳам, конкрет воқеа асосига ҳам қурилиши мумкин – гап муаммонинг ҳаётийлиги, долзарблигида. Рус адабиётида Овечкин анъаналарини А.Калинин, В.Тендряков, Г.Радов, Ю.Чернеченко, А. Стреляный, А.Аграновский ва бошқа адиблар давом эттириб, муаммоли очеркнинг бир қатор етук, ёрқин намуналарини яратишди.

Ўзбек адиблари Н.Сафаров ва Ш.Убайдуллаевнинг “Реал ташаббуслар, ҳаётий қаҳрамонлар” (“Гулистон” журнали, 1976 йил, 11-сон) очерки муаммоли очеркнинг энг яхши намуналаридандир. Жасорат ва маҳорат билан ёзилган ушбу асарда пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда мингтонначилик ҳаракатининг сохта, ёлғон эканлиги далиллар оқали асослаб берилган, ишонтирилган. Очерк айти турғунлик йилларида, қўшиб ёзишлар авжига чиққан, энг ёмони, кўпчилик бунга кўникиб кетишган, эътибор бермай қўяёзган бир даврда ёзилди, ўша кезларда бу ҳаққоний, муаммо кескин қўйилган очеркнинг босилиб чиқиши қийин эди, лекин ўша пайтлар “Гулистон”га бош муҳаррир бўлган таниқли адиб Асқад Мухтор бутун масъулиятни бўйнига олиб, асарни эълон қилади, В.Овечкин очеркларини эълон қилган машҳур шоир “Навоий мир” журнали бош муҳаррири, машҳур шоир А.Твардовский мардлигини кайтаради.

Очерк муаллифлари машина синаш станцияси мутахассислари билан гаплашиб, терим агрегатларининг имкониятларини обдон ўрганиб, механизаторлар, бошқа одамлар билан мулоқатда бўлиб, аниқ рақамлар “ўжар” далиллар келтириб, саккиз қаторли янги терим агрегати ҳали қўл урилмаган, қийғос очилган пайкалда йиғим давомида кунига йигирма соатдан тиним билмай ишлатилса, 300-350 тонна пахтани териб бериши мумкинлигини, одамнинг жисмига, руҳиятига, маънавий иқлимга зарар бундай “рекорд”нинг одамларга, жамиятга керак эмаслигини исботлаб беришган. Аччиқ ҳақиқат очиқ айтилган, катта муаммо қўйилган ушбу очерк “мингтонначилик” деган бемаъни ҳаракатнинг, рекордлар кетидан қувишнинг барҳам топишида асосий рол ўйнайди. Истеъдодли адиб Дадахон Нурийнинг “Шаҳар ўртасида бир туп оқ ўрик”, “Бўстонликни кутқаринг”, “Шаҳарга бомба керакми?” очерклари “Шаҳар тегирмони” китобига кирган бошқа очерклари экологиянинг, теварак-

атрофни муҳофаза қилишнинг долзарб, пишиб етилган муаммоларини кескин қўйилиши билан жамоатчиликнинг эътиборини қозонди.

Орадан ўттиз йилча ўтиб, замонлар ўзгарган, муносабатлар ўзгарган, илиқлашган, мустақиллик туфайли борди-келдилар яхши йўлга қўйилган даврда истеъдодли публицист Аҳмаджон Мелибоев АҚШ сафари ҳақида туркум мақола, очерклар эълон қилди. Муаллиф сафарномасини “Йўл бўлсин, Америка?” деб номлаган. Ўзбекистон халқ адиби Муҳаммад Али эса китобига “Биз кўрган Америка” деб атаган, яхши режаларни кўзлаб, ишонч билан олға бораётган одамга, юртга, миллатга яхши ниятли, холис одамларнинг “Ҳорманг” дегани, ишига омад тилагани. Холис ният, ўзбекона тилак билдирилгани асарлар сарлавҳасидан ҳам англашилиб турибди.

СССР парчаланиб, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жаҳон бизни, биз жаҳонни яхшироқ танийиб бошлагач, мамлакатлар ривожланиб, борди-келдилар кучайгач, табиийки, сафарномалар ҳам кўпайди, йўл очеркини яхши намуналари юзага келди ва келмоқда.

Йўл очерклари ичида радио йўл очерклари салмоқли ўринни эгаллайди. Айтиш жоизки, газетада, журналда босилган, китоб бўлиб чиққан очерклар энг аввал радиода эшиттирилади. Бунда радионинг спецификасига амал қилиб, асар композицияси, услубига бир қадар ўзгартиришлар киритилади.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистон радиоси катта тараққиётга эришди. Ҳозирда тўртта канал мунтазам ишлаб, турфа эшиттиришлар бериб турибди. Эшиттиришлар ичида очерклар, жумладан йўл очерklarининг ҳам ўз ўрни, салмоғи бор. Хорижга эшиттиришларда, “Ватандош” студиясининг материалларида ҳам сафарномалар учрайди.

Узоқ ва яқин хорижга борган ижодкор, одатда, сафарнома ёзади, ёзган нарсасини энг аввал радиога беради. Кўп ҳолларда матнни ўзи ўқийди. Ўзи ўқиганнинг таъсири бошқача бўлади. Радио очерк маҳоратини ўрганишда таниқли шоир Ольга Бергольц, таниқли журналист Лазар Маграев, Ўзбек журналисти Анвар Абдуллаев асарлари бўлғуси журналистларга кўп нарса беради.

Хуллас, радио очерклар ичида йўл очерки, сафарнома муайян ўрин эгаллайди.

Муаммо очеркининг асосий вазифаси жамият ҳаётидаги бирор-бир ижтимоий - сиёсий, иқтисодий, маънавий муаммони топиб ёритиш, ўқувчида бу борада яхлит тушунча ҳосил қилиш, мазкур муаммо бўйича жамотчилик фикрини уйғотишдан иборатдир. Унда образ ва образлилик алоҳида хусусият касб этади. Чунончи, бу хил очеркларда уларга мавзу қилиб олинган муаммолар биринчи ўринда туради, кишилар образи ва тасвирий образлилик ана шу муаммони очиб бериш учун хизмат қилиши лозим. Муаммо очерки учун шу замонга тааллуқли ва очилиши зарур бўлган масала, муаммоларгина оlinиши, муаллиф томонидан малакали ҳал этиш йўллари холис кўрсатиб берилиши лозим. Бунинг учун очеркчи ўзи кўтариб чиқаётган масала, муаммони ва у тегишли бўлган соҳани чуқур билиши, мустақил фикрга эга бўлиши лозим. Бундай очеркларда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий тадқиқот асосий роль ўйнайди. Муаммо очерки рус адабиёти ва матбуотида кенг тарқалган.

Масалан, А.Чехов, Г.Успенский, кейинги давр очеркчиларидан В.Овечкин, А. Аграновскийларнинг қатор очерклари бунга мисол бўла олади. Ўзбек матбуотида ҳам И.Раҳим, Ж. Абдуллахонов ва бошқаларнинг Орол денгизи муаммолари, қарши чўлининг ўзлаштириш масалалари ва бошқа мавзулардаги муаммо очерклари маълум.

Мустақиллик даврида республикамизда амалга оширилаётган улкан ижтимоий-сиёсий иқтисодий ва маънавий ислохотлар, саноат, қурилиш соҳасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, қишлоқ хўжалигимизни қайта қуриш борасидаги катта тадбирлар, фан-техника, соғлиқни сақлаш, таълим ва ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги тез суръат билан қилинаётган ишлар, янгиликлар очеркчиларимиздан янги-янги муаммолар кўтарилган, чуқур мулоҳаза, мушоҳада ва таклифларга бой очерклар яратишни талаб этмоқда.

Режа:

1. Ижтимоий ҳаётда йўл очеркнинг тутган ўрни ва аҳамияти
2. Йўл очеркнинг асосий хусусиятлари.
3. Йўл очеркида табиат тасвири ва фактлардан фойдаланиш.
4. Бу турдаги очеркни ёзиш ва унга қўйиладиган талаблар.

Таянч сўз ва иборалар: *сафарнома, эскиз, детал, чизги, факт, табиат тасвири.*

Бадиий-публицистик жанр-очеркнинг уч тури ичида йўл очерки ўзига хос мавқега эга. Йўл очерки очеркнинг, публицистиканинг энг қадимий жанрларидандир. Инсон борки, саёҳат қилади. Саёҳат-ҳар бир инсоннинг ҳаёт тарзининг таркибий қисми. Ижод аҳли, олим, ёзувчи журналист, публицистлар фаолияти тақозасига кўра, кўп саёҳат қилишади. Сафар саёҳат ижодкорга мўл материал беради. Улкан олим Берунийнинг “Ҳиндистон” асари, шоҳ ва шоир Бобурнинг “Бобурнома”си узоқ, машаққатли, мароқли сафар-саёҳат натижаси сифатида юзага келгандир. Амир Темурнинг юришлари, сафар-саёҳатлари натижаси ўлароқ бир нечта “Сафарнома” ёзилган. (Шарафиддин али Яздий, Жомийларнинг йўл хотиралари, салномалари назарда тутилган). Муқимий умрида кўп саёҳат қилмаган, узоқ жойга саёҳат қилмаган. Қўқондан - Исфарага, Шохимардонга.... саёҳат қилган, лекин кўрган-кечирганлари асосида назмда ажойиб йўл очерки- “Саёҳатнома” битган, лекин шу кичик шеърӣ асар асосида катта, муҳим гап, салмоқли ижтимоӣ фикр айта олган.

СССР тугаб, собиқ иттифокдош республикалар мустақил давлатлар сифатида ажралиб чиққач, уларнинг адабиёти, санъати, публицистикаси мавзуси, мундарижиси, йўналишида ҳам сифат ўзгаришлар воқе бўлди. Бу нарсa очеркчиликда, жумладан ўзбек очеркчилигида ҳам, кўзга ташланди. Алоҳида шахслар, якка қаҳрамонларни улуғловчи портрет очерклар камайиб, даврнинг долзарб муаммоларини кўтариб чикувчи проблемавий очерклар, шунингдек, юрт бўйлаб, бошқа мамлакатлар бўйлаб қилинган сафарлар, таассуротлар, муамоалар ҳақидаги йўл очерклари кўпайиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда. Умуман олганда, кейинги ўн-ўн беш йил ичида ўзбек очеркчилигида, фелъетончилигида муайян таназзул, бир жойда дебсиниб туриш, ҳатто орқага кетиш тамойили ҳам кўзга ташланмоқдаки, буни ё маҳорат ё жасорат, баъзан иккиси ҳам етишмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Сталин даврида СССР темир панжаралар билан маҳкам ўралган, дипломатлардан ташқари, мамлакатга кириш ҳам, чиқиш ҳам амалда мумкин эмас, фақат айрим таниқли олим, адиб, санъаткор, арбобларга, истисно тариқасида, сиёсий бюронинг, тегишли ташкилотларнинг розилиги, қаттиқ текшируви билан, хорижга боришга ижозат берилар ва у ерда ҳам уларнинг ҳар бир босган қадами, айтган сўзи қаттиқ назорат қилинар эди. Табиӣки, халқаро мавзуларда бадиӣ, публицистик асар ёзиш имконияти ниҳоятда чекланган эди. Хрушчев даврида, эрувгарчилик йилларида аҳвол бир қадар юмшади. Брежнев раҳбарлиги йилларида хориж билан сиёсий, иқтисодий,

маданий алоқалар ривожланди, бунинг натижаси ўлароқ халқаро журналистикада ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди: хорижий мамлакатларга сафар натижалари маҳсули сифатида йўл очерклари, эссе, интервью, мақола ва шарҳлар матбуот саҳифаларида босилар, эфирда эшиттирилар, экранда кўрсатила борди, китоб ва тўпламлар нашр этилди; чет эллик ижодкорларнинг ҳам публицистик асарлари ОАВда кўрина бошлади. Айни чоғда темир панжаралар олиб ташлангани билан мафкуравий панжалралар ўз ўрнида маҳкам турар, публицистикада “совет системасининг ҳар томонлам афзаллиги” кўрсатилиши, буржуа жамиятига коммунистик баландликдан, танқидий, бир қадар нописанд қараш лозим бўларди. Сиёсий босим шуни тақозо этарди. 1959 йили Совет ҳукумати раҳбари Н.С. Хрушчевнинг АҚШга сафари натижалари ҳақида “Америка билан юзма-юз” номли катта китоб юзага келди. Асосан иттифок оммавий ахборот воситалари раҳбарлари (Горбачев, Аджубей, Сатюков ва бошқалар)дан иборат 13 нафар муаллиф қаламига мансуб ушбу ҳашар асар совет халқаро журналистикасининг энг йирик, гарчанд ўша пайтдаги юксак мукофот- Ленин мукофотига сазовор бўлсада аслида мақтов-мадҳия учига чиққан, тенденциоз, ғариб асари эдики, бу ҳақиқат кейинчалик, Хрушчев сиёсий саҳнадан кетгач, ошкор бўлди ва рўйи-рост айтилди. Шўро давридаги ўзбек публицистикасида ҳам сиёсий, мафкуравий босимнинг таъсири сезилиб турди. Масалан ўтган асрнинг 60-йиллари таниқли файласуф ва публицист академик Воҳид Зоҳидов АҚШ сафари ҳақидаги йўл очеркларини “Америкасини ҳам кўрдик” деб истехзоли номлаган эдики, сарлавҳанинг ўзи океан ортидаги улкан мамлакатга нописандларча муносабатни, муаллиф М.Горкийнинг “Сариқ иблис шаҳри” памфлетидан, В.Маяковскийнинг “Мен кашф этган Америка” йўл очеркидан ва бошқа асарлардан номланганлиги кўриниб турибди (қиёс учун келтирайлик: таниқли журналист, публицист Аҳмаджон Мелибоев мустақиллик йилларида АҚШга қилган сафари хотираларини “Йўл бўлсин, Америка” деб, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Али “Биз кўрган Америка” деб аташганки, бу холис муаллифларнинг халқона, мардона гаплари).

Энди бошқа бир мисол. Таниқли ўзбек маърифатпарвари, адиб, драматург ва публицист Абдурауф Фитрат ўтган асрнинг йигирманчи йилларида ёзилган “Ҳинд саёҳининг хотиралари” публицистик асари аввало ҳаққоний рост ёзилгани ва муаллиф бегуноҳ қатағонга учрагани учун узоқ йиллар босилмай ётди, фақат мустақиллик йилларида бу асар чоп этилди. Абдулла Қаҳҳорнинг “Ҳиндистон таассуротлари” йўл очерки, гарчанд мафкуравий яккаҳокимлиқ даврида ёзилган бўлсада, ҳақгўйлиги, муаммобандлиги билан ажралиб турарди. Асқад Мухторнинг “Европа сафари”, Ҳамид Ғуломнинг “Европа таассуротлари”, Лазиз Қаюмовнинг “Меридиандаги учрашувлар” китобларига кирган йўл очеркларида ҳам ҳаққоний манзаралар, характерли деталлар анчагина. Гарчанд улар ҳам мафкуравий босим таъсирида ёзилган бўлсада.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, жаҳонга юз тутди, жаҳон ҳам юртимизни таниди. Хорижий мамлакатлар билан сиёсий-дипломатик, иқтисодий, маданий алоқалар кенг йўлга қўйилгач, ўзаро борди-келдилар кучайгач, халқаро публицистиканинг жадал тараққий этиши учун ҳам катта

имкониятлар вужудга келди. Истиклол йилларида янги газета ва журналлар чиқа бошлади (айниқса “Жаҳон адабиёти” журнаlines алоҳида қайд этиш жоиз), янги радиоканаллар (жумладан “Дўстлик” канали), телеканаллар (жумладан IV халқаро, 2004 йилдан бошлаб “Спорт телеканали”), янги нашриётлар очилиши халқаро публицистикага ҳам кенг йўл, майдон очиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ОАВга оид бир қанча қонунлар қабул қилинганлиги, Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 1999 йил 26 февралда чиқарган 88-сон қарорида Жаҳон тиллари университети таркибида халқаро журналистика факультети очилиши ҳақида ҳам махсус банд борки, бу халқаро публицистиканинг ривожини учун катта имкониятлар пайдо бўлганлигини билдирар эди. Ушбу факультет фаолият кўрсатаётганига беш йил бўлди. Ҳозир унда 5000га яқин талаба таҳсил олмоқда, улар журналистика сирларини ўрганиш баробарида 10 хорижий тилни пухта ўрганишмоқдаки, халқаро публицист учун бу жуда муҳим омилдир. Негаки талаба журналист тилини ўрганаётган мамлакатга борса таржимонсиз бемалол гаплаша, ёза, адабиётлардан фойдалана олади. Ўтган йил илк халқаро журналистларга ҳаётга йўлланма берилди.

Матбуот саҳифаларида, радио тўлқинларида, зангори экранда халқаро публицистиканинг хабар, янгилик, репортаж, интервью, шарҳ, кузатиш, очерк, эссе каби жанрларида кўплаб асарлар эълон қилинмоқда, хорижлик ижодкорларнинг асарлари таржима қилиб берилмоқда.

Халқаро журналист тайёрлашни такомиллаштиришда халқаро публицистикани кенг ва чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканилигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бирор хорижий мамлакат тилини ўрганаётган талаба илк маълумотни ва асосий маълумотни журналлардан, радио, телевидение, интернет материалларидан олади. Масалан, мамлакатимиз АҚШ, Япония билан яқин муносабат ўрнатган, улар билан стратегик ҳамкорлармиз. Ушбу мамлакатлар ҳақида кўп маълумотни даставвал ОАВдан оламиз. Бу юртларга сафар қилган журналист, адиб, олим, санъаткорлар газета саҳифаларида, радио тўлқинларида, телеэкранларда ўз таассуротлари, репортаж ва суҳбатлари, очерк ва эсселари, шарҳ ва кузатишлари билан чиқишади, борган юрти ҳақидаги асосий маълумотни у ердаги ОАВдан, ҳамкасблар билан мулоқотдан олганлигини таъкидлашади. Масалан, публицист Амиқул Каримов Японияга қилган ўн кунлик сафари асносида 20дан ортиқ, бизнинг ўқитувчимиз, журналист Назира Тошпўлатованинг АҚШга қилган сафари таассуротлари ҳақида 15та мақола очерк эълон қилишди.

Демак, бу мисоллардан чиқадиган хулоса шуки, халқаро журналист тайёрлаш сифатини ошириш учун халқаро публицистикани кенгроқ ва чуқурроқ ўрганиш лозим бўлади.

Бизнинг таклифларимиз:

Хорижий мамлакатлар элчихоналарига мурожаат этиб, АҚШ, Англия, Германия, Испания, Польша, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон каби.

Хўш публицист ҳамкорлигида битилган китобнинг тизими, мафкураси бошқа-бошқа, муносабатлари унча силлиқ бўлмаган икки йирик мамлакатда эълон қилинишининг боиси, биринчидан, кўш маҳорат самараси бўлса, иккинчидан, энг муҳими, ҳолис, ҳаққоний ёзилганлиги эди. Муаллифлар АҚШ табиати, қўллари, удумлари, одамлари ҳақида кўпроқ, сиёсат ҳақида камроқ ёзишади, марокли воқеалар, ибратли деталларни келтириб, ўқувчиларни ром этишади. Бордию муаллифлар “Коммунизм” қураётган илғор мамлакатнинг коммунистик мафкураси “чўққиси”дан қараб узлуксиз ёмонотлиқ қилиб келинган, “чириётган капитализм юрти”га нописанд муносабатда бўлишганида, нуқул ўзлариникини маъқул кўришганда, ноҳолис нуқтаи назарда турганларида у ерда асардан парчалар босилмас эди.

Орадан ўттиз йилча ўтиб, замонлар ўзгарган, муносабатлар ўзгарган, илиқлашган, мустақиллик туфайли борди-келдилар яхши йўлга қўйилган даврда истеъдодли публицист Аҳмаджон Мелибоев АҚШ сафари ҳақида туркум мақола, очерклар эълон қилди. Муаллиф сафарномасини “Йўл бўлсин, Америка?” деб номланган. Ўзбекистон халқ адиби Муҳаммад Али эса китобига “Биз кўрган Америка” деб атаган яхши режаларни кўзлаб, ишонч билан олға бораётган одамга, юртга, миллатга яхши ниятли, ҳолис одамларнинг “Ҳорманг” деганиқ ишига омад тилагани. Ҳолис ният, ўзбекона билан билдирилгани асарлар сарлавҳадан ҳам англашилиб турибди.

СССР парчаланиб, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жаҳон бизни, биз жаҳонни яхшироқ таний бошлагач, мамлакатлар ривожланиб, борди-келдилар кучайгач, табиийки, сафарномалар ҳам кўпайди, йўл очеркни яхши намуналари юзага келди ва келмоқда.

Бу хил очеркларда муаллифнинг ўзи асосий қаҳрамон бўлиши, барча бадиий тасвир ва публицистик мушоҳадалар муаллиф «мен»и, унинг ички дунёси орқали берилиши ҳам мумкин. Йўл очеркида юқорида кўрсатиб ўтганларимиз: портрет очерки, воқеа очерки, муаммо очерки унсурлари ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Яъни, муаллиф ўз кўрган-кечирганларини баён қилар экан, кишилар қиёфасини чизиши, воқеалар тасвирини бериши, турли муаммоларни кўтариши ҳам мумкин, аммо булар унинг сафари билан боғлиқ бўлиши шарт. Йўл очерки ўзбек ва жаҳон публицистикасида қадимдан кенг ўрин олиб келган. Шулардан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур «Бобурнома»сида буюк шоир ва шоҳнинг кўрган-кечирганлари, унинг Афғонистон ва Ҳиндистонда олиб борган урушлари, бунёдкорлик ишлари муаллиф тилидан очиқ берилади. Йигирманчи асрнинг бошларида яратилган бундай очерклар орасида Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Саёҳат хотиралари» йўл очерклари алоҳида ўрин тутади. Адиб ўзининг ҳажга қилган сафарини қаламга олар экан, йўл-йўлакай кўрган-кечирганларини, жуда кўп шаҳарлар, мамлакатларни, у ердаги кишилар турмушини синчковлик билан тасвирлайди, чуқур публицистик мушоҳада қилади ва ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий ҳулосалар чиқаради. Ўзбек адабиётида сафарномалар шеърӣ шаклда ҳам мавжуд бўлиб, уларда йўл очеркига хос хусусиятлар етакчилик қилади. Бунга Муқимийнинг «Саёҳатнома» асари мисол бўла олади.

Кейинги йилларда ўзбек ёзувчиларидан Ойбек «Покистон таассуротлари», Аскад Мухтор «Европа сафари», Ҳамид ғулом «Европа таассуротлари» каби йўл очерклари яратдилар. Йўл очерклари ўқувчиларга жуда кўп маълумотлар беради, онг доирасини кенгайтиради. Шунинг учун ҳам бу жанр бадиий публицистиканинг энг сеvimли ва оммабоп жанри ҳисобланади.

8-маъруза. Эссе жанри ва унга қўйиладиган талаблар

Режа:

1. Эссега тавсиф беринг. Унинг бадиий-публицистик жанрлар орасида ўзига хослиги.
2. Эссе жанрининг пайдо бўлиши, ривожланиш тенденциялари, турлари
3. Бадиий ва публицистик эсселарнинг фарқли жиҳатлари.
4. Эсседа муаллиф позицияси.

Таянч сўз ва иборалар: *Эсседа муаллиф “мен”и, “Essaus”, документализм,*

Кейинги йилларда ўзбек адабиёти, публицистикаси, танқидчилиги яна бир жанр - эссе жанри ҳисобига ҳам бойиб борапти. Муаммоли мақола, суҳбат-интервью жанрлари сингари, эссе жанрида пайдо бўлган сон ва сифат ўзгаришлар кейинги йилларда жамият ҳаётида юз берган демократия, ошкоралик, турфа фикрлилик каби жараёнлар билан бевосита боғлиқдир. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши, миллий истиқлол мафкураси табиати эмин -эркинликка мойил эссе жанри учун қулай шарт-шароитлар яратди.

“Қисқача адабий энциклопедия”да бу жанрга шундай таъриф берилади:

“Эссе (французча - интилиш, тажриба, очерк, лотинча - тортиш, чамалаш, тортиб кўраман) жузъий бир мавзунинг олиб талқин қилувчи унга алоқадор шахсий таассуротлар ва мулоҳазаларни баён этиш, тасвирлашга интилувчи, унча катта бўлмаган, эркин композицияли насрий асардир. Ранг-баранг жанрларга (фақат адабий жанр бўлиши шарт эмас) шахсий тамойиллар олиб кириш, турли фанларнинг далил-исботлари ва атамаларини бирга қўшиб олиб бориш жараёнида эссе фалсафий, тарихий-биографик, публицистик, адабий-танқидий характер касб этиши мумкин”.

Эссе жанрининг назариясига оид тадқиқотлар Шарқда камроқ, Энциклопедия, луғат, маърузалик, қўлланмаларда бу жанр ҳақида маълумот берилмаган ҳисоб.

Эссе жанри ҳақида маълумотларнинг озлиги Фарб адабиётида, айниқса, француз, инглиз адабиётларида кенг тарқалганлиги, рус адабиёти ва бошқа адабиётларда нисбатан кам учраши билан изоҳланади.

Эссенинг жанр сифатида қарор топиши ва шаклланиши француз адиби Мишель Монтень ижоди ва унинг «Тажрибалар» асари билан боғлиқ эканлиги барча тадқиқотчилар томонидан яқдил эътироф этилади.

“Тажрибалар”нинг шакли ва жанри Монтень томонидан танланган эмас, балки, моҳиятига кўра, у томондан кашф этилган. “Эссе сўзини адабий истёмолга олиб кирган ҳам худди унинг ўзи. Бу сўз Монтенда ўзининг туб маъноси - «тажриба»ни мутлақо аниқ-равшан сақлайди: «Инсонинг муҳокама қобилиятида, унинг ўзида кўрилган, синалган тажриба» .

«Китобимнинг мазмуни - менинг ўзим», - дейди Монтень «Тажрибалар»га ёзган муқаддимасида. Монтень «Тажрибалар»ини тор, чекланган доира ўқувчилар, яқин оғайнилари, дўст-биродарлари учун муаллиф тав-

сифномаси, ўзининг кузатиш ва таҳлилиллари натижаси сифатида ёзишни мўлжаллаган, ният қилган экан. Аксига олиб, бу китоб ўз даврининг илғор фикр - интилишларини акс эттирган, нафақат француз, балки жаҳон адабиётининг маҳорат билан битилган, ўзига ҳос асарларидан бири бўлиб чиқди ва улкан аудиторияга эга бўлди. Замондошларига, ундан кейинги илм-фан, маърифат аҳли, айниқса, файласуфлар, адиблар, рухшунослар, тарбиячиларга ғоятда катта таъсир кўрсатди. Китоб кенг ўқувчилар орасига тез ёйилиб кетди. Француз, инглиз, рус ва бошқа тилларда қайта-қайта нашр этиладиган, севилиб ўқиладиган асарлардан бирига айланди («Тажрибалар» ўзбек тилига ҳам ўгирилиб, чоп этилса айни муддао бўларди). Пушкин ва Герцен, Вольтер ва Бальзак, Лев Толстой ва Максим Горькийларнинг сеvimли, қайта-қайта мурожаат этадиган асарларидан бири ҳам «Тажрибалар» эди. Чингиз Айтматов, Асқад Мухтор асарларида ҳам «Тажрибалар»нинг таъсири бор.

Монтенни қайта-қайта ўқиб завқ олган Френсис Бэкон, унинг жанри ва услубидан фойдаланиб ўзининг “Essays”ни яратди.

Эссе ҳам, бошқа бадиий-публицистик асарлар сингари, инсоншунослик, яна бошқачароқ, аниқроқ айтадиган бўлсак, «ўзшунослик»дир. Эсседа инсон даставвал ўзи билан ўйчан, дилкаш суҳбат куради, ўз ички оламига саёҳат қилади, ўзлигини, ақлу ҳиссиётининг нозик ўйинини намоён этади.

Монтень Россияда маълум, машхур бўлса-да, рус адабиёти учун эссеистик услуб характерли эмаслигини тадқиқотчилар эътироф этишади. А.И.Герценнинг “Нарини қирғокдан”, Ф.М.Достоевскийнинг «Ёзувчи кундаликлари» асарларида эссеистик услуб элементларини учратиш мумкин.

Собиқ Совет Иттифоқи ёзувчиларидан эссе жанрига И.Эренбург, Ю.Олеша, Б. Пастернак, М. Цветаева, К. Паустовскийлар мурожаат этишган. Эссеистик услуб элементлари С.Эйзенштейн, В.Шкловский, В. Катаев, Р.Ҳамзатов ва бошқаларнинг автобиографик прозасига ҳам хосдир.

Бизнинг давримизда, айниқса, ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидан бошлаб собиқ иттифоқ халқлари адабиёти, публицистикаси, танқидчилигига эссе тобора дадил кириб келди, сезиларли даражада ривожланди.

Эссе ўзбек адабиётида тез тараққий этиб бораётган, истиқболли жанрлардандир. Бундай дейишимизга маълум асослар бор. Биринчидан, инсон омилига, шахс камолотига ҳар қачонгидан ҳам жиддий эътибор берилаётган кейинги пайтларда эссенинг аҳамияти ошиши, унга эҳтиёжнинг кучайиши табиий. Иккинчидан, сўнгги йилларда тобора равшан кўзга ташланаётган тенденциялардан бири - ҳужжатли жанрларга қизиқиш, эҳтиёжининг ортиб бораётганлигидир. Ҳужжатлилик (документализм) эса эссенинг табиатига хос нарса.

Тадқиқотчилар эссе жанрига хос учта муҳим белги, хусусиятни тилга олишади. Биринчи белги, «Британия энциклопедияси»да айтилганидек, «эссе предметни, муаллифга қандай таассурот қолдирган бўлса, шу тарзда, шу даражада баён ва тадқиқ этади». Бу фикрлардан келиб чиқиб, муаллифнинг субъектив идроки, тасаввури, жанрнинг моҳияти, мундарижасини белгилайди, дейиш мумкин.

Иккинчи белги бемалол, енгил, эмин-эркин ифода услубида намоён бўладики, бу, предметни ҳар томонлама, мукаммал тадқиқ этиш даъвосини қилмасликни англатиб туради. Эссеистларни композицион бетартибликда айблашади, лекин аллақачонлар аниқланганки, юзаки қараганда кўзга ташланадиган бетартибликда ички тартиб-интизом мавжуд.

Бадий тафаккур енгил ва эркин кўрингани билан эссенинг энг яхши намуналари бадий образ, фикр тараққиётининг ички мантикига бўйсунди.

Учинчи белги ўйчанлик, мулоҳазакорлик, теран аклий таҳлил-тадқиқотдир. Альбер Камю «Эссе санъатни интеллектуаллаштиришнинг энг юқори босқичи», деб ҳисоблаганда, Британия энциклопедияси «Ақлнинг нозик ўйини» деганда шу назарда тутилган эди. Эссесимон асарлар «соф» ҳолда, шунингдек, эссе - мақола, эссе-сухбат, эссе очерк, эссе-ҳикоя, эссе-хотира, эссе-романлар билан қоришиқ ҳолда вужудга келиши мумкин. Чингиз Айтматов ва Мухтор Шахановнинг «Чўққида қолган овчининг охи-зори» («Плач охотника над пропастью») асарини муаллифлар гарчанд роман-интервью деб аташган бўлса-да, бемалол «роман-эссе» деб ҳисобласа бўлади, негаки икки муаллиф машҳур ёзувчиларнинг дилкаш, эмин-эркин суҳбати кўп ўринларда ўзлари бошидан кечирган воқеалар, кечинмалар, таассуротлар асосига қурилганки, булар эссе табиатига хос, мос хусусият, белги, аломатлардир.

Бир қатор муаллифлар Миртемир ҳақида ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос ва мунаққидлар, китобхонлар айтган, ёзган фикрлар, умуман кўп материаллар билан чуқур танишгани дам-бадам уларга мурожаат этгани келтирган иқтибос, парчаларидан ҳам маълум.

Лекин янги, ўзига хос жанрда Отаёр ўз Миртемирини яратишга, ўзи кузатган, кўрган, билган Миртемир портретига чизгилар чизишга, донгдор сўз санъаткори, ажойиб инсон ҳақидаги, ҳозирча, афсуски, камроқ адабиётлар сафини яна бир оригинал асар билан бойитишга муваффақ бўлган. Муаллиф санъаткор асарларини синчиклаб мутолаа қилиш, у ҳақда айтилган фикрлар билан яқиндан танишиши жараёнида мавзуга чуқур киришиб кеган.

«Воқеаларни эмас, таассуротларни ёзиш керак», - деган экан таниқли француз адиби, публицисти, эссе жанрида ҳам самарали ижод қилган Э.Сент-Экзюпери «Мен куёшни кўргали келдим» эссесида шоир Отаёр ҳам шунга амал қилади. Бевосита учрашувлардангина эмас, устоз билан ғойибона суҳбатларида, ҳатто телефонда гаплашган пайтларида ҳам шундай йўл тутди.

«...Минг тўққиз юз етмиш еттинчи йил кўкламнинг сулув тонгларида бирида ҳаёлимда ёд бўлиб қолган телефон рақамларини тердим. Биламан... Одатдагидек кўнглига жуда яқин оҳангда ёрқинлик, тетиклик, ҳозиржавоблик, беғубор самимият аён биргина сўз-биргина овоз дил-дилигга сингиб кетади:

- Лаббай!

Миртемир!... Устозни билган, у билан учрашган ҳатто атиги бир икки суҳбатида бўлган киши ҳам унинг телефонда сўзлашаётгандаги ҳолатини кўз олдида албатта келтиради: ана, эгнида тўн, бошида қалпоқ, чехрасида осойишталик, кўзларида теранлик балқиб турган миқти шоир - устоз Миртемир

телефон ёнида. У бир тирсаги билан телефон столчасига таяниб, қай бир қўли дард кўрмагур кулол меҳр билан ишлаган кўзача шаклидаги қаламдондан қалам олаяпти. Сўнг доим телефон ёнида турувчи дафтарининг янги варағини очади-да, телефон дастасини кулоғига тутди. Шу боисдан қайта «Лаббай!» дейди ва телефонда сўраётган кимлигини билгач, албаттақ айтадиган сўзи шу бўлади:

Э, бўтам!...Кўринмай кетдингиз, нима гап? Тинчликми? Эшитаман... Кейинги йилларда мунтазам даволаниб туришига қарамасдан узлуксиз дард Миртемирни толиқтириб турган бўлса ҳам, хол-ахвол сўралганда, дарҳол донодо қилиб хуш оҳангда жавоб беради:

- Яхши бўлишга ҳаракат қилаяпман...

Аслида устознинг на оиладагилари, на яқинлари, на қаламкаш сафдошлари-ю, на шогирдлари ундан: «Фалон ишни бажардим», «Фалон ишии қилиб қўйдим» қабилида гапирганини эшитмаганлар».

Атайин каттороқ парча келтирганимиз боиси шуки, у эссе ёзувчилар услуби, фикрлаш, ёзиш тарзи, таҳлил-тадқиқи маҳорати ҳақида тўлиқроқ ва яхлитроқ тасаввур беради.

Бу парчани таҳлил этиб кўрайлик.

Биринчидан, Отаёр кўп марталаб кузатган, кўрган, билган, аниқ ҳис-тасаввур этадиган нарсаларини ёзган. Эссе ёзувчилар сингари, тажриба қилиб кўрган ва тажрибаси натижаларини қаламга туширган. Устоз телефон кўнғироғига қандай жавоб беришини муаллиф билади, лекин буни ўқувчи Миртемирнинг минглаб муҳлислари билишини истайди.

«Лаббай» - малол-койинишдан узоқ, суҳбатни тортинмай, бемалол давом эттиришга имкон, рағбат берадиган сўз. Устоз ҳали ким кўнғироқ қилаётганини англаганларича йўқ. Билгач:

- Э, бўтам!... кўринмай кетдингиз, ним а гап? Тинчликми? Эшитаман...

Бу энди бағрикенг, хушмуомала, меҳрибон одамнинг гапи. Устоз бу кўнғироғни соғиниб қолган, ҳатто нега узоқ жимиб кетганидан ҳайрон, жиндак ташвишга ҳам тушган. Сўраб, кўнгли жойига тушгач, муддаога ўтади.

Эсседа Миртемирнинг тугал, ёрқин, эсда қоларли портрети чизиб берилган. Лекин устоз сиймоси бирданига турли-туман ҳолатларда, чизгилар, Миртемир сўзи билан айтганда, сачратқилар тарзида бериб борилади. Публицист устозни куп марталаб, турли вазиятларда кўрган, кузатган, унинг портретига хос характерли хатти-ҳаракат ва нутқ деталларини илғаб, эслаб қолишга муваффақ булган, устоз ҳаракати, ҳолати нутқи, нутқи ҳолати, ҳаракатига мос эканлигига ишонч ҳосил қилган.

Отаёр устознинг қисқа, маънодор сўз, жумлаларини ўринли келтиргач, тзҳдил-тадқиқотга утади, бу катта маънавий оламдан ўқувчилар кўпроқ баҳра олишини хоҳлайди. Устознинг сўзи эссе муаллифи таҳлиliga йул очиб беради, таҳлил-тадқиқот суз, жумлалар маъноси, мазмунини кенг очиб беради, таҳлил жараёнида яна янги, керакли сузлар келтирилади.

Эсседа ижодкор асарлари ижодкор шахсияти билан чамбарчас боғлаб олинган, бунга алоҳида ўрин, эътибор берилган. Умуман «Мен куёшни кўргали келдим» асари Миртемир ижодига бағишланган асарлар ичида санъаткор шахсига кўп ўрин берилгани билан ажралиб, ярқираб туради.

Эссе – эркин тузилишли, муаллифнинг имкониятлари бир қадар кенг асар. Лекин эркинлик-англаб олинган зарурат. Турган гапки, истаган воқеа, тафсилотни, эсга келган деталь, тафсилотни, таассуротни қоғозга туширавериш керак эмас.

Эсседан маълум булишича, публицист газета номидан куп саволлар билан устозга мурожаат қилган, жавоблар кутган, олган.

Мухбир не воқеа, ҳолатларни кузатмаган-у, нималар ҳақида гаплашмаган. Барисини ёзаверса, катта китоб булади. Лекин публицист танлаш, саралаш йўлидан бориб тўғри қилган.

Яна бир мисолни келтириб ўтайлик. Бари ижодий жараёнга, шеър машаққати, азобига даҳлдор, керакли, фойдали гаплар:

«Шоир саҳарлаб туришни канда қилмайди. Олдин ҳовлини оз-моз айланиб, «ўзини ижод жараёнига тайёрлайди», ювиниб, ишхонасига кирганда эса кўрадиган зарур китоблари стол устида олдиндан таҳлаб қўйилган.

Соат олти-олти яримлар чамаси. Бир пиёла қаҳвами, чойми, сут ё қатикми ичади. Ишлаб булгач, соат тўққиз - ўнларда нонушта қилади-да, озгина сайрдан сўнг дам олади.

- Шеър дегани ҳар куни ёзилавермайди-да, - дея уқтиради у. Лекин ҳар онда, кун сайин ойдинлашиб бораверади. Мен ёзганимни турт-беш кўчираман. Сайқал беришдан завқланаман, ярқираб бораверишидан кўзим қувонади. Ахир, ҳали ёзганинг нуқтасини топмаганини, ҳали ярқирашга муҳтож эканини кўра - била туриб тузатмасанг кимга зиён? ... Ўз-ўзингни алдаган бўласан. Дидли китобхонга, аввало, ўзингга хиёнат қиласан.

Бирданига устознинг “Тингла, ҳаёт” китобида “... ҳамманинг дилини ойнадек ёруғ кўришим керак-да, бўлмаса менинг ёзганимга ким ишонади-ю, қарғишдан бўлак не олардим?” - деган сўзлари лоп этиб ёдга келади.

Нозик кузатилган деталлар, маънодор бу лавҳа ижодкор шахси, ижод жараёни керакли нуқтани топиш лозимлиги ҳақидаги таъкидлари эсседа уч-турт жойда келтирилади. Худди шунингдек, баҳор ойларида кўпроқ тўлқинланиши, тонг маҳаллари ҳар қачонгидан унумли ишлаши, қовоғи солиқ, булутли, айниқса, ёмғирли кунларда ишлашни хуш кўрмаганлиги бир неча бор эслатиб ўтилади. Бу - устознинг табиати билан боғлиқ. Баҳор - кўкариш, янгиланиш, гуллаб-яшнаш фасли. Шеърнинг, шоирнинг беғубор, нозик табиатига мос фасл. Тонг маҳали ҳам шундай. Теварак-атрофда ажиб бир сокинлик, жозиба ҳукм сўради. Хаёл, фикр тиниқлашади. Бунинг устига, тонг, қуёш чиқишини кузатишни яхши кўради, эссенинг «Мен қуёшни кўргали келдим» деб номланиши ҳам асл, ҳам кўчма маъноларда ўзини тамом окдайди.

Зулфия, Чингиз Айтматов, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқа ижодкорларнинг Миртемир ижоди, шахсияти ҳақида айтган дил сўзлари ҳам эсседа келтирилган, муаллифнинг муносабати билдирилганки, бу асарнинг таъсир қувватини яна ҳам оширган. Назаримизда, муаллиф Миртемир шахсиятига ижодидан кўра кўпроқ ўрин берган, холбуки шоир шахсиятини ўрганиш, даставвал, устознинг бой, ранг-баранг, кўп қиррали ижодини кенгроқ, муфассалроқ, теранроқ тадқиқ этиш учун даркор эди. Миртемир ижодиёти эса янада қамровли, чуқурроқ таҳлил-тадқиқ этилиши

лозим ва мумкин эди. Масалан, устознинг шоҳ шеърларидан бири «Онагинам» тўлиғича келтирилса, бир-икки саҳифада таҳлил этилса, бу асарнинг яратилиш жараёни ҳақида яқинларининг кузатишлари, мулоҳазалари келтирилса соз бўларди. Негаки, бу шеърда, унинг ҳар бир сатрида катта қалбнинг дард-изтироблари, армонлари, орзулари бетакрор қўр, маҳорат билан гавдалантирилган. Шеърнинг ҳар бир сатрида Миртемир шахсияти «мана мен» деб кўриниб туради. Отаёр асарнинг китоб вариантыда бу истакларнинг кўпини ҳисобга олган, қўшимча боб, лавҳалар киритилган, бойитган. Хуллас, эссе тобора ривожланиб бораётган, истиқболли бадий-публицистик жанрлардандир.

9-майруза. Эссе турлари

Режа:

1. Эссега тавсиф беринг. Унинг бадий-публицистик жанрлар орасида ўзига хослиги.
2. Эссе жанрининг пайдо бўлиши, ривожланиш тенденциялари, турлари ҳақида
3. Бадий ва публицистик эсселарнинг фарқли жиҳатлари.
4. Эсседа муаллиф позицияси

Таянч сўз ва иборалар: бадий эссе, публицистик эссе, бадиа, публицистик мушоҳада ва мулоҳаза.

Эссенинг табиати хур фикрлашни, плюрализмни, тасвир, баёнда эркинликни тақозо этади. Тоталитаризмга асосланган, коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган, хур фикрлаш имкони бўлмаган советлар замонида эссе жанр сифатида ривожлана олмаслиги, кенг қанот ёза олмаслиги табиий эди. СССР парчалангач, собиқ иттифоқчи республикалар мустақилликни қўлга киритгач, плюрализмга, эркин, хур фикрлаш, яйраб ёзишга кенг имкониятлар яратилгач, эссе жанрининг ривожланишига яшил йўл очилди.

Ўзбек адабиёти, публицистикасида ҳам эссе жанрининг ривожини турфа фикрлашга бир қадар имконият юзага келган саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмидан, бемалол, эркин ёзишга шарт-шароитлар пайдо бўлган 90-йиллардан бошланди.

80-йилларнинг иккинчи ярмида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газеталари, «Шарқ юлдузи», «Фан ва туруш», «Ёшлик», кейинчалик «Тафаккур», «Жаҳон адабиёти» журналларида, мустақил газета «Хуррият»да эссе бошқа нашрларга қараганда кўпроқ берилган бошланди. Ўзбек адабиёти, публицистикасида эссе икки мавзу йўналишида намоён бўлмоқда:

1. Бадий-публицистик эсселар.
2. Адабий-танқидий эсселар.

Эссе жанрида бир қанча китоблар нашр этилди. Саид Аҳмаднинг «Йўқотганларим ва топганларим», Одил Ёкубовнинг «Фарзандлар бурчи», Файбуллоҳ ас-Саломнинг «Эй, умри азиз», «Эзгуликка чоғлан, одамзот», Носир Фозиловнинг «Устозлар даврасида», Озод Шарафутдиновнинг «Сардафтар саҳифалари», Кибриё Қаҳҳорованинг «Чорак аср ҳамнафас», Ҳ.Қодирийнинг «Отам ҳақида», Отаёрнинг «Мен қуёшни кўргали келдим» каби китоблари, Асқад Мухтор, Пиримқул Қодиров, Шукрулло, Матёқуб Қўшжонов, Азиз Қаюмов, Лазиз Қаюмов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Хошимов, Иброҳим Ғафуров, Муҳаммад Али, Дадаҳон Нўрий, П.Шермухамедов ва бошқа адиб, мунаққид, публицистларнинг мақола, суҳбатларига эссеистик руҳ сингиб кетгандир.

Адабий-таанқидий эссенинг намунаси сифатида Саид Аҳмаднинг «Назм чоррахасида», академик Азиз Қаюмовнинг «Шоир Фурқат», профессор Зарифа Саидносированинг «Ойбегим менинг», профессор Озод Шарафутдиновнинг

«Китобларим ҳақидаги ҳикоялар» асарларини кўрсатиш мумкин. Таниқли адиблар, олимлар ҳақидаги хотира, эсдаликларда ҳам эссе унсурлари дам-бадам учраб туради.

Ўзбек адабиёти, мақоланавислиги ўз жамоли, бўй-бастини кўрсатишда, унинг миллий ўзига хосликлари, анъаналари, тамойиллари, муаммолари ҳақида тасаввур пайдо қилишда, асарда ёзувчи шахсиятининг ўрни, ролини тайин этишда бадиий-пуслицистик маҳорат бобида таниқли адиб Одил Ёқубовнинг «Фарзандлар бурчи» эссеси алоҳида ўрин тутади.

Одил Ёқубовнинг ҳикоялари, қиссалари, «Улуғбек хазинаси», «Диёнат», «Кўҳна дунё» романлари адабиётимизда қанчалик муҳим, салмоқли воқеа бўлган бўлса, «Фарзандлар бўрчи» туркум публицистикаси ҳам шундай муҳим, эсда қоларли воқеа бўлди, жамоатчилик эътиборини қозонди, танқидчиликнинг илиқ баҳосини олди. Буларнинг бари Одил Ёқубовнинг «Фарзандлар бурчи»ни ёзишга ёзувчилик, публицистик бўрчини тўла англаб, катта билим, жиддий тажриба билан киришганиқ ҳаётий муаммоларни дадил кўтарганиқ таҳлил-тадқиқ қилганиқ пишиқ, эсда қоларли асарлар яратгани самарасидир.

Одил Ёқубов бу асарни ёзишга узоқ вақт тайёрланади, қаҳрамонлар олдида ўзини бўрчдор, қарздор деб билади. Масалан, у бир қанча пахтакорлар, хусусан, Манноп Жалолов билан илгаридан таниш, очерк, мақолалар ёзган, орқаваротдан ишларини кузатиб, муваффақиятларидан хўрсанд бўлиб юради. Лекин учрашиш, бемалол гаплашиш мавридини тополмайди. Халқ артисти Ҳалима Носирова истеъдодининг бир умр муҳлиси, лекин таниқли ҳонандани минг биринчи эшитиш, айниқса, ўзини кўриш, суҳбатлашишдан бир олам маъноқ завқ олади. Ўрни келганда айтиш керакки “Фарзандлар бурчи” туркумининг асосий қисми 70-йилларнинг иккинчи ярмида эълон қилинган бўлса-да, бу туркумни ҳаётнинг ўзи, ёзувчининг ўзи давом эттирмоқда. Кейинги ўн йил ичида кўп воқеалар бўлиб ўтди. Қаҳрамонлар ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлди, СССРдек империя парчаланиб, кўпгина жумҳуриятлар, жумладан Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритди. Адабиёт, мақоланавислик, уларнинг методи, тасвир, ифода йўсинларида ўзгаришлар зуҳур этди. Масалан, Одил Ёқубов бугунги кунда ўз қаҳрамонлари ҳақида қандай ёзаркин деган фикр, савол ўқувчида туғилиши мумкин. Одил Ёқубовнинг бир-икки, катта-кичик мақола, эсселари шундай ўйлашга асос беради (масалан, «Қашқадарё гурунглари», «Жудолик йиллари»).

«Фарзандлар бурчи» туркумининг кучи фазилати, биринчидан, уларнинг муаммолилигида бўлса, иккинчидан, асарда муаллиф шахси шахсан кузатган, кўрган, билган, туйган, ҳис қилган воқеалар, деталлар тасвири, айниқса, жонли, жозибадор, табиий ва ишонарли чиққан.

Эссе кўп қиррали жанр бўлиб у илмий, тарихий ва публицистик кўринишга эга бўлиши мумкин. Яна бир луғатда эссени эркин шаклдаги адабий жанр эканлиги айтилади. Эссе ўзбек тилида «бадиа» шаклида ҳам ишлатилиши мумкин, бу эса кишининг диққатини тортадиган, кенг мушоҳадали бадиий асар маъносини беради. Бадиа бирор бир тарихий, илмий мавзу борасида эркин бадиий услубда ёзилган асардир. Яъни, эсседа илмий-адабий, ижтимоий

мушоҳадалар, тадқиқотлар ўз ифодасини топади, таҳлил, мулоҳаза ва хулосалар асосий ўрин тутати.

Эссе ўз хусусияти билан очеркка яқин туради, яъни унда ҳам ҳаёт воқеалари бадиий-публицистик усулда акс эттирилади. Аммо эссенинг очеркдан фарқи – унинг эркин услубда ёзилиши, ҳажмининг чекланмаганлиги, муаллифнинг олинган мавзу борасида атрофлича фикр юритиб, керакли ўринларда илмий, керакли ўринларда ижтимоий-тарихий ва бадиий воситалардан кенг фойдаланиши, публицистик хулосалар чиқаришида ўз ифодасини топади.

Эсседа бирор тарихий воқеа ёки замонавий муаммо эркин фикрлаш асосида баён этилади, унда муаллифнинг индивидуаль таҳлили асосий ўрин тутати. Эсседа муаллифнинг шахсий кузатишлари ва мушоҳадалари бош вазифани бажаради. Аммо, эсседа публицистик мушоҳада ва хулоса асосий ўрин тутиши, яъни у ижтимоий аҳамиятга эга бўлган факт, воқеа, муаммоларга бағишланиб, жамоатчилик фикрини уйғотиши лозим.

Мазкур жанрда фан, сиёсат ва адабиётнинг уйғунлиги мавжуд бўлганлиги сабабли унда образ ва образлилик ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Шу боисдан эсседаги илмий, тарихий, ижтимоий тадқиқот ва мушоҳадалар худди мақоладаги каби жиддий таҳлил услубида берилиши ҳам мумкин. Фақат керакли ўринлардагина бадиий воситалар ва шу жумладан образ ва образлиликдан ҳам фойдаланилади. Бу жиҳатдан эссе муаммо очеркига яқин туради. Эсседа йўл ва портрет очеркларига хос хусусиятлар ҳам учраши, яъни бирор шахс образи ёки йўл таассуротлари ҳам ўз ифодасини топиши мумкин.

Эссе ғарб матбуотида кенг қўлланилади. Ўзбек матбуотида ҳам бу жанр кейинги йилларда кириб келди. Бунга мисол сифатида таниқли адабиётшунос О.Шарофиддиновнинг «Тафаккур», «Жаҳон адабиёти» журналларида босилган эсселари мисол бўла олади. Бу эсселарда замонамизнинг шу кунги муҳим ижтимоий-маънавий муаммолари кўтариб чиқилади. Қардош қорақалпоқ адиби Т.Каипбергеновнинг қатор адабий-бадиий эсселарида ёзувчининг ҳаёт ва замон ҳақидаги фалсафий-ижодий қарашлари ўз ифодасини топган. Х.Даврон эсселарида эса тарихий мавзулар бўйича фикр-мулоҳазалар юритилса, иқтидорли журналист Н.Қўчқор эсселарида ҳам шу куннинг муҳим ижтимоий-маънавий масалалари қаламга олинади. Шу кунги матбуот саҳифаларида ҳам эссенинг турли кўринишларини кўриш мумкин. Ҳаётимизнинг турли мавзуларига бағишланган бу эссе ва бадиаларда шу кун учун муҳим бўлган бирор воқеа, бирор шахс фаолиятининг қирраси, ёхуд шу давр билан боғлиқ бўлган тарихий воқеалар акс эттирилади. Масалан, адабиётшунос олим ва адиб М.Қўшжоновнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2005 йил 4-февраль сонидида босилган «Хива суҳбати» бадиаси қадимги Хоразм тарихига бағишланган бўлиб, унда бу юртда яшаб ўтган Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуд Пурёвалий ва бошқа аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятига доир турли қизиқарли фактлар келтирилади, муаммолар ўртага ташланади. Муаллиф ўз бадиасини хоразмлик ёзувчи, қатор тарихий асарлар яратган Эркин Самандар билан суҳбат тарзига қурган. Ёзувчи Мурод Хидирнинг «Маърифат» газетасининг 2003 йил 26 декабрь сонидида босилган «Ибтидода сўз бўлган»

бадиаси ҳам маънавий масалаларни қаламга олади. Унда китоб ва унинг шу кунги инсон ҳаётидаги ўрни масалалари мушоҳада этилади. Муаллиф яхши китоблар яратиш ва нашр этиш борасида қатор масалаларни ўртага ташлаб, жамоатчилик фикрига ҳавола қилади. Шоир Асқар Маҳкамнинг «Адабиёт ибодати» бадиаси («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2004 йил, 22-декабрь) ҳам маънавий-ижодий масалаларга бағишланган бўлиб, унда шоир Шавкат Раҳмоннинг ҳаёти ва ижодига доир чизгилар ўрин олган. Муаллиф иқтидорли шоирнинг ҳаётий қарашлари, бадиий изланишлари ва маҳоратининг бош қирраларини изчил тасвирлаб бера олган.

Юқоридаги эсселар асосан муайян тарихий шахсларга бағишланган бўлса Н.Очиловнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2003 йил, 11-апрель сонидан жой олган «қайтиш» деб номланувчи эссесининг қаҳрамони эса умумлаштирилган, бадиий тўқима шахсдир. Эсседа тасвирланишича Шарифжон деган йигит илм олиш билан шуғулланар, докторлик диссертацияси устида ишлаётган экан. Аммо у турмуш қийинчиликлари туфайли илмни ташлаб ўзини бозорга «уради» ва яхшигина маблағ орттириб, бойий бошлайди. Аммо унинг дилидаги илмга, ижодга бўлган муҳаббати сира тинчлик бермайди, виждони қийналади. Ниҳоят у бозорни ташлайди ва яна илмга қайтади, докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, эл-юрт олдида юзи ёруғ бўлади, унинг қалбида ҳаётдан мамнунлик ҳислари яна уйғонади. Бу бадиа мавзу ва бадиий ечим жиҳатидан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ёш журналист Умид Ёкубовнинг «Маърифат» газетасининг 2004 йил 15-декабрь сонидан босилган «Гулхан ўчмаган кеча» бадиаси ҳам шу куннинг маънавий масалалари, инсон ва унинг ҳаётдаги ўрни муаммосига бағишланган. Унда ёш, ҳаётга чанқоқ, ҳақиқатнинг кўзига тик боқа оладиган, чуқур мушоҳадали муаллиф образи намоён бўлади.

Эссе ўзига хос кўп қиррали, мураккаб жанр бўлганлиги боисдан у кўпроқ ёзувчилар, олимлар, мутахассислар томонидан ёзилади ва одатда адабий-бадиий нашрларда эълон қилинади. Шунингдек, у матбуот нашрларидан ташқари радио ва телевиденида ҳам берилиши мумкин. Бу хил эсселарда публицистика билан бир қаторда радио ва телевидение хусусиятлари ҳам ўз ифодасини топади.

Эссе келажакда ўзбек матбуотининг ҳам асосий жанрларидан бири бўлиб қолади.

10-маъруза. Лавҳа – бадиий публицистика жанри сифатида

Режа:

1. Лавҳага таъриф беринг. Унинг бадиий-публицистик жанрлар орасида ўзига хослиги.
2. Лавҳа жанрининг пайдо бўлиши, ривожланиш тенденциялари, турлари ҳақида
3. Лавҳанинг фарқли жиҳатлари.

Таянч сўз ва иборалар: *илмий лавҳа, адабий-бадиий лавҳа, шеърий лавҳа. Лавҳада факт.*

Лавҳа сўзи арабчадан олинган бўлиб, бирор нарса ёзилган тахточа, кўриниш, манзара деган маъноларни билдиради. Лавҳа публицистиканинг кичик жанрларидан бири бўлиб, аслида инфор­мацион-хабардор этувчи жанрдир. Унинг вазифаси ҳаётдаги бирор факт, воқеа ва ҳодиса ҳақида хабар бериш, ўқувчига таништиришдан иборатдир. Шу билан бирликда лавҳа оддий инфор­мациядан, хабардан фарқ қилиб, ҳаёт воқеа ва ҳодисаларини кенгрок тасвирлаш, ҳаётдан олинган бир кўринишни, кишилар фаолияти ҳақидаги муайян бир маълумотларни ўқувчи кўз ўнгига жонлантириб бериш, тасаввур ҳосил этишдан иборат мақсадга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан унда айрим бадиий-тасвирий воситалар – табиат манзаралари, инсон фаолияти, меҳнат, изланиш кўринишлари, зарур бўлганда инсон қиёфаси ва бошқа тасвирларга ўрин берилади. Одатда лавҳа ҳаётдаги ижобий хусусиятга эга бўлган ва бошқаларга намуна сифатида хизмат қиладиган воқеа ва ҳодисалар, инсоннинг яратувчилик фаолияти, самарали меҳнати, эришган ютуқларини тасвирлашга бағишланади. Айрим ҳолларда эса ҳаётдаги камчилик ва нуқсонларни йўқотиш, салбий ҳолларни танқид қилиш учун танқидий, ҳажвий лавҳалар ҳам бўлиши мумкин. «Халқ сўзи» газетасининг 2005 йил , 7 сентябрь сониди «Алпомиш» уйқудан уйғонадими?» сарлавҳали танқидий лавҳа берилган. Унда Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида ташкил этилган дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Алпомиш» деб аталувчи Ўзбекистон–Америка қўшма корхонасининг ишидаги камчиликлар очиб ташланади. Оддий корреспон­денциядан фарқли равишда унда ишдан тўхтаб қолган корхонани ухлаб қолган халқ қаҳрамони Алпомишга ўхшатиш ва бошқа образли воситалардан фойдаланилади.

Лавҳада факт, воқеа-ҳодисалар ҳақида хабар бериш, уларни маълум даражада таҳлил этилиши билан биргаликда ҳаётни ёрқинроқ жонлантириш орқали тасвир этилиши тақозо этилади. Бу эса ўз навбатида унда образ ва образлиликдан фойдаланишни талаб қилади. Аммо лавҳада бирор воқеа ёки ҳодиса ёхуд киши фаолиятининг барча тафсилотлари эмас, балки маълум бир парчаси ёритиб берилади. Масалан, бирор олим, муаллима, спортчи ёки санъаткорнинг ўз фаолияти, эришган ютуқлари лавҳада ўз аксини топиши мумкин. Яъни, лавҳа жанри ҳаёт воқеалари ва ҳодисаларини жонли тарзда тасвир этишнинг публицистикадаги илк, дастлабки кўринишидир. Матбуот –

газета ва журнал лавҳаси билан бир қаторда радиолавҳа ва телелавҳалар ҳам мавжуддир. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари радио ва телевидениенинг талабларидан келиб чиқади.

Лавҳани республика, марказий умумсиёсий, ихтисослашган ва тармоқ газеталари ҳамда вилоят, туман газеталарида кўплаб учратиш мумкин. Ву қулай ва таъсирчан жанр журналлар саҳифаларидан ҳам кенг ўрин олади. Умуман олганда лавҳа ўзбек матбуотининг доимий ва кенг учрайдиган жанри ҳисобланади. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2005 йил 9-сентябрь сонидан ўрин олган «Эски Жўвадаги мўъжизалар» сарлавҳали материални газета лавҳасининг типик кўриниши дейиш мумкин. Лавҳа муаллифи журналист Рустам Мусурмон пойтахтимизнинг Эски Жўва мавзеида кейинги пайтда юз берган ўзгаришлар, ободончилик ҳақида шундай деб ёзади:

«Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги байрами муносабати билан шаҳримизда улкан бунёдкорлик иншоотлари, боғлар, кўприklar, саройлар, ажойиб иншоотлар ишга тушурилди. Хусусан, Тошкентнинг Эски шаҳар ҳудудида байрам арафасида очилган Абдулла қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи, Ўзбек либослари галереяси, Болалар ижодиёти уйи шаҳарнинг кўркига кўрк қўшди. Бугун Эски Жўва бозори майдонини айланаркансиз, Президентимиз айтганидек бу ерда фақат Эски Жўва деган эски номнинг ўзигина қолганини, қиёфаси мутлақо янгича, замонавий тарзда ўзгариб кетганига амин бўласиз».

Лавҳа давомида муаллиф бу ерда барпо этилган Болалар ижодиёти уйи ва бошқа иншоотларнинг ўзига хос меъморий кўринишларини бирма-бир завқ билан тасвирлайди, уларда олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтади. Лавҳа образли ифодалар, кўтаринки руҳ билан суғорилганлиги боисидан ўқувчига маъқул тушади.

Мазкур жанр ҳаётнинг турли қирралари, шу жумладан ишлабчиқариш билан боғлиқ факт ва воқеаларни хабар қилишда ҳам қўл келади. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрида чикувчи маҳаллий ижтимоий-сиёсий газета бўлган «Чағониён» бу жанрдан унумли фойдаланади. Унинг шу йил 18 сентябрь сонининг биринчи саҳифасида «Хосият опанинг шижоати» сарлавҳали лавҳа берилган. Унда тумандаги Хосият Раҳимова бошқараётган «Отабек» фермер хўжалигида ўша кунларда кизгин олиб борилаётган пахта терими манзараси тасвирланган. «Биз куни кеча Хосият опа бошлиқ деҳқонлар даласида бўлиб қайтдик,— деб ёзади лавҳа муаллифи Н.Темиров. — Оппоқ, қийғос очилган пайкалларда терим авжида. Дала бошида самовар қайнаб турибди. Тушликка эса иссиқ овқат тайёрланмоқда. Теримда иштирок этаётганларнинг кайфияти кўтаринки. Бу ерда тушлик овқат теримчилар учун бепул қилиб қўйилган. Чунки ферма ғалладан мўл ҳосил олганлиги туфайлидан келган фойданинг бир қисми теримчиларнинг кундалик эҳтиёжлари учун ажратилган... Эндиги мақсад эса 16 гектар майдонга экилган пахта ҳосилдорлигини 55 центнерга етказишдир». Лавҳа давомида ферма аъзоларининг теримда эришаётган ютуқлари, меҳнат ва ҳаётлари ўзига хос образли тарзда, чиройли тасвирлаб берилади. Газетанинг шу сонидан ўрин олган «Деновда Барчиною алплар йиғилди» сарлавҳали лавҳада эса Деновда

ўзбек кураши бўйича Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурод хотирасига бағишлаб ўтказилган мусобақа ҳақида ҳикоя қилинади.

Лавҳанинг танқидий тури ҳам мавжудлигини юқорида айтиб ўтган эдик. «Чағаниён» газетасининг юқоридаги сонида бу жанр ҳам унинг саҳифасидан жой олган. Иқтидорли журналист Бахтиёр Олломуроднинг «Талаба маданиятни кимдан ўрганади?» сарлавҳали материали бунга мисолдир. Мухбир ўз лавҳасига кундалик ҳаётда тез-тез учраб турадиган воқеа – айрим раҳбарларнинг оддий кишилар билан сўзлашганда уларни менсимаслик ва кўполлик қилиш ҳолларини қаламга олади. Лавҳадан маълум бўлишича мухбир Сурхондарё давлат университетининг янги бўлган ректори билан суҳбатлашиш учун университетга боради, ректор эса унга ўта калондимоғлик билан муомила қилади. Мухбир воқеа қандай бўлса шундайича келтирар экан, бундан «ўта жиддий» хулосалар чиқариб, ўша раҳбарнинг «авра-астарини тўнтариб, савалаб» кетмайди, балки шундай катта даргоҳнинг раҳбари бироз маданиятлироқ бўлиши ҳам керак, деган фикрни ўта нозиклик билан «қистириб» ўтади. Бу танқидий лавҳанинг «жиддий танқидий мақола», ҳатто фелъетондан ҳам аълороқ даражада мўлжалга тегиши ва ўз таъсирини кўрсатиши турган гап.

Шу билан бирликда лавҳанинг илмий, адабий-бадий, шу жумладан шеърӣ кўринишлари ҳам мавжуддир. Бу мазкур жанрнинг ҳаётни тасвирлашдаги кенг имкониятларидан далолат беради.

11-март. Хат – эпистоляр публицистика

Режа:

1. Ижтимоий ҳаётда хатнинг тутган ўрни ва аҳамияти
2. Хатнинг асосий хусусиятлари.
3. Хатнинг субъектив характерга эга эканлиги.
4. Хат турлари.

Таянч сўз ва иборалар: *эпистоляр публицистика, “Нома”, мактуб, хатда муаллиф “мен”и, “Муншаот”, очик хат.*

Бадиий-публицистик жанрлар сирасида хат алоҳида ўрин, мавқега эга. Хат илмий адабиётда эпистоляр публицистика деб номланади. Хат, мактуб - дил рози, кўнгил кўзгуси. Инсон дилида кечган туйғулар, хуш-хурсандчилиги, орзу-армонлари, шодлигу аламлари, ғазаб-нафратини, бари барисини хат, мактуб оқали ифодалашни маъқул кўради. Жанр табиати инсон дили турида, дилининг учида турган гапларини, ҳис-ҳаяжонини, дард изтиробини, тўкиб солишга энг кўп имкон беради. Масалан, севишганлар қайноқ ишқ - муҳаббатини изҳор этиш учун корреспонденцияни, ҳисоботни, очеркни эмас, айнан хатни танлаши бежиз эмас; аскар йигит ҳам узоқдаги ота-онасига, ака-укалари, опа-сингиллари, устозлари, муаллимлари, маъшуқасига мактуб билан мурожаат этади.

Хат табиатан, моҳиятан публицистик жанр: унинг сўзлари чўғдор, ҳарорати баланд, “қон босими” ортиқ, бу унинг “соғлиги” шикасталигидан эмас, балки, аксинча, бардамлиги, соғломлиги, руҳий тетиклиги аломатидир.

Табиийки, ҳар қандай хат, мактуб бадиий- публицистик жанр ҳисобланмайди. Масалан, одамлар, идоралар ўртасидаги ёзишмалар, шахсий мактубларнинг аксарияти шунчаки алоқа воситаси, холос. Хат муҳим ижтимоий-сиёсий мазмун-моҳият касб этган, салмоқли муаммони кўтариб чиққан, жамоатчилик фикрини кўзғатган, ифода этган тақдирдагина бадиий-публицистик жанр аломати, хусусиятларига эга бўлади. Баъзан муаллиф “ўта шахсий” деб ҳисоблаган мактуб кутилмаганда ўта ижтимоий куч-қудрат касб этиши мумкин. Масалан, машҳур рус ёзувчиси Константин Симонов Ватан уруши йиллари (1941-1945)да ҳарбий муҳбир бўлиб ишлаган, унинг шеър, корреспонденция, репортаж, очерк, кундаликлари кейинчалик “Кунлар ва утлар”, “Солдат бўлиб туғилмайдилар”, “Тириклар ва ўликлар” каби романлари, “Урушнинг турли кунлари” каби публицистик китоби, бошқа асарларига асос, материал бўлиб хизмат қилган. Фронтда жанрлар айна қизиб турган пайтларда газета таҳририятларидан бири шоирдан бирон шеър беришни сўрашади. Шоир “шеър-ку бор, лекин ўта шахсий-да” дейди, “шахсий бўлса ҳам бераверинг” дейишади. Шоир камтарлик билан “шахсий интим” деб аталган шеър - “мени кутгил...”, босилиб чиққач, фавқулодда кучли ижтимоий рух, гражданлик пафос касб этади. К.Сминовга катта шуҳрат келтиради, солдатлар фронтдан маъшуқаларига ёзган мактубларига “Мени кутгил” шеърини илова қиладиган бўлишади (публицистик шеърининг бу гўзал

намунаси ўз вақтида бошқа кўп тилларга таржима қилинган, ажойиб ўзбек шоири Ҳамид Олимжон ҳам “Мени кутгил ва мен қайтарман” дея бошланувчи ушбу шеърни маҳорат билан ўзбек тилига ўгирган эди).

Хат - жуда қадимий, кенг тақалган жанр. Жаҳон адабиёти, публицистикасида мактуб шаклида ёзилган бир қатор шеърлар, поэмалар, ҳикоя, қисса, романлар, ҳатто драматик асарлар мавжуд.

Хат - ёши улуг, “мўйсафид” жанрлардан. Унинг ёши ёзув ёши билан баробар дейиш мумкин.

Ёзув пайдо бўлгач, одамларда фикр-туйғуларини хат оқали ифода этишга эҳтиёж туғилган.

Мактуб шарқ адабиётида, айниқса, кенг тақалган мактуб шаклидаги шеърӣ, насрий асарлар “нома” деб аталгани маълум. Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” (XIV аср), Хўжандийнинг “Латофатнома” (XIV- XV асрлар), Мироншоҳнинг “Таашшурнома” каби дostonларини эслайлик.

“Нома” сўзи шеърӣ, насрий асарлар сарлавҳасидан ҳам жой олганлиги жанрларга эътиборнинг катталигидан далолат бериб турибди. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Шарафиддин али Яздийнинг “Зафарнома”, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”, Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланнома”, Муқимийнинг «Саёҳатнома» асарларининг номлари айтиб турибди.

Шеърӣ, насрий шаклда битилган ушбу асарларда мақоланавислик (ҳозирги термин билан айтганда публицистика) унсурлари ҳам кўп учрайди. Масалан, Кайковус ўз ўғлига панд-насихатларини, «Қобуснома»нинг бобларини «Эй, фарзанд!» - дея мурожаат билан бошлашни мақбул кўради. Шарафуддин Али Яздий Амир Темур ҳаёти, юришларининг ҳижрий 806 йил охиригача, яъни мелоддий 1404 йилнинг июлигача бўлган воқеаларни акс эттирган «Зафарнома» асарини биринчи мақола деб айтган. Шоҳруҳга аталган иккинчи мақола ҳамда Иброҳим Султонга аталган учинчи мақолани ёзишни ҳам режалаштириб қўйган, бу ҳол матнда ҳам ўз ифодасини топганлиги - ушбу мемуар асарда публицистик унсурлар бисёрлигидан шаҳодат беради ва у маълум маънода, бадиий - мақоланавислик асари деб аталишига асос бўлиб хизмат қилади.

«Бобурнома», юқорида айтилганидек, қанчалик тарихий, адабий, илмий ва ҳоказо асар бўлмасин, у шунча бадиий-публицистик асар ҳамдир. Унда мақолага, очеркга, фелъетонга, такризга, эссега, репортажга оид унсурлар кўп. Худди шундайин унда хат жанрига хос унсурлар ҳам бор.

Таниқли олим, профессор Файбуллоҳ ас-Салом билан ҳамкорликда битган «Толибнома» («Студунческая тетрадь») асаримизда Бобур Мирзо ёзган, йўллаган мактублари ҳақида фикр юритган эдик. Қуйида ушбу китобимиздан парча келтирамиз. У узунроқ эса-да, машҳур шоир, саркарда, улар орқали муаллиф дили, тили, услуби ҳақида, ўйлаймизки, муфассал маълумот беради:

«Маълумки, Мирзо Бобур, ота, дўст, улфат, подшо мақомида жуда кўп одамларга жуда кўп хат битган. Бу хатларнинг ҳар бири тарих. Улардан асрлар

оша подшоҳ ҳазратнинг ўктам овози, одоби, фикр - мулоҳазаси, тажрибаси, миждо ва сажияси бизгача етиб келган. Бу мактубларни такрор-такрор ўқиймиз, мирикамиз, тўймаймиз. Уларда хонҳазрат ўз ҳолидан зорланади, нималарнидир тайинлайди ва насиҳат қилади: - Ҳумоюнга, Комронга, Хўжа Калонга ва бошқаларга. Аммо ўша «бошқалар» бошқалар эмас, балки биз бўламиз. Қиблагоннинг ота ўз фарзандларига чексиз меҳрибонлиги ва насиҳату васиятлари ҳудди халқига, бизга, айниқса, Сиз навжувон авлодга, суюкли талабаларга қаратилгандай жаранглайди.

Эсизки, унинг ўз яқин-йироқларига турли муносабатлар - давлат ишлари, шахсий аҳволот, оилавий муносабатлар, одоб, рафту омад, осойиш ва оройиш йўриқларида битган «нимарсалари», бу ранг-баранг улкан бойлик мунтазам йиғиб борилмаган. «Муншаот» шаклига келтирилмаган. Кўпдан - кўп нарсалар сақланмаган. Алғов - далғовларда йўқолиб кетган. Шуниси борки, биз яна Бобур подшоҳнинг ўзидан миннатдор бўлишимиз керакки, унинг бир қанча хатлари «Бобурнома» («Вакоеъ») дан жой олган. Бундан беш йил муқаддам яна бир муборақ хат топилиб матбуотда эълон қилинди, бу «Насиҳатномаи Бобур ба Бухорийнинг «Абдулланом», мактуб шаклида ёзилганлигини «Фарзанди худ» деб номланади (Мазур ажойиб насиҳатнома нусхасини филология фанлари доктори, профессор Беғали Қосим Қозон шаҳридан топган ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида чоп эттирган).

Қуйидаги жузъий қисқартириш ила мазкур хатнинг табиқилини эътиборингизга ҳавола қиламиз:

Ҳазрати Бобуршоҳ ғозийнинг Ҳиндистондан Қандаҳорга саодатманд Мирзо фарзандига йуллаган хайрли ҳолномаси.

Доно, қадрли ва саодатли фарзанд Муҳаммад Комрон баҳодирга муҳаббатли саломдин сўнгра булким, қондош, жондош ва сирдош амалдорларинг билан бирга сабоқ ўқишга саъи-ҳаракат бошлабсен. Бу важдин кўнглум кўтарилиб, дилим яйради, бисёр қувондим. Тенгри пашшо даргоҳидан умидворменким, жамии қобилият ва салоҳият бобингда баркамол сероб бўлиб, камол топгайсен. Зеро, ҳазрати Хожа Ҳофиздин нақл бўлмиш:

Пирон суҳан зи тажриба гўянду, гуфтамат,

Хон (эй) писар, ки пир шави, панд гўш кун.

Мазмуни: Улуғ одамлар ўз тажрибаларига суяниб гапирадилар. Эй ўғил, ҳар қанча улуғ бўлсанг ҳам, насиҳатимга қулоқ ос.

Воқиф бўлдимким, ҳазрати раҳматлик ва марҳум Султон Ҳусайн Мирзо вафотидан кейин қолган чиғатой эли бул тариқа яшайдурким, алар аксарият Хуросон эли билан бирга юриб, бирга туриб, бисёр қобилият ва лаёқат пайдо қилмишлар, латофатдин холи эрмамишлар.

Турк улусидин отаси қўл очган, онаси тўй бошлаган тартиб интизомли кишилар борким, аларнинг оталари ота-онамизга хизмат қилиб, жон писор айлаб, иссиқ-совуқ, сафар ва ўтроқда бирга бўлиб, бирла лаҳза ҳам ташлаб кетишмаган. Аларнинг хизмати шойиста, панд-насиҳатлари жўяли. Алар орасидан сўраб-суриштириб, даргоҳингга йўл бериб, ўзингга яқин олиб юр, ғофил бўлмагайсен. Ёшлари кичик бўлса, алар билан ҳам кенгашиб, маслаҳатлашиб, аларнинг сўзларига амал қилиб, асло ва мутлақо номатлуб

ишларда иштирок этмагайсен. Мулоҳазакор беклар билан сенга хайрихоҳ бўлган оддий, одамшаванда кишиларким бор, қайсики ёнингга муҳим ишлар юзасидан маслаҳатга келиб турарлар, аларнинг савол-жавобларидан ўзингни тортмагайсен ва кенгашларидан чиқмагайсен. Хушомадгўйлар сўзига алданиб, хайрихоҳлар борким, давлатга муносиб сўзларни эшитиб, кўриб, билиб, ёнингга келиб бетингга (бор гапини қандоқ бўлса шундоқлигича) айтурлар, аларга жаҳлинг чиқмасин. Гарчи аларнинг гапи эшитар қулоққа филҳол [дафъатан] малол келса-да, оқибати хайрли бўлур.

Масал борким, дўст йиғлатур, душман кулдирур. Дўст билан душманни таниб, шундай бир мақомда амал қилгайсенким:

Мисраъ: Жойе гул-гул бош ва жойе хор-хор.

Мазмуни: ўрнига қараб: гулга-гул, тиканга тикан бўл.

Тағин.Қандаҳор лашкари долзарб келади. Ҳар нечук ушоғ [кичик] одамларнинг гапига кириб, алар билан (бировларнинг устига) отланувчи бўлмагайсен. Мабодо зарурат туғилиб, лозим бўлса, ишбилармон, мажлис кўрган, қонун-қоидадан хабардор, тартиб-интизомли хайрихоҳларинга кўнгул ёзиб, яхши гапларни тайинлаб юбор. Элга яхши сўз айтиб, дилхоҳ бўлиб, истеъдодли мукаммал инсонлар билан ҳамдам бўлгайсен. Узоқ-ёвуқдин эшитар қулоққа ва кўрар кўзга яхши.

Тағин, ножинс, зоти паст ўлароқ, ҳар қанча ёқимтой ва қобилиятли бўлсалар, тарбият қилиб, мамлакатни идора этишга имдод бермагайсенким, ҳазрати Шайх Саъдийдин қолган гап бор:

Нокас бо тарбият нашаванд, эй ҳаким, касс

Дар боғ лола рўяд во дар шўра хору хас.

Мазмуни:

Нокас борким, тарбият билан инсон қилиб бўлмас,

Эй ҳаким, бас,

Боғда гул унади шўрхокда хору-хас.

Ҳазрати мавлоно Жомийдин бу қитъа шоён бўлубтур.

Харки нокас бувад дар аслу сиришт

Мунқалиб натавон кардан, эй жигар

Нокасеро агар куни мақлуб,

Қалбе ў ғайре баста кай нашаванд.

Мазмуни:

Хар кимки асли нокас бўлиб яралмиш

Уни тузатиб бўлмайди, жигарим.

Мабодо ўшал нокасни ҳарчанд ўзгартирганда ҳам,

Унинг қалби ўзгармай қолаверади.

Тағин. Мовароуннаҳр эли кўп содда бўлади. Ҳар қанча қобилиятсиз бўлсалар ҳам уларга ишонса бўлар.

Алалхусус, ул фалак доираси зулматининг ёруғ чароғи, ҳаёт бўстонининг

суханвор булбули ҳазрат Хожа Убайдуллоҳким имдод қилмиш эканлар, тоабад бу ишларнинг саромади ул азизларнинг ҳимматидиндир.

(Вактеки) ул сулоланинг мурид ва ҳамроҳлари, подшоҳзода тортиб сенга келсалар, зинҳор иззат-ҳурматларини жойига қўйиб, аларнинг ҳузурида бирон қусурга йўл қўймағайсен (хотирларин ранжида қилмағайсен). Аларким, ишк бобинда бўларлар, севарларнинг итини ҳам севарлар.

Тағин. Ҳиндистон кайфиятини фатҳномада маълум қилурмен. Ҳиндистон подшоҳи Иброҳимким, анинг ўғли қўлга тушибтур. Ани сен жонажон фарзандимга йиборилди. Инчунин, анинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб, ўзинг назорат остида тутгайсен. Вассалом. Ҳусни жамолинг тароватига пайвастамиз. Бошқа гап йўқ. Жоно. Ўзидан ўзга қарам йўқ». («Ғайбуллоҳ -ас-Салом, Сайди Умр. «Толибнома», «Шарқ» нашриёти, 1997 йил, 107-110 бетлар»).

Хат атамаси бир қанча маъноларга эга. Унда аввало, илтимос, топшириқ, маълумот, истак, эътироф, эътироз, таклиф ва ҳақозолар акс этади. Бир идора, муассасалардан бошқасига юбориладиган, “қабул қилинди”, “юборилди” дея қайд этиладиган, амалий ҳужжатлар, расмий хат-хабарлар, корреспонденциялар деб аталади; бир одамнинг бошқа бир бир одамга ёки бир гуруҳнинг бошқа бир гуруҳга йўллаган норасмий мактуби ҳам хат дейилади; “хат” атамаси мақола, такриз, очерк, ҳикоя, қисса, роман каби жанрлар ҳам баъзан “хат” ибораси билан аталган; (А.И. Герценнинг “Табиатни ўрганиш ҳақида хатлар”, М.Е. Салтиков-Шчедриннинг “Ранг-баранг хатлар” асарлари ва ҳақозолар бунинг исботидир. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида СССРнинг раҳбари Л.И. Брежнев хоҳиши ва ташаббуси билан Сибирда Байкал-Амўр магистрали қўрилиши бошлаб юборилган, кейинчалик маълум бўлишича, яхши ўйланмай, пухта ҳисоб-китоб қилинмай бошланган, катта меҳнат, беҳисоб маблағлар сарф этилган ушбу “Аср қўрилиши” ижод аҳлини, даставвал, журналистлар, публицистларни ўзига ром этган, чорлаган эди. Ўша кезларда Собик Иттифок матбуоти улкан қўрилиш ҳақида бот-бот материаллар бериб борар, радио, телевидение унинг таърифи-тавсифидан бўшамас эди, кўп ўтмай бир қанча тезпишар китоб, тўпламлар юзага келди. Нисбатан ёш, романтикага ўч ушбу сатрлар муаллифи (С.Умиров) ҳам олис Сибирга сафар қилган, кўрган-кечирганларим, юзаки таассуротларим асосида “БАМ ҳақида ҳикоя” деган китобча битган эдим. Эсимда, “Совет Ўзбекистони” газетасининг уч сониди “БАМдан хатлар” рукни остида берилган эди.

Хозирги замон матбуотида “хат” сўзи кўп ҳолларда рукн (рубрика) таркибига кирган ҳолда ишлатилади (“Заводдан хатлар”, “Қўрилишдан мактублар”, “Жойлардан хатлар” ва ҳақозо).

Хат публицистикаси бир томондан, ижтимоий-таҳлилий мақоланавислик (корреспонденция, мақола, репортаж, ҳисобот, кўзатиш ва ҳ.к.) билан, иккинчи томондан бадиий публицистика (очерк, фельетон, памфлет, эссе) билан боғлиқдир. “Информацион-аналитик ҳамда бадиий эмоционаллик хусусиятига эга бўлган хат жанрини ҳаёт ҳақида тушунча ва тасаввур ҳосил қилувчи очерк ва фельетон жанрлари билан бирга илмий-назарий тадқиқ этиш, бадиий-публицистик маҳоратнинг ранг-баранг томонларини назарий ҳамда амалий жиҳатдан кенгроқ ўрганиш мақсадини кўзда тутди. Шунингдек, “...бу жанрлар

специфик хусусиятларнинг муфассал текширилиши бошқа публицистик жанрлар назарий муаммоларини ойдинлаштиришга ҳам ёрдам беради”, - деб ёзган эди таниқли назариётчи олим, филология фанлари доктори Очил Тоғаев “Публицистика жанрлари” (1976) китобининг муқаддимасида.

Хатдан хатнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор дегандай, ёрқин, далил ва фикрлар жозибатор, манзарали, бадиий образлар, типик характерлар, ўткир мантикий тушунчалар, образ-тезислар, сержило бўёқлар, ширали тил, равон услуб асосида яратилган хатлар - бадиий-публицистик асарлар ўқувчиларни ўзига ром этади, кучли таассурот, эмоция уйғотади, жамоатчилик фикрини қўзғотади, шакллантиради, ҳаракатга, сафарбарликка чорлайди. Алишер Навоий бобомиз хатни ҳижрондаги шуълага, тириклик белгисига ўхшатиши бежиз эмас. Улуғ шоиримиз бетакрор шеърӣ, насрий обидалар яратиш баробарида, хат жанрида ҳам гўзал, пўрмаъно асарлар битган, мактуб жанри ривож, такомилга салмоқли ҳисса қўшган, ҳазратнинг Самарқанд, Астробод, Ҳирот ва бошқа шаҳарларда яшаб, турли кишиларга ёзган насрий мактублари “Муншаот” номи остида китобат қилингандир. 88 та рукъа (хат) киритилган. “Муншаот”да Навоий ўз даврининг муҳим, ижтимоий масалаларини қаламга олади. Шоирнинг Хусайн Байқаро, Бадиўзамонга, турли амалдорларга йўллаган мактубларида раият тинчлиги, улус осойишталиги, мамлакат ободлиги, маънавият, маърифатга дахлдор долзарб муаммолар олға сўриладики, бу барча халқларнинг йирик сўз санъаткорлари хатларига хос устувор хусусиятдир.

Хатнинг жозибатор хусусияти, оҳанграбосини номдор рус адиби А.И. Герцен айниқса яхши ифодалаган: “Мен хатни ҳамиша аллақандай титроқ, ғамнок, хатто, кўрқувга ўхшаш ҳадиксираш, асабий бир ҳаяжон билан қўлга оламан. Хат қиш бўйи қор тагида қолиб кетган, сўлиган япроқлар сингари ўтган ёз кунининг жазирама иссиғини, салқин кечаларини, эндиликда у мавсум узоқ ўтмиш бўлиб қолганини эслатади. Бу япроқлар дуб дарахтидан шамолда синиб тушган шохча эканини англайсан, аммо энди бу япроқлар бошинг ўзра шовулламайди ва китобларда ёзилгандай вазмин, салобат билан устингдан босиб турмайди” (И.А. Герцен. Собр.соч. в 3-х. Томах. Т. II, М., 1957, стр. 514-515)

Эпистоляр публицистиканинг икки таркибий қисми, икки қаноти мавжуд: халқ публицистикаси ҳамда профессионал публицистика. Бамисоли медицина икки қисмдан: халқ табобати ҳамда профессионал табобатдан иборат бўлгандай. Халқ табобати, халқнинг асрлар давомида йикқан тажрибасидан келиб чиққан бўлиб, турфа касалликлар, ранг-баранг шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дори-дармонлар, аъзойи баданни уқалаш (массаж), игна санчиш, гипноз қилиш ва ҳақозо турли усуллар билан даволанади (Масалан, Тибет табобати). Профессионал медицина эса илм-фан ютуқлари, техника имкониятларига асосланиб, айна чоғда халқ табобатининг энг ишончли усулларига таяниб иш кўради, мўраққаб жарроҳлик операцияларини амалга оширади. Халқ публицистикаси деганда- аҳоли турли қатламлари, турли касб соҳиблари: ишчилар, деҳқонлар, чорвадорлар, зиёлилар, хизматчилар, ўқитувчилар, ўқувчилар, талабалар, шифокорларнинг оммавий ахборот

воситаларида: матбуот, радио, телевидениеда фаол иштирок этишлари, жамоатчилик фикрини шакллантириш, омма онгига таъсир этишга салмоқли ҳисса кўшиши кўзда тутилади.

Профессионал публицистика - олимлар, адиблар, публицистлар, санъаткорлар, бир сўз-ибора билан айтганда, иқтидорли, тажрибали ижодкорлар фаолияти, асарлари демакдир. Ҳар икки соҳа бир-бирини бойитиб, тўлдириб, озиқлантириб туради, оммавий ахборот воситаларининг ривожини, публицистиканинг ўсиши учун иккаласи ҳам бирдек керак, зарур.

Профессионал публицистика, ўзбекча ибора билан айтганда, касбий мақоланавислик узок ва бой тарихга, азалий анъаналарга эга бўлса, халқ публицистикасининг шаклланиши, ривожини матбуотнинг пайдо бўлиши, тараққиёти, кейинчалик радио, телевидение, ҳужжатли киноқ электрон техниканинг гуриллаб кириб келиши, инқилобий бўрилишлар ясаши, сифат ўзгаришларга олиб келиши билан боғлиқ.

Ўзбек касбий хат, публицистикасининг мақоланавислиги, юқорида айтилганидек, узок тарихга, бой анъаналарга эга бўлса, халқ публицистикасининг юзага келиши, ривожини, матбуотнинг кириб келиши билан боғлиқ. Тарих тақозасига кўра, Туркистонга матбуот, аввало, рус матбуоти, бошқа айрим халқлар (масалан, турк, татар матбуоти) орқали кириб келди, маҳаллий шарт-шароит, миллий менталитет таъсирида тараққий этди, томир отди. 1870 йилдан Тошкентда “Туркестанские ведомости”, “Туркистон вилоятининг газети” рус, ўзбек, қозоқ тилларида чиқа бошлаши ўлкада матбуотнинг юзага келиши, ранг-баранг жанрларнинг тараққий этишида муайян роль ўйнади. Гарчанд “Туркистон вилоятининг газети”нинг асосий мақсади ўлкада чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини қўллаб-қувватлаш бўлсада, унинг саҳифаларида ўзбек зиёлилари ўзларининг турли мавзу ва жанрларда битган хат-хабарлари, мақолалари билан вақти-вақти билан қатнашиб турдилар. Масалан, шоир Фурқатнинг бир қатор шеърлари, хат ва мақолалари «Туркистон вилоятининг газети»да босилган. Фурқат ўз шеърларида рус тили маданиятини керагидан ортиқ даражада улуғлаши, гимназия, виставка, роял, театр ҳақидаги маҳобатли назмлари, рус аскарларини, таниқли саркарда Суворовни баланд пардаларда таъриф-тавсиф этиши фикримиз далилидир. Фурқат хат жанрида ижод қилган, бу жанр ривожига муайян ҳисса қўшган. «Бир ҳўқандлик толибул илмнинг хати» «Туркистон вилоятининг газети», (1820 ил 11 апрел) да шоир Тошкентда рус гимназиясини кўриб олган таассуротларини баён қилган бўлса, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа хорижий юртлардан юборган хатларида (масалан, «Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти, ўзи ёзғони», «Самарқанд шаҳрида тургувчи ҳурматли Мирзо Бухорийнинг хабарлари», «Фурқатнинг Истанбулдан ёзгон мактуби», «Фурқат шоирнинг газет муаллифига юборғон мактуби»ни ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин) у ерда кўрган билганларини баён этади, халқни илм, маърифатга даъват этади. Матбуотда кўп қатнашгани боис Фурқат «биринчи ўзбек журналисти» деб аталгани бежиз эмас.

Филология фанлари доктори Ш.Юсупов «Фурқат йўлларида» (1989) китобида шоирнинг хатлари, уларнинг мавзу йўналиши, услубии хусусиятлари

ҳақида қизиқарли маълумотлар келтиради, мароқли таҳлиллар беради:

А.Авлоний, Зиё Саид, мулла Олим Тошкандий, Н.Каримов, Н.Абдуазизова, О.Шарафутдинов, С.Қосимов, Б.Қосимов, А.Абдуғафуров, Х.Болтабоев, А.Алиев, А.Жалолов, Х.Ўзганбоев, Б. Дўскораев, Т.Пидаев, Д.Рашидова, М.Худойкулов, А.Каттабеков ва бошқа олимларнинг мақолаларида ўзбек матбуотида хат жанри тарихи, тараққиёти, хусусиятлари ҳақида қимматли маълумотлар беради.

XX аср бошларида Туркистон худудида нашр этилган газета ва журналларда хат жанрида ҳам бир қатор материаллар эълон қилиндики, юқорида номлари зикр этилган тадқиқотчиларнинг асарларида бу ҳақда ҳам муҳим фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Публицистика жанрлари тезкорлиги, ҳозиржавоблиги, даврнинг долзарб воқеаларига «лаббай» деб жавоб бериши маълум. Шу хусусият, фазилат хат жанрига ҳам тўлиқ дахлдордир. Масалан, Ватан уруши йилларида хат халқ энг кўп мурожаат этадиган жанрлардан бирига айланди. «Ўзбек халқининг жангчиларига уларнинг эл-юртларидан мактуб»и (1942), фронтда жанг қилаётган ўзбек ўғлонларининг жавоб мактуби эҳтирослилиги, самимийлиги билан кучли таъсир уйғотди. Уруш йиллари жанг қилган аскарларининг, қариндош - уруғларининг хатларидан бир қисми «Фронтдан хатлар» (1965) номи билан нашр этилди.

Хат публицистикасида «Очиқ хат» алоҳида муҳим роль уйнайди. Очиқ хат атамаси матбуот орқали жамоачиликка мурожаат қилиш воситаси сифатида дастлаб XIX асрнинг ўрталарида немис матбуотида пайдо бўлган.

Очиқ хат таркиби уч асосий қисмдан иборат: а) муаллиф шахсияти; б) вазият таҳлили; в) адресат шахсияти.

Очиқ хатда муаллиф шахсияти алоҳида ўрин, аҳамият касб этади. Очиқ хатда кўпчилик нуқтаи назаридан туриб халқ, омма манфаатига оид муаммолар талқин қилинади. Очиқ хатни одатда бир киши (айрим ҳолатларда бир гуруҳ) ёзади, лекин унда кўпчиликни қизиқтирадиган, оммани тўлқинлантирадиган ижтимоий муаммолар тилга олинади. Очиқ хатнинг кенг тарқалган тури ёзувчи хатидир. Ёзувчи хати бадиий публицистиканинг етук жанри ҳисобланади. «Гоголга хат» (В.Г.Белинский), «Жим туролмайман!» (Л.Н.Толстой), «Статс советниги Филоновга очиқ хат» (В.Г. Короленко), «Маданият арбоблари, сизлар ким билан» (М. Горький), «Америкалик нотаниш дўстга» (Л.Леонов), «Ҳамқишлоқларга мактуб» (Ч.Айтматов), «Дуои салом муштоқона» (Ғ.Ғулом) - очиқ хатнинг ўткир, пишиқ намуналаридандир. Таниқли адиб Л.Леоновнинг «Америкалик нотаниш дўстга» (1942) мактубида гитлерчиларга қаҳр-ғазабнинг алангаси шундай кучлики, унинг иссиғига пўлат эритиш мумкин, дейди.

Европада иккинчи фронт очилиши кечиктирилаётганидан безовта бўлган адиб америкаликларни фашизм вабосига қарши бирга кураш олиб боришга даъват этади: «Бизлар бегона кишилар эмасмиз, Волга, Темза, Миссисипи дарёларининг томчилари бир-бирига қардошдир. Бу томчилар осмонда бир-бирларига қўшиладилар. Сен ким бўлишингдан қатъий назар - врачми, инжинерми, олимми ёки мендай адабиётчими, биз тараққиётнинг

кудратли ғилдирагини биргаликда айлантирамиз». (Л.Леонов.Литература и время.М., 1967, 106-б.). 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йорк ва Вашингтондаги мудҳиш кўпоришдан ларзага тушган, беихтиёр кўлига қалам олган дунёнинг турли мамлакатлари арбоблари, олимлари, адиблари мактублари ҳам шундай ларзали ва таъсирли эди.

Хат композицияси эркин бўлгани боис, муаллиф тасвир, баёнда ўзини бир қадар бемалол, эмин-эркин тутати. Бу ҳақда А.И.Герцен образли қилиб жуда яхши айтган: «Хатнинг шакли ранг-баранг, хат кенгу мўл тикилган аёллар кўйлагидек боғичсиз, эркин бўлиб, ҳеч қаери қисмайди». Тадқиқотчи О.Тораев хатнинг композицияси маълум йўналиш нуқтасига эга бўлиб, унинг марказини ифодаланмоқчи бўлган бош ғоя ташкил этишини таъкидлаб, «гўё спортчи белгиланган мусобақа майдони бўйлаб ҳаракат қилгани каби хат бош ғоявий мақсад – композицион марказ аниқ белгилангандан кейин муаллиф ўз фикр-туйғуларини шу йўналиш асосида эркин баён қилишни таъкидлайди. Тадқиқотчи фикрича, муаллиф фикри 1) «гоҳ алангали публицистик нутқ, 2) гоҳ мурожаат, 3) гоҳ адресат билан мунозара, 4) гоҳ конкрет манзаралар чизиш, 5) гоҳ деталлардан фойдаланиш, 6) гоҳ лирик чекинишлар, 7) гоҳ ҳажвий воситалар шаклида ифодаланади. Булар хатда композицион бўлаклар ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси бир хат доирасида учрамаслиги мумкин.Лекин журналистнинг бу воситалардан фойдаланиши хатнинг публицистик қувватини оширади» (О.Тоғаев.Публицистика жанрлари, Т., 1976, 51-бет).

Хат публицистнинг мушакларини пиштади. ҳаётда, матбуотда хатга тез-тез мурожаат этиб туриш ёш қаламкашлар, бўлғуси журналистлар учун жуда керак. Афсуски, телефон, факс, электрон почта кундалик ҳаётга жадал кириб бораётган ҳозирги замонда ёшлар хат жанрига камдан- кам мурожаат этадилар ва кўп нарсга йўқотадилар.

Хат - асар ғояси, муаллиф ниятини амалга оширишда катта имкониятлар яратадиган муҳим бадиий-публицистик жанрдир.

12-март. Хат ва унинг турлари

Режа:

1. Ижтимоий ҳаётда хатнинг тутган ўрни ва аҳамияти.
2. Хатнинг асосий хусусиятлари.
3. Хатнинг субъектив характерга эга эканлиги.
4. Хат турлари.

Таянч сўз ва иборалар: *эпистоляр публицистика, “Нома”, мактуб, хатда муаллиф “мен”и, очиқ хат, мурожаатнома, адабий-бадий хатлар.*

Публицистиканинг ўзига хос жанри – мактубдир. «Мактуб» сўзи арабча бўлиб, бирор одамдан иккинчи одамга ёзма шаклда йўлланган матн, маълум маълумотларни ўз ичига олган ёзувни англатади. Бу сўз нома деб ҳам юритилади.

Мактуб инсониятнинг илк ихтироларидан бири бўлиб, ёзув пайдо бўлгандан сўнг одамлараро алоқанинг асосий тури бўлиб хизмат қилган ва қилиб келмоқда. Хат алоқа воситаси сифатида почта орқали, ҳамда телеграф, факс, интернет сингари электрон алоқалар орқали жўнатилади ва қабул қилиб олинади. Бундай хатларни шахсий хатлар дейилади. Жамият учун у ёки бу даражада қизиқиш уйғотадиган, аҳамиятга эга бўлган хатлар эса ижтимоий аҳамиятга эга хатлар сифатида қадрланади. Бундай хатлар ёзма адабиёт, матбуот орқали кўпчиликка — оммага етказилади. Жамиятнинг у ёки бу соҳадаги факт, воқеа ва ҳодисаларни акс эттирган, жамоатчилик фикрига бирон-бир янгилик берувчи, фикр уйғотувчи бундай хатлар шунингдек публицистика билан, матбуот билан ҳам боғлиқдир. Яъни бирор шахс матбуот воситасида ўз мактуби орқали ҳаётдаги бирон-бир факт, воқеа, ҳодиса ҳақида хабар беради, уларга нисбатан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради ёки бирон-бир масала юзасидан ёрдам сўрайди, шикоят қилади ва ҳоказо. Бинобарин хат шахсни жамият билан ва ўз навбатида жамиятни шахс билан боғловчи муҳим воситадир.

Хат публицистиканинг алоҳида жанридир, унда ҳам информацион, ҳам таҳлилий, ҳам бадий-публицистик хусусиятларни кўриш мумкин. Публицистиканинг информация жанрига тўғри келадиган хатда эса корреспонденция хусусияти бўлиб, уларда бир неча факт, воқеа ҳодиса ҳақида сўз бориши, фикр юритилиши мумкин. Матбуотга йўлланиладиган аксарият хатлар мақола тарзида бўлиб, уларда ҳаётдан олинган бирор бир мавзу, тугалланган фикр ўз ифодасини топади. Бошқа бир хатларда эса ижтимоий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган масалалар кўтарилиб, кўпчиликнинг муҳокамасига ташланади. Бундай хатлар «Очиқ хат», «Мурожаатнома» деб аталади. Шунингдек, айрим хатлар ўзига хос адабий-бадий услубга эга бўлади. Бундай хатлар-бадий публицистикага тааллуқли бўлади. Яъни хатлар ўзида жамият ҳаётини қанчалик ва қай тарзда ёритишига қараб оддийдан мураккабликка томон ўсиб боради ва инсоннинг ташқи – ижтимоий оламдан хабардор бўлиши, уни чуқурроқ англашида у ёки бу даражада хизмат қилади. Бинобарин, хатлар ўз хусусиятларига қараб қуйидагича таснифланади:

1. Мухарриятларга келадиган хатлар.
2. «Очиқ хат»лар.
3. Адабий-бадий хатлар.

Мухарриятга келган кундалик хатлар мазкур жанрнинг энг оддий кўриниши бўлиб, уларда шу куннинг энг муҳим масалалари акс этади. Кишилар мухарририятларга йўллайдиган хатларида ўзларини қизиқтирган у ёки бу факт, ҳодиса ҳақида хабар берадилар ёки бирон-бир масала юзасидан фикр билдирадилар, ҳаётда учрайдиган айрим камчилик, ноҳақлик кўринишларидан шикоят қиладилар ва ҳоказо. Мухарририятларга келадиган кундалик хатларнинг мавзу доираси жуда кенг бўлиб, уларда шу кунги ҳаётнинг муҳим томонлари акс этади. Бундай хатлар одатда икки хил – ижобий ёки танқидий тусда бўлади. Ижобий хатларда ҳаётдаги факт, воқеа, ҳодисалар маъқулланиб, қўллаб-қувватланса, танқидий хатларда ҳаётда учрайдиган камчиликлар, ноҳақликлар ва бошқа иллатларга танқидий муносабат билдирилади, фош этилади. Бундай хатларнинг аксариятини шикоят хатлари ташкил этади.

Мухарририятларга келадиган бундай кундалик хатлар «Бизга ёзадилар», «Газетхонлар почтасидан», «Мухарририятга хатлар», «Ўқувчи бонг уради», «Номалар, хангомалар», «Газетхонлар тилидан», «Таклиф ва мулоҳазалар» каби рукнлар остида бериб борилиши мумкин. Мухарририятларга келган хатлар ўз хусусияти жиҳатидан умумий ва бирор мавзуга доир бўлиши мумкин ва улар шу нуктаи назардан махсус рукнлар остида бериб борилади.

Шунингдек, кундалик хатларнинг маълум бир қисми – сўров хатлари ҳам бўлиши мумкин. Бундай хатларда газетхонлар ўзларини қизиқтирган у ёки бу масалалар ҳақида тушунтириш беришни сўрайдилар. Бундай хатлар «Сўранг, жавоб берамиз», сингари рукнлар остида бериб борилиши мумкин.

Айрим хатлар эса матбуот нашрларида босилган баъзи бир материаллар ёки расмий хужжатлар-қонунлар муҳокамасига доир ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазалари, отклик-жавоблари бўлиши мумкин. Бундай хатлар «Газетхон фикр билдиради», «Акс-садо», «Таклифлар ва мулоҳазалар» каби рукнлар остида бўлиши мумкин.

Мухарририятга келган айрим хатлар асосида шарҳлар, муаммоли мақолалар тайёрланиши мумкин. Бундай хатлар асосида тайёрланган мақолалар «Бир хат изидан», «Мактуб йўлга чорлади», «Газетхон мулоҳазаларига жавоб» каби рукнлар остида босилади. Баъзи бир хатлар эса журналистик суриштирув учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шуни айтиш керакки, мухарририятга келган хатларнинг ҳаммаси ҳам босиб чиқарилмайди, балки уларнинг шу кун учун муҳим, долзарб масалалар кўтарилганларигина танлаб олинади, қолганлари эса ё жавоб ёзилади, ёки текшириб чора кўриш учун тегишли ташкилотларга жўнатилади.

Умуман олганда мухарририятга келувчи кундалик хатлар мавзу жиҳатдан хилма-хил бўлиши, уларда ҳаёт нафаси бевосита уфуриб туриши билан қимматлидир. Уларга эътибор бириш, кадрига етиш, фойдаланиш ҳар бир матбуот нашрининг жонли, халқчил, таъсирчан бўлиши, ўз функцияларини тўла адо этишида ёрдам беради.

Хатнинг ижтимоий жиҳатдан салмоқли, муҳим кўриниши – «Очиқ хат», «Мурожаатнома»лардир. Очиқ хат - ҳаётдаги бирон-бир муҳим ижтимоий, иқтисодий, маданий-маънавий масала, муаммо ҳақида бирор шахс, ёки бир гуруҳ кишиларнинг фикри, қарашлари асосида ёзилган публицистик материалдир. Бундай хатда шу кун, айни замон учун жуда муҳим бирор масала, муаммо кўтариб чиқилади ва кўпчиликка етказиш орқали жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинади. Бундай хатлар ўткир публицистик руҳга, жонли таъсир кучига эга бўлиши лозим. Очиқ хатда ижтимоий аҳамиятлилиқ алоҳида ўрин тутди, у шу хусусияти билан оддий хатдан фарқ қилади.

Очиқ хатнинг ўзига хос кўриниши «Мурожаатнома» шаклида бўлади. Бундай хатлар расмий характерга эга бўлиши ҳам бўлиши мумкин. Масалан, давлат раҳбарининг маълум бир анжуман қатнашчиларига ёки меҳнатда катта ютуқларга эришган вилоят, туман ёки бирор корхона жамоасига йўллаган мактуби, табриги, ёки бирор анжуман қатнашчиларининг давлат раҳбарига йўллаган мактубларини олиш мумкин. Бундай табрик ва мурожаатномаларда ҳам муҳим ижтимоий масалалар ўз ифодасини топади. Айрим очиқ хатларда у ёки бу мавзудаги ижтимоий масалалар, муаллифнинг кўпчиликка айтмоқчи бўлган фикри ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, журналист Т.Акбаровнинг «Хуррият» газетасининг 2000 йил 9–сонида «Раддияга раддия» рукни остида босилган «Миш–миш остидаги ҳақиқат» сарлавҳаси остида ва Фарғона вилояти прокуратураси ташқи иқтисодий фаолиятда коррупция, талон–тарож ва бошқа суиистеъмолларга қарши кураш бўлимининг бошлиғи Эркин ғафуровга йўллаган очиқ хати бунга мисол бўла олади. Журналист бу асарида мазкур идора фаолиятидаги қатор камчиликлар ва унинг юқорида номи тилга олинган ходимининг феъл–атворидаги расмиятчилик, манманлик каби қусурларни очиб ташлайди. Газетанинг 2000 йил, 41–сонида «Очиқ хат» рукни остида босилган «Бировнинг бурнини қонатмадим» сарлавҳали материалда эса унинг муаллифи – журналист М.Абдураимов газетанинг олдинги сонларида босилган ва унинг фаолиятидаги нуқсонлар фош этилган «Ўғри эмас, мухбир урди» сарлавҳали танқидий мақоланинг муаллифи журналист Б.Олломуродовга мурожаат этади ва ўзини оқлаш учун қатор далиллар келтиради. Мазкур газетанинг шу йил 50–сонида газетхон Б. Илёс ал-Аминнинг «Мақсад эзгулик бўлса...» сарлавҳали ва журналист Ш.Жабборовга йўлланган очиқ хати босилган. «Муносабат» рукни остида берилган бу материалда газетхон Ш.Жабборовнинг газетанинг бундан олдинги сонларидан бирида босилган «Ор-номуснинг таржимаси борми?» деган мақоласига ўз муносабатини билдиради ва муаллифга қатор ўринли эътирозлар билдиради. Кўриниб турибдики, очиқ хат жанри ҳаётдаги айрим масала ва муаммоларни кўтариб чиқишда ва уларга жамоатчилик фикрини уйғотишда муҳим рол ўйнайди.

Хатнинг матбуотда ва ёзма адабиётда кенг ўрин олувчи муҳим кўринишларидан бири адабий-бадий хатлар, ёки эпистоляр публицистикадир. «Эпистоляр» сўзи латинча «epistola» – «хат, юборилган маълумот» деган маънони билдиради. Бу жанр адабий-бадий ёки публицистик асарнинг хат, мактуб тарзида ифода этилишидир. Яъни, машҳур ёзувчилар, адиблар, мунаққидлар ўзларининг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фикр-

туйғулари, мулоҳаза ва фикрларини хат шаклида ёзиб оммага етказганлар. Жаҳон адабиёти ва ижтимоий фикри тарихида бундай асарлар кўплаб яратилган. Масалан, ўрта асрларнинг буюк мутафаккир шоири Алишер Навоийнинг «Муншаот» асари, Фурқатнинг чет элдан туриб «Туркистон вилоятининг газети» идорасига юборган хатлари ва дўстларига йўллаган шеърӣ мактублари, буюк рус танқидчиси В.Г.Белинскийнинг «Гоголга хат» мақоласи, буюк рус адиби Л.Н.Толстойнинг «Жим туролмайман» деб номланувчи очик хати ва бошқалар бунга мисол бўла олади. Мазкур хат-асарлар муаллифлари ўз замонасининг ўта муҳим ижтимоий-сиёсий, ижодий-маънавий муаммоларини кўтариб чиққан эдилар. Бундай асарларда одатда ҳаёт воқеаларини таҳлил этишда маънавий талабчанлик, танқидий руҳ устун туради. Бу хилдаги айрим асарлар ҳажвий услубда ҳам ёзилиши мумкин. Масалан атоқли адиб А. қодирийнинг «Московдан хатлар» деб аталувчи туркум хатлари ҳажвий асар бўлиб, уларда ҳаётда учрайдиган турли ижтимоий-маънавий иллатлар ҳажвий танқид остига олинган эди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2004 йил, 14–май сониди таниқли адабиётшунос, Ўзбекистон қаҳрамони О.Шарафуддиновнинг «Фикр эркинлиги – зарур эҳтиёж» сарлавҳаси остида адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулга йўллаган очик хати эълон қилинган. Унда муаллиф И.Ҳаққулнинг «Тафаккур» журналида эълон қилинган «Абдулла қаҳҳорнинг жасорати» мақоласига ўз муносабатини билдиради. Одатда бу хилдаги очик хатларнинг аксарияти танқидий руҳда бўлиши одат тусига кирган, аммо мазкур мақола таниқли адабиётшунос олимнинг ёш тадқиқотчининг асарига берган ижобий баҳоси билан характерлидир. О.Шарафуддинов И.Ҳаққулнинг ўзининг юқоридаги мақоласида Абдулла қаҳҳор ижодининг янги қирралари, унинг ижодий руҳига хос бўлган янги томонларни топганлиги билан табриклайди ва унинг мақоласи истиқлол даври адабиётшунослиги учун, янги илмий тафаккурнинг пайдо бўлишида муҳим аҳамиятга молик илмий жасорат эканлигини таъкидлайди. Газетанинг 2005 йил 22-март сониди эса журналист Ашурали Жўраевнинг Озод Шарафуддиновга очик хати эълон қилинган. Мазкур публицистик асар ҳам ижобий характерга эга бўлиб, унда олимнинг «Тафаккур» журналида босилган «Экология ва маданият» сарлавҳали мақоласига ўз муносабатини билдиради ва уни маъқуллайди.

Хат жанрида ёзиладиган матбуот асарлари ўз ички хусусиятлари, тузилиши, шаклий жиҳатлари билан хилма-хилдир. Муҳарририятларга юбориладиган оддий хатларда кундалик ҳаётда учрайдиган фактлар, воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги шахсий фикр ва мулоҳазалар, мақсадлар акс этганлигидан оддийроқ услубда ёзилади. Муҳарририятларда бундай хатлардан фойдаланишда муаллифларнинг фикр ва мақсадларини, йўналишини сақлаб қолган ҳолда услубий жиҳатдан таҳрир этилиши мумкин.

«Халқ сўзи» газетасининг 2005 10 август сониди газета таҳририятига келган хатларга бағишланган махсус саҳифа чоп этилган. Унда газета ўқувчиларининг таҳририятга ёзган турли мавзулардаги хат ва шикоятларидан намуналар келтирилган. Жумладан, Наманган шаҳридаги собиқ «Чорсу» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти кузатув кенгаши раиси С.Бобоева ўзининг

«Кимнинг гапига ишонамиз?» деб номланган хатида ўзи ишлайдиган корхонасининг ноҳақ равишда ёпиб қўйилганлиги ва жойлардаги расмийчилик ҳолларини батафсил маълум қилади ва таҳририятдан ёрдам сўрайди. Жиззах вилоятининг Мирзаобод туманидан бир гуруҳ газетхонлар номидан келган хатда эса тумандаги кишлоқларда ичимлик сувининг йўқлигидан шикоят қилинади.

Шунингдек, газеталарда муҳарририятга келган хатларни умумлаштириб, умумий ёки мавзуга доир обзорлар ҳам бериб борилади. Мақола тарзида ёзилган хатларда эса мантикий таҳлил, зарур ижтимоий, илмий, бадиий мушоҳада ўрин олиши лозим. Бундай материалларда ҳис-туйғу, таъсирчанлик уйғотувчи тасвирий воситалар ҳам ўз ўринда ишлатилиши мумкин. Бунда муаллифнинг маҳорати асосий ўрин тутати.

Журналист Аликул Хонимкуловнинг «Халқ сўзи» газетасининг 2005 йил 10 март сонидан босилган «Тарбиясиз тарбиячи» деб номланган мақоласи ана шу услубда ёзилган. Унда Жиззах вилояти Ховос туманидаги 7-ўрта мактабнинг директори Абдурасул Бойболаевнинг тарбиячига номуносиб хатти-ҳаракатлари танқид остига олинади. Мазкур мактаб директори ўз қўл остидагилар билан жуда қўпол муносабатда бўлади, уларни менсимайди, ҳақорат қилади. Шу билан бирликда у мактаб ўқувчиларига нисбатан ҳам ноинсоний – бераҳмларча муносабатда бўлади. Бойболаев қишнинг қор ёғиб турган, совуқ куни тонгида саксон учта ўқувчини «маърузага кеч қолдинглар» баҳонаси билан мактаб ҳовлисида бир соатдан ортиқ турғазиб қўяди, ўзи эса бу аянчли воқеани иш хонасининг деразасидан бемалол томоша қилиб туради. Журналист бу воқеани баён этишда унинг «қаҳрамон»ига бевосита мурожаат, яъни очиқ хат шаклини қўллайди:

«Абдурасул ака, бу болалар ҳақида, бу манзара ҳақида биров кейинроқ гаплашсак. Сиз билан, аввало, қалб ҳақида, инсоннинг меҳри ҳақида, аниқроғи ўқитувчининг ўз ўқувчиларига бўлган қалб ҳарорати тўғрисида гурунг қилсак, дейман»,– деб бошлайди ўз мақола-хатини А.Хонимкулов. Сўнг у ҳақиқий ўқитувчининг қандай инсоний сифатларга эга бўлиши зарурлигини, «юрса ҳам, турса ҳам, ҳатто тушларида ҳам мактабни, ўқувчиларини кўрадиган» кишигина ҳақиқий ўқитувчи, тарбиячи деб аталиши мумкинлигини айтади ва мактаб директорининг ўзининг кундалик фаолиятидаги такаббурлиги, қўполлиги билан жамоанинг кўнглини «зада» қилиб қўйганлигини аниқ мисоллар, Бойболаевнинг қўл остида ишлайдиган мактаб ўқитувчиларининг гувоҳликлари билан келтириб ўтади. Мақола сўнгида эса ўша машъум фактга – ўқувчиларни бекордан-бекорга, бераҳмларча совуққа қотирилганлиги масаласига ўтади:

«Мактаб ҳовлисида бир соат турғизиб қўйилган болаларга қайтайлик. Сиз билан ана шу болалар тўғрисида фикрлашиб кўрайлик.

Саксон уч нафар кичкинтойлар орасида сизнинг фарзандингиз йўқ эди. Феврал эди. қишнинг авжи эди. Ер муз эди. Осмондан эса бетиним қор ёғарди. Ана шу болаларнинг баъзилари кийган ботинка ва туфлиларининг тагчарми юпқа эди. Баъзиларининг эгни юпқароқ эди. Сиз эса ташқарида турган ўқувчиларни мактабнинг биринчи қавати деразасидан бамайлихотир кузатиб турардингиз.

Домлажон, бу болакайлар машғулотлар соат саккиздан бошланганлиги туфайли беш-ўн минут маърузага кечикиб келишган эди. Ҳолбуки машғулотларни қиш фаслини ҳисобга олиб ярим соат, бир соат кечроқ бошланиши иложи ҳам бор эди. Демак, оддий тадбирийдан меҳр ўрнига шунчалик жазо қўлланиши шартми, бу ҳақда гапирмай қўяқолайлик.

Фақат... Фақат мактабнинг биринчи қавати деразаси ортидан совуқдан дилдираётган болаларга тикилиб турган лаҳзаларда юрагингизда ўша пайтда қандай туйғулар, қандай ўйлар ўтганлигини билишни истардим. Наҳотки шундай пайтда, ўша лаҳзаларда юрагингизда бамайлихотирлик, ўз ишингиздан қониқиш ҳислари кезган бўлса?»

Журналистнинг бу ўткир публицистик руҳни усталик билан нозик равишда ифода этган материали мўлжалга бориб тегиши аниқ. Газетанинг кейинги сонларидан бирида вилоят ҳуқуқ-тартиб идораларидан келган жавоб хатида мазкур мақола «қаҳрамон»и тарбиячилик қонун-қоидаларини қўпол равишда бузиб ўз вазифасини суиистеъмол қилганлиги учун у мактаб директорлигидан четлатилганлиги ва унинг устидан жиноий иш қўзғатилганлиги ҳақида хабар қилинади. Бундан кўриниб турибдики, «Очиқ хат», «Мурожаатнома» каби кўринишлардаги хатларда асосий эътибор фикрлар яхлитлиги, лўндалиги, ифоданинг тушунарли ва таъсирчан бўлишига қаратилади.

Эпистоляр ёки ёзувчи публицистикасига эса бадиий-публицистик асарга қўйиладиган юксак ижодий-ифодавий талаблар қўйилади. Бундай асарлар ҳам ижтимоий-ғоявий жиҳатдан, ҳам бадиий-тасвирий жиҳатдан юқори даражада бўлиши лозим. Бунда хат муаллифининг дунёқараши, бадиий маҳорати асосий роль ўйнайди.

Хат жанри оммавий ахборот воситаларининг деярли барча кўринишларидан кенг ўрин олиб келади. Жумладан, муҳарририятларга юбориладиган кундалик хатлар ва газета ва журналлар билан бир қаторда радио, телевидениеда ҳам эълон этиб борилади. Расмий мақомга эга бўлган табрик мактублари, муҳим мурожаатномалар ҳам барча оммавий ахборот воситаларига тегишлидир. Эпистоляр публицистика, ёзувчи хатига оид адабий-бадиий асарлар асосан адабий-бадиий нашрларда чоп этилади ва айрим ҳолларда радио ва телевидениеда ҳам берилади.

Умуман олганда хат жанри публицистиканинг кенг кўламли ва серқирра жанрларидан бири бўлиб, инсоннинг ижтимоий олами идрок этишида катта хизмат қилади. Мустақил Ўзбекистоннинг газета, журнал, радио ва телевидениясида мазкур жанр ўзининг муносиб ифодасини топиб келмоқда.

13-март. Фельетон жанрининг ўзига хос хусусиятлари

Режа:

1. Фельетон жанрининг асосий хусусиятлари.
2. Фельетон ёзиш ва унга қўйиладиган талаблар.
3. Фельетонда бадиий воситалардан фойдаланиш.

Таянч сўз ва иборалар: *сатира, юмор, ҳажв, кулги, характер, мароқли сюжет.*

Фельетон, памфлет, масал, эпиграмма, пародия ҳақида гапиришдан олдин ҳажв, юмор, кулги, уларнинг табиати, ўзига хос хусусиятлари хусусида фикр юритиш жоиз. Негаки, санаб ўтилган бадиий-публицистик жанрлар ҳажв, кулги асосига қурилгандир.

Ўткир аччиқ кулги, ҳажв, енгил, «чучук» кулги юмор саналади. Айрим асарларда ҳажв устун бўлса, баъзиларида юмор палласи босиб кетади, ҳажв, юмордан бирдек унумли ва ўринли фойдаланилган асарлар ҳам анчагина.

Ғарбда ҳажв «сатира» номи билан юритилади. «Сатира» сўзи бир неча маънони билдиради: баъзилари «сатира» - грекча сўз бўлиб, кичик худо - сатир (satyuros) номидан келиб чиққан дейишса, бошқалар фикрича, унинг ибтидоси латинча сўзга тақалган бўлиб «аралаш-қуралаш, икир-чикир, омихта таом» маъноларига бориб тақалар экан. Қадимий рим адабиётида сатира (satura) танқид қилувчи, фош этувчи асарларга нисбатан қўлланган экан. Сатирик роман, қиссалар (Сервантес «Дон Кихот». Гогол. «Ўлик жонлар», Неъмат Аминов «Ёлғончи фаришталар» ва ҳ.к.), сатирик пьесалар (Гогол. «Ревизор», А.Корнейчук, «Фронт», А.Қаҳҳор «Тобутдан товуш» ва ҳ.к.) анчагина, сатирик ҳикоя, фельетон памфлетлари сони жуда кўп.

Юмористик асарларга А.Чехов, М.Зощенко, А.Қаҳҳор ҳикоялари, Бернард Шоу, Саид Аҳмад, А.Арканов, М.Задорнов ҳазил-мутуйибалари, Козьма Прутков, Насриддин Афанди латифалари, аскиялар мисол бўла олади. Эзоп, Эразм Роттердамский, Крылов, Гулҳаний, С.Михалков, М.Ҳудойқулов масаллари, А.Архангельский, Кроткий, А.Раскин, У Саидов, А.Обрўев эпиграмма ва пародиялари ҳажв ва юмор унсурларида мавжуд.

Адабиёт, публицистиканинг асосий қуроли - сўздир. Сатирик, юморист асарлар, асосан, кулги, юмор асосига қурилади. Ҳажв, кулгини юзага келтирадиган нарсалар сўздир. Демак - сатира, юморнинг бош қуроли - сўз.

Кулги ҳақида ўқувчилар ҳажв усталари кўп фикрлар билдиришган. «Ревизор», «Ўлик жонлар», каби машҳур ҳажвий асарлар муаллифи, буюк рус адиби Гогол айтган ушбу гап, айниқса, диққатга сазовордир: «Кулги шундайин зўр нарсаси, ҳатто ҳеч нарсадан қўрқмайдиган одам ҳам кулгидан қўрқади». Кулгининг турлари, оҳанглари кўп: ҳажв, мазах, масхара, кесатиш, чандиш, қаҳқаҳа, истехзо, қочирим, табассум, латифа, аския муболаға, кичрайтириш, жонлантириш, ўшатиш, кўчим, аллегория... Ҳажвий, юморист асарларда, мавзу, муаммо тақозосига кўра, кулгининг ана шу турлари оҳанглиридан фойдаланилади».

Сатиранинг вазифаси нимадан иборат? Сатира, юмор ҳаётда учрайдиган, тараққиётга тўсиқ бўлаётган камчилик, иллатларни кўрсатиш, очиб ташлаш,

фош этишдан иборат, токи бундай нуқсон, қусурлар, нохуш ҳолатлар барҳам топсин, йўлимизга ғов бўлмасин.

Бадий, публицистика асарларнинг ҳаммаси, ҳар бири, энг аввал, ижтимоий идеални тасдиқлашга хизмат қилади. Таниқли адабиётшунос, академик М.Қўшжонов «Хаёт ва маҳорат» китобида (Тошкент, 1962 йил) ва бошқа китоб, тадқиқотларида тасдиқлашнинг икки хил йўли ҳақида ёзади: тасдиқлаш йўли билан тасдиқлаш, яъни бевосита тасдиқлаш ва инкор этиш йўли билан тасдиқлаш, яъни билвосита тасдиқлаш. Олим Ойбек асарларини бевосита (тасдиқлаш орқали) тасдиқлашга, А.Қаҳҳор асарларини билвосита (инкор этиш орқали) тасдиқлашга киритади. Сатирик ва юмористик турган гапки, инкор этиш орқали тасдиқловчи асарлар ҳисобланади.

Сатира ва юмор учун мўлжалланган махсус нашр ва дастурлар бор. «Крокодил» (Россия), «Перец» (Украина), «Вожик» (Белорусия), «Ари» (Қозоғистон), «Кирпи» (Озарбайжон), «Хорпуштак» (Тожикистон), «Тўқмоқ» (Туркменистон), «Чалкан» (Қирғизистон), «Нианги» (Грузия), «Давзис» (Литва), «Кипғруш» (Молавия), «Пиккер» (Эстония) журналлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда 1923 йилдан бери «Муштум» журнали чиқади. Журнал асосчиларидан бири, машҳур адиб, хассос сатирик Абдулла Қодирий журналнинг биринчи сонига ёзган сўз бошисини «Тумшуғингиз тагида янги меҳмон муборак, афандилар» дея тугатган эди. «Афанди» сарлавҳали иловасини нашр этиш йўлга қўйилади. Вақти-вақти билан ҳажвий, юмористик китоб, тўпламлар нашр этилиб туради. Ўзбекистон телевидиесининг «Телевизион миниатюралар» кўрсатуви, республика радиосининг эшитувчиларига яхши маълум.

Фельетон французча Feuilleton сўзидан олинган бўлиб, варақ деган маънони беради. Бошда газетага илова қилинган варақни ёхуд газетанинг остки қисмида, матбуот термини билан айтганда, подвалда бериладиган материал фельетон дейилганда хорзиргидек муайян жанр кўзда тутилмаган ранг-баранг материаллар: суҳбат ушхобот, спектакл тақризи, мунаққид мақоласи, ҳатто подвалда терилган адабий асар фельетон дея номлана берилган. Ҳозир ҳам Ғарб матбуотида кўпинча бадий асарлар фельетон деб ағалади.

Фельетоннинг публицистик хусусиятлари дейилганда мантикий муҳокама, илмий тушунча, ўткир полемик руҳ, публицистик чўғ, аччиқ ва нордон кулги, муаллиф «мен»и («биз»и)нинг фаоллиги, баённинг тасвир услубининг, сюжет, композиция, конфликтнинг ўзига хослиги, монолог ва диалогнинг мўллиги ва ҳоқозолар тушунилади. Жанр табиати илмий тушунча, амаллардан фойдаланишни ҳам тақозо этади, шу маънода фельетонни бадий-илмий публицистик жанр деб аташ ҳам мумкин.

Фельетонда бадий тасвир босим келадими ёки тарозининг муҳокама палласи босиб кетадими-бу муаллифнинг истеъдоди йўналишига, ёзиш манерасига, тили, услуби ва бошқа омилларга боғлиқ. Масалан М.Горький, В.Короленко, А.Қодирий, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор каби моҳир прозошунослар фельетонларига кўпроқ тиниқ тасвир, аниқ, характер, мароқли сюжет, жонли тил хос бўлса, М.Кальцов, Д.Заславский, К.Алиев, У.Юсупов, Ш.Убайдуллаев

фельетонларида мантикий муҳокама, тушунча образлари устунлик қилади. А.Герцен, Ильф ва Петров, С.Аҳмад, Х.Тўхтабоев, Н.Аминов фельетонларида бадият ва публицистиканинг ўрни, салмоғи бир хил деса бўлади. Кўпчилик фельетонлар бадий тасвир билан боғланади ва мантикий муҳокамага уланиб кетади. Масалан, Ғофур Ғуломнинг «Ойпошша ва Мирисоқ» фельетоннинг бошланиши қуйидагича:

«Илгариги аравакашларнинг ҳаммаси деярли ўз отини гулдек севар эди. айникса, Самарқанднинг лобар, чапани йигитчалари ўз отларининг чиройли бўлиши учун ҳеч нимани аямас эдилар. Отнинг бўйнига, ёлининг ҳар қилига, манглай кокилига, умровига, думига, эгар-жабдуғига, ишқилиб дуч келган ҳар ерига йирик-йирик чиқаноклар, кўзмунчоқлар, маржонлар, ялтироқлар, титравичлар, туморлар тақиб ташлайверар эдилар. Бу ҳамма зебу зийнатлар тахминан бир пуддан ҳам ошиб кетар эди. Аравакаш отининг вазифаси-ку юк тортмоқдир, аммо шўрлик от ҳалиги тақинчоқлардан бели букилиб, ортиқча юк тортишга мадори келмай қолар эди. «Чух» десангиз оёғи қалтираб, рост кўча қолиб, паст кўчага буриладиган бўлиб қолар эди».

Бу-моҳир прозик, “Ёдгор”, «Шум бола», «Менинг ўғригина болам» муаллифи Ғофур Ғулом. Шундан кейин келадиган абзацни ўқийлик:

«Ойпошша Полвонова учун ҳам иззату ҳурматлар ҳамиша бош роллар қарсақлар отарлар “бали-бали”лар оғир юк бўлди. Буларнинг устига устак колхоз раиси Мирисоқ Мирқодировнинг хайру эҳсонлари, даста-даста червонлари, инжу, зирак, олтин билакузуклари, тонготар базмлари «ортиқча» зебу зийнатлар бўлиб, Ойпошшахонни довдиратиб қўйди. Ойпошшахон рост кўча қолиб, паст кўчага йўрғалайдиган бўлиб қолди».

Бу энди ўзини бир умрлик газета мухбири дея фахр билан эълон қилган, ўнлаб ажойиб очерк, фельетон, мақолалар муаллифи, етук публицист Ғофур Ғулом. Фельетон бошидаги аниқ, тасвир, тиниқ манзара шунчаки, фельетоннинг чиройли, нафис чиқиши учун келтирилмаган, балки, парча муаллиф нияти, асар ғоясини очиш, асос, далил вазифаларни адо этиш учун киритилган. Икки парчадаги қиёсларга эътибор беринг: отга тақилган ортиқча, ҳашамлар кўп юкни тортолмай рост кўча қолиб паст кўчага буриладиган бўлиб қолган шўрлик от; ортиқча иззат-ҳурмат, зебу зийнатлардан ҳаволаниб кетган, рост кўча қолиб, паст кўчага йўрғалайдиган бўлиб қолган артистка от-ку паст кўчага бурилишга мажбур бўлган, артистка паст кўчага ўз хоҳиши билан йўрғалайдиган бўлиб қолган. (Худди шундай усулни А.Қаҳҳор ҳам фельетонларида кўп қўллаган. Масалан, «Барон фон Ринг» фельетони «Бир атторнинг эшаги ўйлаб қараса, дунёда туришнинг ҳеч қизиғи қолмапти» деб бошланади, иккинчи абзацда эшак билан таранфон Ринг қиёс қилинади, ғоя ишонарли тарзда асосланади»).

14-март. Фельетон ва унинг жанрий хусусиятлари

Режа:

1. Фельетон жанрининг асосий хусусиятлари.
2. Фельетон ёзиш ва унга қўйиладиган талаблар.
3. Фельетонда бадиий воситалардан фойдаланиш.

Таянч сўз ва иборалар: *сатира, юмор, ҳажв, кулги, характер, мароқли сюжет.*

Маълумки, публицистика бир қанча турларга бўлинади. Унинг муҳим турларидан бири ҳажвий публицистикадир. Ҳажвий публицистика публицистика-нинг ўзига хос, алоҳида бир тури бўлиб, воқеъликни акс эттириш ва унга таъсир кўрсатишда ижтимоий кулги - сатира ва юмор қонуниятларига амал қилади. Иккинчи томондан у ўз функцияларини бажаришда адабий-бадиий воситалардан кенг фойдаланади ва бу билан бадиий публицистиканинг таркибий қисмига айланади. Бадиий публицистиканинг ҳажвий публицистика билан боғланиб кетишидан ҳосил бўлган жанрлардан бири фельетондир. У ижтимоий ҳаёт масалаларини юқорида айтганимиздек, сатира ва юмор воситаси билан, яъни ижтимоий кулги асосида ёритади ҳамда ижтимоий танқид учун хизмат қилади.

Фельетон сўзи французча «варақа» деган маънони беради. Бу - дастлабки даврда матбуотда берилган ижтимоий-сиёсий, адабий-танқидий мавзудаги қизиқарли ва алоҳида ажратиб кўрсатилган материалларга айтилган. Бундай материаллар, асосан, газетанинг подвал қисмида бериб борилган. Европада дастлаб пайдо бўлган босма газеталарда бу хилдаги материаллар кўплаб босиларди. Бу тартиб кейинчалик рус матбуотига ҳам кириб келди. Ўлкамизда илк бор вужудга келган матбуот нашри – «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида ҳам бу ҳолни кўриш мумкин эди. Масалан, мазкур газетанинг подвал қисмида босилган айрим адабий мавзудаги материаллар, жумладан, шоир Маҳтумқули ва Огаҳий ҳақидаги мақолалар мазкур рукн остида берилган эди. Кейинчалик, жамият тараққий этиши билан бу рукн ижтимоий ҳаётда учрайдиган нуқсон ва камчиликларни кулги танқиди остига олувчи материалларга қўйила бошланди, яъни у адабий-бадиий ва ҳажвий публицистик жанрга айланди.

Фельетон ҳажвий публицистиканинг алоҳида жанри бўлиб, ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин тутади. Мазкур жанрнинг асосий вазифаси жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ишлабчиқариш ва маданий-маънавий ҳаётининг барча томонларини қамраб олган ҳолда ўзида акс эттириши, мазкур соҳаларда учрайдиган камчилик, нуқсон, ижтимоий иллатларни фош этиш, танқид қилиш орқали улар ҳақида жамоатчилик фикрини уйғотиш ва оқибат натижада бу камчилик ва нуқсонларнинг тугатилишига эришиш, бинобарин, жамият ҳаётининг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатишдан иборатдир. У ижтимоий публицистика билан ҳамоҳанг бўлиб, унинг танқидий кўриниши билан умумлашган ҳолда иш тутади. Фельетоннинг публицистиканинг ижтимоий ва бошқа турларида қўлланиладиган танқидий мақола ва бошқа жанрларга оид материалларидан фарқи – унинг ҳажвий публицистика

қонуниятларига асосланиши, яъни, ижтимоий кулги, сатира ва юмор воситаларига таянишидадир. Ижтимоий кулгининг хил ва кўринишлари турлича бўлиб, улар орасида киноя, пичинг, ҳазил, енгил кулги кабилар билан бир қаторда заҳархандали кулги, ижтимоий масхаралаш, гротеск (атайлаб бўрттирилган кулги), ҳаттоки айрим ҳақоратомуз сўзлардан фойдаланиш каби ҳажв воситалари ҳам мавжуддир. Фельетонда ижтимоий кулгининг ана шу серқирра усулларида кенг фойдаланилади. Фельетон ўзининг бу хусусияти билан жиддий танқидга асосланган бошқа материаллардан устун туради ва оммавий бўлади. Атоқли адиб А.қодирий ижтимоий кулгига асосланувчи ҳажвий танқидга юқори баҳо бериб, уни «Турмуш бўйлаб учқувчи бургутдир... ҳаёт шароитига ярамаган заиф, қизғанч манфур, музир ва шунинг сингари унсурлар унга емдир».- деб таърифлаган эди. (А.қодирий. 26-йилда кулдирувчиларимиз. Кичик асарлар. ғафур ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент, 1969. 184-бет.) Фельетон худди ана шу ижтимоий-эстетик танқид функциясини бажарувчи долзарб, жанговар ва таъсирчан матбуот материали, ҳажвий ва бадиий публицистик жанрдир. У ўз функцияси ва шакли жиҳатидан ҳажвий адабиётнинг ҳикоя (ҳажвий ҳикоя) жанрига яқин турса-да, аммо кўзланган мақсади, публицистик хулосаси билан ундан фарқ қилади. Бошқача қилиб айтганда, фельетон ҳажвий адабиёт воситаларига асосланувчи, улардан кенг фойдаланувчи матбуот материалидир.

Фельетон ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифасига биноан икки хил – муайян фактга асосланган ва умумий фельетон бўлиши мумкин. Аниқ фактга асосланган фельетон ҳаётдан олинган аниқ фактлар, муайян одамларнинг ижтимоий нуқсонлари, фаолиятларидаги камчиликлари ҳақида ёзилади. Умумий фельетон эса ҳаётдаги бирор ижтимоий иллат, нуқсон ва муаммолар ҳақида бўлиб, унда мазкур масалалар ҳажвий мушоҳада этилади ва танқид қилинади. Ҳар икки турдаги фельетонлар учун умумий талаб – ижтимоий муҳим бўлган факт, масала ва муаммоларни кўтариб чиқиш ва улар бўйича жамоатчилик фикрини уйғотишдир. Фурқатнинг «Ҳинд найрангбози Ёркентда», А.қодирийнинг «Тошкент бойлари», «Эшонларимиз» каби ва бошқа қатор фельетонлари аниқ фактга асосланган фельетонларга мисол бўлса, «Калвак махзумнинг хотира дафтарида», «Тошпўлат тажанг нима дейдир?» каби, А.қаҳҳорнинг «қуюшқон» каби фельетонлар эса умумий фельетонлар турига киради. Ҳар икки хил фельетонлар матбуотимиз тарихида ҳам, ҳозирги кун матбуоти нашрларида ҳам кенг учрайди.

Фельетон шакл жиҳатидан, аввало, кичик ва оддий фельетонга бўлинади. Кичик фельетонда ҳаётдаги нисбатан кичикроқ аҳамиятга эга бўлган бирор факт, нуқсон ёки муаммо ёритилади. «Фельетон» рукни билан бериладиган оддий фельетонда эса ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли бўлган факт, воқеа, муаммо акс эттирилади. «Фельетон ўрнида» рукни эса мазкур материалнинг фельетонга яқин туриши, аммо ички хусусиятлари билан фельетон даражасига етмаганлигини кўрсатади. Одатда, бу рукн остида бир қадар жонли, ўқимишли ёзилган жиддий танқидий материаллар ўрин олади.

Фельетон ёзилиш услуби жиҳатидан ҳикоя-фельетон, публицистик фельетон, фельетон-шарҳ, фельетон-такриз, фельетонлар туркуми кабиларга

бўлинади. Буларнинг ҳар бирида фельетонга хос умумий хусусиятлар билан биргаликда алоҳида тасвирий услуб, ижодий йўналиш мавжуд бўлади. Масалан, ҳикоя-фельетонда ҳаётдан олинган факт ва муаммо кўпроқ бадиий услубда – ҳикояга яқин тарзда тасвишлаб берилади. Бунда беллетристик, яъни ҳикоя элементлари – фельетондан чиқарилиши лозим бўлган асосий мақсад – публицистик хулосани очиб беришга хизмат қилиши лозим. Жаҳон ва рус матбуотидаги сингари ўзбек матбуотида ҳам бу хилдаги ҳикоя-фельетонлар кўп учрайди. А.Қодирийнинг «Ҳой, худой урғонлар», «Ҳой, ер юткур!..», А.Қаҳҳорнинг «Ҳи-ҳи», Ғафур Ғуломнинг «Шошилич телеграмма» каби фельетонлари ҳикоя-фельетоннинг ёрқин намуналари ҳисобланади.

Публицистик фельетон ҳам мазкур жанрнинг энг кўп учрайдиган тури ҳисобланади. Публицистик фельетонда факт, муаммо, ундан чиқариладиган ижтимоий хулоса устун туради, бу хилдаги фельетонларда беллетристик элементлар чекланган бўлади. Публицистик фельетоннинг асосий мақсади ҳаётда учрайдиган ижтимоий иллатлар, камчилик ва нуқсонларни аниқ ёки умумлашган шаклда очиб бериш ва жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилишдан иборатдир. Бундай фельетонлар кўпроқ мақола йўлида ёзилади, аммо фактлар, воқеалар мушоҳадасида сатира ва юмор элементлари – киноя, заҳарханда, кучли фош этиш воситалари кенг қўлланилади. Жаҳон ва ўзбек матбуоти тарихида публицистик фельетонлар кўплаб учрайди. А.Қодирийнинг «Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр», А.Авлонийнинг «Маданият тўлқинлари», «Ҳифзи лисон», Ҳ.Ниёзийнинг «Фақирлик недан ҳосил ўлур?», А.Қаҳҳорнинг «Ўзинг шифо бер», Ғафур Ғуломнинг «Иш қопи билан, гап қофияси билан» каби фельетонлари, К.Алиевнинг қатор фельетонлари шулар жумласидандир. Фельетоннинг бу хили ҳозирги замон матбуот нашрларида ҳам кенг қўлланилиб келинмоқда.

Фельетон жанрининг алоҳида бир кўриниши бўлган фельетон-шарҳ эса ҳаётдаги бир неча факт ва воқеаларни умумлаштириб, маълум публицистик хулосалар чиқариш орқали амалга оширилади. Унда фельетончи ҳаётда кузатиб юрган бир қатор ижтимоий иллатларни жамлаб фош қилади, унга ўзининг ҳажвий муносабатини билдиради. Масалан, А.қодирий ўзининг «Йиғинди гаплар» фельетон-шарҳида йиғирманчи йиллар ижтимоий ҳаётида учрайдиган қатор ижтимоий-сиёсий, маънавий муаммоларни ҳажв қилиб ўтади. Ғафур Ғуломнинг «Жомаси пок, ўзи нопок бандалар» фельетони ҳам бу жанрнинг юқоридаги турига мисол бўла олади.

Мазкур жанрнинг фельетон-такриз шаклида ёзилган турида эса ижтимоий иллатларни фош этишда такриз шаклидан фойдаланилади. Бунда бирор бир ижтимоий ҳодиса ёхуд бўш, чала ёзилган асарни кулги билан танқид қилишда унга киноявий такриз ёзиш воситаси қўлланилади. Фельетон-такриз билан фельетон-пародия шакли ҳам бир-бирига яқин туради. Бунда фельетончи ҳаётдаги нуқсонларни танқид қилиш учун бирор хужжат, қўлланма шаклидан киноявий фойдаланиши мумкин. Масалан, Ҳ.Ҳ.Ниёзий ўзининг 20-йилларда ёзган «Маҳаллий сармояни кучайтириш чоралари» фельетонида ўша даврда учрайдиган айрим ижтимоий иллатларни фош қилиш учун ўша даврда

тузиладиган расмий ҳужжатлар шаклини олиб, камчиликларни киноявий-пародия тарзида очиб ташлайди.

Фельетон жанрининг шаклий кўринишлари хилма-хилдир. Унинг фельетон-репортаж, фельетон-суҳбат, фельетон-кундалик ва бошқа шакллари ҳам бўлиши мумкин. «Ҳажв – шакл танламайди», деган гап ҳажвий публицистиканинг муҳим жанри бўлмиш фельетонга ҳам тегишлидир. Фельетон насрий бўлиши билан биргаликда шеърий ҳам бўлиши мумкин. Шеърий фельетон ҳам худди насрий фельетон сингари ҳаётдаги бирор аниқ, муайян факт ёки воқеа, инсонлар фаолиятига ёинки бирор умумий масала, муаммога бағишланган бўлиши мумкин. Шеърий фельетон бадиий адабиётнинг муҳим тури бўлган ҳажвий шеърият талабларига жавоб бериши билан биргаликда ўзида публицистик хусусият ҳам касб этиши лозим, яъни у ҳаётда учрайдиган ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган иллатларни кулги танқид остига олиши лозим. Унинг ҳажвий шеърдан фарқи, юқорида айтганимиздек, муайян ижтимоий масалага бағишланиб, тегишли публицистик хулоса чиқаришидан иборатдир. Шоир ғафур ғулом томонидан 30-йилларда яратилган «қўлтиқланган калла тўғрисида қофияли ваъз» ҳажвий шеъри ўзбек ҳажвий публицистикасида яратилган биринчи шеърий фельетон эди. Шеърий фельетон ўзбек матбуоти нашрлари, шу жумладан «Муштум» журнали саҳифаларидан доимий жой олиб келмоқда.

Ҳажвий публицистиканинг энг мураккаб ва мукаммал асарларидан бири – фельетонлар туркумидир. Бундай бадиий-публицистик асарлар бир неча фельетонлардан ташкил топади. Фельетонлар туркумлари ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим масалалари, кўзга кўринарли иллат ва нуқсонларни фош этишга бағишланади. Фельетонлар туркумлари бир ёки бир неча муаллифлар томонидан ёзилиши мумкин. Бундай ҳажвий-публицистик асар фельетончидан ҳаётни чуқур кузатиш, катта ҳажвий-публицистик маҳорат талаб қилади. Жаҳон ва рус ҳажвий журналистикасида бўлгани каби ўзбек ҳажвий публицистикасида ҳам қатор фельетонлар туркумлари яратилди. Бу борада атоқли адиб, 20-30 йиллар ўзбек ҳажвининг атоқли устаси Абдулла қодирий юксак намуна кўрсатди. Унинг «Муштум» журнали ва бошқа нашрларда босилган «Калвак махзумнинг хотира дафтарида», «Тошпўлат тажанг нима дейди?» ва бошқа фельетонлар туркумлари бунинг ёрқин мисолидир. Гарчи адибнинг бу асарлари адабиётшуносликда ҳажвий ҳикоя ёки ҳажвий қисса жанрига оид деб юритилса-да, мазкур асарлар фельетонлар туркуми жанрига киради. Чунки бу асарларда ўша даврнинг муҳим ижтимоий иллатлари бадиий-беллетристтик йўлда фош қилинса-да, улардан муҳим публицистик хулосалар чиқарилади, бу ҳол эса, маълумки, ҳажвий публицистиканинг функциясига киради.

Шуни айтиш керакки, фельетонлар туркумлари ҳам турлича шакл ва кўринишларга эга бўлади. Булардан биринчиси – маълум мавзу асосида бирлашган фельетонлардир. А.қодирийнинг 20-йилларда «Муштум» журналида босилиб чиққан «Эшонларимиз», «Тошкент бойлари» каби фельетонлар туркумлари бу хилдаги ҳажвий-публицистик асарларга мисол бўла олади. Бир неча фельетонлардан иборат бўлган бу фельетонларда адиб ўша даврдаги турли нопок йўллар билан бойлик йиққан кимсалар ва жаҳолат бандаларининг

қилмишларини аниқ фактлар, хотиралар ассосида очиб ташлайди. Маълум мавзу асосида бирлашган фельетонлар туркумлари кейинчалик ҳам юзага келди: олтмишинчи йилларда бир гуруҳ ёзувчилар томонидан эскилик сарқитларини фош этишга бағишланган жамоа фельетонлар туркуми матбуотда босилиб чиққан эди.

Фельетонлар туркумининг яна бир кўриниши маълум шакл асосида ёзилган фельетонлардир. Бунда фельетончи ҳаётда ўзи кузатган камчилик ва нуқсонларни маълум бир шакл асосида баён этади. А.қодирий бу борада ҳам баракали ижод қилди. Унинг 20-йилларда ёзган «Московдан хатлар» фельетонлар туркуми бунга мисол бўла олади. Адиб бир неча муддат Москва шаҳрида ўқишда бўлганида у ерда кўрган-кузатган ва ўша давр учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган айрим камчилик ва нуқсонларни мазкур шаклда ёзиб, жамоатчилик ҳукмига ҳавола этган эди. Гарчи бу туркумга кирган фельетонлар турли мавзуларда бўлса-да уларни бир нарса – узоқдан ёзилган хатлар шакли бирлаштириб туради. Кейинчалик, 30-йилларнинг ҳажвчи-публицистлари Зиё Саид ва Носир Саидлар ҳам биргаликда ёзган «Охират мактублари» фельетонлар туркумларида бу йўлдан фойдаланган эдилар.

Ҳажвий публицистиканинг энг мураккаб ва муътабар асарларидан бири - маълум бир ҳажвий тип билан боғланган фельетонлар туркумидир. Бунда фельетончи ҳаётдан олган таассуротлари, кузатишлари, ҳажвий-танқидий мушоҳадаларини маълум бир ягона образ – ҳажвий тип орқали тасвир этади. Бу хилдаги тип билан боғланган фельетонлар туркумлари ўзбек ҳажвий матбуотида илк бор ўтган асрнинг йигирманчи- ўттизинчи йилларида яратилди. Бундай фельетонлар туркумларига ҳажвий ижод устаси А.қодирий биринчи бўлиб асос солди. Адибнинг бу даврда яратилган ҳамда «Муштум» журнали ва бошқа матбуот нашрларида босилган «Қалвак махзумнинг хотира дафтарида», «Тошпўлат тажанг нима дейди?» каби маълум тип билан боғланган фельетонлар туркумлари бунга мисол бўла олади. Моҳир фельетончи юқоридаги асарларнинг қаҳрамонлари бўлмиш тўқима образлар – Қалвак махзум ва Тошпўлат тажанг тимсоллари орқали ўз даврининг қатор ижтимоий иллатларини очиб ташлади. Бу ижодий усулни бошқа ўзбек ҳажвчилари ҳам давом эттирдилар. Ҳажвчи журналист Носир Саиднинг ўша даврда «Муштум» журналида босилган «Мавлави Пўстин мулақаб Мокиён махзум саргузаштларидан», ғафур ғуломнинг ўттизинчи йилларда яратилган «Меҳтарбод Самарқандий Елдойи ким?», «Бисотдаги гаплар» каби фельетонлар туркумлари ҳам ҳажвий типлар билан боғланган ҳажвий-публицистик асарлар ҳисобланади. Ҳажвий публицистиканинг бу ижодий анъанаси ҳозирги ўзбек ҳажвий матбуотида ҳам қўлланилиб келинмоқда.

Фельетоннинг мавзуси матбуотнинг бошқа материаллари сингари ҳаётдан олинади. Унда, юқорида айтилганидек, ижтимоий ҳаётнинг шу кундаги, айтиш мумкин, замондаги масала ва муаммолари, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётидаги жиддий камчиликлар ва нуқсонлар, шу кун кишилари онгидаги зарарли ижтимоий урф-одатлар ва иллатлар мавзу бўлиб хизмат қилади. Фельетончи ҳаётни доимий равишда синчиклаб кузатиб бориши ва учраган нуқсон ва камчиликларни қаламга олиши лозим. Мухарририятга

келаётган хатлар, шикоятчилар, айрим йиғилишларда тилга олинадиган салбий фактлар ва воқеалар, кулоққа чалинган қизик гаплар фельетонга асос бўлиши мумкин. Шу билан биргаликда ҳар қандай қизик воқеа фельетон учун асос бўлавермайди, балки фақат ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фактлар, жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган иллат ва нуқсонларгина фельетон учун мавзу бўлиб хизмат қилади, фельетончининг маҳорати эса ана шундай фактларни ҳаётдан қидириб топа олишидир. Атоқли рус фельетончиси М. Кольцов ўз фельетонларига мавзу топиш учун турли йўллари синаб кўрган, чунончи у атайлаб такси машинасини ҳайдаган, дўконларда сотувчилик ҳам қилган. Синчков, истеъдодли фельетончи учун ҳаётда фельетонбоп мавзулар, факт ва воқеалар доимо топилади.

Фельетон учун зарур бўлган факт, мавзунинг топилиши унинг муваффақиятини таъминлайди, дегани эмас. Топилган ҳар бир факт, муаммо фельетончи томонидан чуқур мушоҳада қилиниши лозим. Яъни, фельетончи ўз асари учун мавзу қилиб олаётган факт, воқеа ва ҳодисани ҳар томонлама – ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан баҳолаб, таҳлил этиши лозим. Бу – фельетондан чиқариладиган ижтимоий-публицистик хулосада ўз ифодасини топади. Бунда фельетончининг билими, мушоҳада қобилияти, дунёқараши муҳим роль ўйнайди. У ушбу факт, воқеа ва ҳодиса жамият ҳаётида қандай ўрин тутади ва ижтимоий тараққиётга қай даражада тўсқинлик қилмоқда, уни йўқотишнинг нақадар зарурлигини чуқур идрок эта олиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, фельетончи илғор фикрли инсон, ўз даврининг ижтимоий арбоби, жамият манфаатлари, тараққиёт учун кўрқмас курашчи бўлиши шарт.

Фельетон жанридаги асар учун ижтимоий-иқтисодий, маънавий мушоҳада ва таҳлил қанчалик зарур бўлмасин, бунинг ўзи кифоя қилмайди. Илло, юқорида айтиб ўтилганидек, фельетон ҳажвий публицистик матбуот асари бўлиб, ундаги барча ижтимоий-иқтисодий, маънавий мушоҳадалар ҳажвий мушоҳада билан қоришиб кетиши лозим. Яъни, фельетон сатира ва юмор қонуниятлари асосида ёзилади, унда ижтимоий кулги бўлиши шарт. Юқорида айтганимиздек ижтимоий кулгининг хил ва кўринишлари турличадир. Унда енгил ҳазилдан тортиб то заҳархандали фош қилиш кулгисигача мужассам бўлади. Фельетончи ўз асари учун ижтимоий кулги хилларидан энг кераклиси, зарурини танлай билиши лозим. Ёзилаётган фельетонда кулгининг қайси хили ва қай даражада қўлланилиши фельетончининг маҳоратидан ташқари ундаги факт, олинган мавзу ва чиқарилаётган публицистик хулосага боғлиқдир. Атоқли рус фельетончиси М.Кольцов ҳам фельетонда кулгининг маълум меъёри бўлиши лозимлигини таъкидлаган эди. Шу билан биргаликда кулгисиз, фактларни публицистик баён қилиш йўли билан ўқувчида қаҳр-ғазаб уйғотувчи фельетонлар ҳам бўлиши мумкин. А.Қодирийнинг юқорироқда тилга олинган «Эшонларимиз», «Тошкент бойлари» каби фельетонлари худди шундай кулгисиз, публицистик хулосали фельетонлардир. Аммо уларда ҳажвий тасвир воситаларидан ўз ўрнида фойдаланганлиги сабабли мазкур асарлар оддий публицистиканинг жиддий материалларидан фарқ қилади.

Фельетон бадийи публицистика жанри бўлганлиги сабабли унда турли бадийи воситалар, жумладан бадийи тўқима ҳам иштирок этади. Бадийи тўқима ҳаёт воқеаларини жонли тасвирлаш, ўқувчида қизиқиш уйғотиш мақсадида қўлланиладиган бадийи воситалардан ҳисобланади. Бадийи тўқима адабий-бадийи асарларнинг доимий зарурий шарти, ёзувчининг ҳаётни қизиқарли тасвирлаш кулолидир. Аммо публицистик асар бўлмиш фельетонда бадийи тўқима адабий асарлардагидан фарқли равишда ўзига хос, чекланган кўринишда бўлади. У фельетоннинг асоси бўлиб хизмат қилаётган факт ва воқеалардан, «қаҳрамон»лар феъл-атворларининг мантикидан келиб чиқиши лозим. Аниқ фактга асосланган фельетонларда бадийи тўқима фақат энг зарур ҳолларда, жуда чекланган меъёргагина ишлатилади, умумий фельетонларда эса мантикий мушоҳадага мос келгандагина ишлатилиши мумкин. Гарчи бадийи тўқимасиз фельетон куруқ, зерикарли бўлиб қолса-да, ортиқча бадийи тўқима фельетоннинг бадийи-ғоявий мақсадига зарар келтириши ҳам мумкин. Одатда аниқ фактларга асосланган фельетонлар матбуотда босилгандан сўнг тегишли ташкилотлар томонидан текширилиб унда кўрсатилган камчилик ва нуқсонларни тугатиш, айбдорларни жазолаш тадбирлари амалга оширилади. Шундай ҳолда фельетондаги ортиқча бадийи тўқималар фельетоннинг самара беришига тўсқинлик қилиши мумкин. Бадийи асосда ёзилган ҳикоя-фельетон, фельетонлар туркумларида эса бадийи тўқима муаллифнинг мақсади, шу асар олдинга сураётган ғоя ва публицистик хулосага хизмат этиши лозим. Масалан, атоқли фельетончи А.қодирий «Қалвак маҳзумнинг хотира дафтарида», «Тошпўлат тажани нима дейди?» фельетонлар туркумларида бадийи тўқиманинг асар мазмунига бутунлай сингиб, унинг ғоявий-бадийи даражасининг юксак бўлишига хизмат қилдирган эди.

Бадийи ва ҳажвий публицистика жанри бўлмиш фельетонда образ ва образлилик муҳим ўрин тутди. Маълумки, образ ижодкорнинг воқеъликни тасвирлашда уни аниқ ҳис этиладиган тарзда, жонли гавдаланиши бўлиб, образлилик эса воқеъликни тасвирлашда образ элементларининг иштирок этишидир. Бадийи адабиётнинг энг зарур шарти ҳисобланган бу ижодий восита бадийи публицистика талаблари асосида иш кўрадиган фельетон учун ҳам зарур масала ҳисобланади. Аммо бадийи адабиёт асарларидан фарқли равишда фельетонда образ ўзига хос хусусиятга эга бўлади, яъни, унинг публицистик характеридан келиб чиқади. Аввало фельетонда образ икки хил – аниқ ва умумлашган бўлади. Аниқ фактларга асосланган ва муайян шахснинг қилмишлари фош этилаётган фельетонда инсон образи ўша шахснинг хатти-ҳаракатлари, қилмишлари орқали вужудга келтирилади. Умумий фельетонда эса образ бошқача услубда яратилади. Унда асосий масала олдинга сурилаётган публицистик мақсадни очиш, ижтимоий ҳаётдаги бирор нуқсонни танқид қилиш, бирор муаммони ҳал этиш бўлганлиги сабабли образ ҳам шу мақсадга хизмат қилдирилиши лозим. Бундай фельетонларда бирор тўқима образ мавжуд бўлиши мумкин, аммо у ҳам аввало ҳаёт ҳақиқатидан ва фельетон талабидан келиб чиқади.

Фельетонда қўлланиладиган образларнинг тури хилма-хилдир. Аксарият публицистик фельетонларда образ эмас – образ-тезис яратилиши мумкин. Бу –

инсон образи эмас, бирор муаммо, кўтарилаётган масала образи бўлиши мумкин. Яъни, фельетончи ўзи кўтариб чиқаётган масалани бирор нарсга ўхшатиб тасвирлайди ва шу билан ҳажвий-публицистик мавзунини очиб, ўз фикрини илгари суради. Масалан, А.қодирий ўзининг «Бозор суриштирмайдир» фельетонида адабиёт соҳасида, санъат сахналарида пайдо бўлаётган чала-чулпа, хом-хатала асарларни бозорга олиб чиқилган шунчаки сифатсиз молларга ўхшатади. А.қаҳҳор «куюшқон» фельетонида эса эллигинчи-олтмишинчи йилларда одат тусига кирган куруқ, расмий тилда олиб борилаётган маърузалар, ёзилаётган асарлар устидан кулиб, уларни куюшқонга ўхшатади. Образ-тезис яратиш ҳам фельетончидан катта маҳорат ва бадиий малака талаб қилади.

Фельетонда яратиладиган ўзига хос образлардан бири – типаж деб аталади. Гарчи бундай образ инсон тасвиридан иборат бўлса-да бу образнинг исми, ташқи кўриниши эмас, унинг ҳатти-ҳаракати, қилмишлари орқали ижтимоий қиёфаси очиб берилади. Масалан, А.Қодирийнинг «Ҳой, ер юткур...» фельетонидаги хотин-қизларга ваҳшийларча муносабатда бўлувчи жоҳил образи яратилган. Биз унинг исмини ҳам, кимлигини ҳам билмаймиз, аммо хотин-қизлар байрами муносабати билан унинг берган «холисона маслаҳатлари» орқали унинг нақадар жоҳил, қолоқ фикрли ва ваҳший одам эканлигини билиб оламиз. А.Қаҳҳорнинг «Ҳи-ҳи» фельетони қаҳрамонининг ҳам исми ва кимлиги келтирилмайди, балки унинг ҳаётдаги айрим қийинчиликлар, масалан 2-жаҳон урушида фашистларнинг қўли баланд келишини кутиши, бундан ўз манфаати йўлида фойдаланишнинг ҳоҳлаши тасвири орқали фельетончининг бу типаж воситасида чиркин фикрли одамлар образини яратганлигини кўрамиз. Типаж воситасида жамият нуқсонларини танқид қилиш амалиёти жаҳон ва ўзбек ҳажвий публицистикасида ҳозирда ҳам кенг қўлланилиб келинади.

Ўзида кўпроқ беллетристик хусусиятларни ифода этувчи ҳикоя-фельетонларда эса ҳаётдаги бирор муаммони кўтариб чиқиш, бирор ижтимоий табақа вакиллари қиёфасини яратиш учун тўқима образлардан фойдаланилади. Бундай образларнинг исми, ташқи қиёфаси, юриш-туришлари худди ҳажвий ҳикоялардагидек тасвирланса-да буларнинг ҳаммаси фельетон ғояси, ундан чиқарилмоқчи бўлинган публицистик хулоса учун хизмат қилади. Масалан, А.Қодирийнинг «Ҳой, худой урғонлар» фельетонида Сотимдов, Ибройим буқа каби катта ер эгаларининг образлари тасвирланган ва уларнинг 30-йилларда ўтказилган ер ислоҳоти воқеасига муносабатлари очиб берилган. Ғафур Ғуломнинг «Классиклардан қачон сўз очар, эҳтиёт бўлинг – оловлар сочар» фельетонида Сувонкул деган тўқима образ воситасида адабий ижодни шунчаки енгил иш деб ўйлаб, хом-хатала асарлар ёзувчи кишилар устидан кулинади. Тўқима образ орқали ҳаётдаги камчилик ва нуқсонлар, одамлар онгидаги ва ҳатти-ҳаракатларидаги иллатларни очиб ташлаш ҳозирги замон фельетончилигида ҳам кенг қўлланилади.

Фельетонда шу билан бирликда бадиий адабиёт ва санъатнинг энг мукамал ижодий маҳсули бўлмиш характер ва типлар ҳам яратилиши мумкин. Ҳажвий тип юқоридаги образ турларидан шуниси билан фарқ қиладики, унда маълум бир синф, ижтимоий табақа ёки гуруҳ вакилларига тегишли бўлган белгилар билан бир қаторда бу образнинг ўзигагина хос бўлган шахсий

хусусиятлар ҳам ўз ифодасини топади. Бундай типлар худди бадий алабиётдаги сингари типиклаштириш ва индивидуаллаштириш йўли билан яратилади. Яъни, ўқувчининг кўз олдида ҳам жонли одамга хос бўлган феъл-атворли шахс, ҳам бутун бир ижтимоий табақага мансуб бўлган хусусиятларни ташувчи одам образи гавдаланади. Ҳажвий характер яратиш анча мураккаб адабий-ижодий масала бўлиб, бунда катта адабий-бадий маҳорат талаб қилинади. Жаҳон ёзма адабиётида бундай ҳажвий типларга мисоллар кўп. Атоқли рус ҳажвчиси Н.В.Гоголнинг «Ўлик жонлар» асаридаги Чичиков, М.Е.Салтиков-Шчедриннинг «Жаноб Головлевлар» асаридаги Иудушка Головлев, чех ҳажвчиси Ярослав Гашек яратган солдат Швейк, испан адиби М.Сервантес қаламига мансуб бўлган «Дон-Кихотнинг саргузаштлари» асарининг қаҳрамонлари бўлмиш Дон-Кихот, Санчо-Панса каби қатор образлар шулар жумласидандир. Ҳажвий публицистиканинг энг йирик жанри бўлган фельетонлар туркумларида ҳам шундай ҳажвий типлар яратилиши мумкин. Юқорида айтганимиздек, ўзбек ҳажвий публицистикасида ҳам бундай ҳажвий типлар яратилганлиги маълумдир. Абдулла қодирийнинг юқорида қайд этиб ўтилган «Калвак махзумнинг хотира дафтарида» фельетонлар туркумидаги Калвак махзум, «Тошпўлат тажанг нима дейдир?» туркумидаги Тошпўлат образлари шулар жумласидандир. Моҳир ҳажвгўй адиб мазкур образлар орқали маълум бир ижтимоий табақа вакиллариининг типик кишиларини тасвирлаш орқали мазкур табақага хос бўлган ижтимоий иллатларни фош қилди, жоҳиллик, қолоқлик ва бошқа иллатлар устидан кулди. Ёзувчи мазкур ҳажвий типларни яратишда уларни «ўз тиллари»дан гапиртириб, тилни индивидуаллаштириш услубидан маҳорат билан фойдаланди. Йигирманчи-ўттизинчи йилларда яратилган бошқа ҳажвий-публицистик асарларда ҳам ҳажвий типлар яратиш борасидаги ижодий анъана давом эттирилди. Бу ижодий усул ҳозирги замон ўзбек ҳажвий публицистикасида ҳам қўлланилиб келинмоқда.

Фельетон бадий-публицистик асар бўлганлиги сабабли унда бадий асарларга хос бўлган сюжет ва композиция ҳам муҳим роль ўйнайди. Маълумки, сюжет асарнинг бевосита мазмун-моҳиятини ташкил этувчи ўзаро боғланган ва ривожланиб боровчи ҳаётий воқеалар мажмуаси бўлиб, композиция эса асарнинг тузилиши, воқеалар ривожини баён этишнинг тартибидир. Сюжет ва композицияда қолиплаш, тугун, ечим, кульминацион нуқта ва бошқа тасвирий-ижодий бўлаклар мавжуд бўлади. Бадий асарлар учун шарт бўлган бу бадий-ижодий воситалар фельетонда ҳам ўзига хос кўринишда мавжуд бўлади. Бу воситалардан қай даражада фойдаланиш фельетонда қаламга олинаётган мавзу ва фактлар, ундан чиқариш лозим бўлган публицистик хулосадан келиб чиқади. Бу воситалар фельетоннинг қайси шаклда ёзилишига ҳам боғлиқдир. Масалан, ҳикоя-фельетонда мазкур воситалар кенгрок қўлланилса, публицистик фельетонда ўзига хос тарзда бўлади. Фельетонлар туркумларида ҳам бу компонентлар асосий роль ўйнайди. Масалан, А.қодирийнинг юқорида тилга олинган фельетонлар туркумларида сюжет, композиция ва бошқа бадий-ижодий усуллар ўзига хос тарзда қўлланилган. Кўриниб турибдики, бу воситалардан қанчалик унумли фойдаланиш фельетончининг ижодий маҳоратига ҳам боғлиқдир.

Фельетоннинг тили ва услуби масаласи ҳам ўзига хос бўлиб, ўзида ҳам бадиий-ҳажвийлик, ҳам публицистик хусусиятларни ифода этади. Унда бадиий адабиётга хос бўлган тасвирий услуб билан публицистик мушоҳада услуби уйғунлашиб кетиши лозим. Шу билан бирликда мазкур жанрга оид асарда жонли, сўзлашув тилидан, халқ мақоллари ва маталлари, кулгили ибора, киноя, қочирим ва бошқалардан кенг фойдаланиш мумкин. Яъни, фельетондаги тасвирий воситалар ижтимоий кулги, сатира ва юморга йўғрилган бўлиши лозим. Аммо буларнинг барчаси фельетоннинг мавзуи ва ундан чиқарилиши лозим бўлган публицистик хулосага боғлиқ эканлигини унутмаслик керак.

Жаҳон матбуоти тарихида фельетон жанри муҳим ўрин тутиб келган. Дастлаб Европада дунёга келган бу публицистика жанри ҳар бир мамлакат тараққиётида, ижтимоий ҳаётида ўзига хос зарур вазифаларни адо этган, қолоқлик, жаҳолат ва бошқа иллатларга қарши курашда иштирок этган. Жумладан, тараққийпарвар ғояларга хизмат қилган рус фельетончилари мазкур жанр орқали зулм-залолатга, ижтимоий адолатсизликларга қарши кураш олиб борганлар. Ўлкамизда ҳам мазкур жанрнинг тарихи узоқ замонларга бориб тақалади. Ҳали матбуот вужудга келмасдан илгари мазкур жанрнинг функцияларини ёзма ҳажвий адабиёт бажариб келганлиги маълумдир. Жумладан, улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг ҳаётдаги ижтимоий адолатсизлик, зулм-залолат ва бошқа иллатларга қарши қаратилган асарларини бу жанрнинг ўша даврдаги кўринишлари дейиш мумкин. Кейинги даврларда ижод қилган Турди Фароғий, Махмур ва айниқса, ўзбек халқпарварлик адабиётининг намояндалари бўлмиш Муқимий, Завқий ва бошқаларнинг асарлари, ўз даврининг муҳим ижтимоий иллатларини фош этган ҳажвларини мазкур жанрнинг ёрқин намуналари дейиш мумкин. Ўлкамизда дастлабки матбуот нашрлари пайдо бўлиши билан фельетон жанри матбуот жанри сифатида иш кўра бошлади ва тез суратлар билан тараққий этди. Айниқса, йигирманчи асрнинг бошларида майдонга келган жаҳид матбуоти саҳифаларида фельетон жанри кенг ўрин олди ва ривожланди. Мазкур жанрнинг вужудга келиши ва тараққий этишида атоқли тараққийпарвар ижодкорлар М.Бехбудий, М.Абдурашидхонов, И.Обидов, А.Авлоний, Ҳ. Ниёзий, Чўлпон ва бошқалар катта хизмат қилдилар. Атоқли ўзбек адиби А.Қодирий йигирманчи йилларнинг моҳир фельетончиси сифатида самарали ижод қилди. Атоқли ўзбек қалам усталари А.Қаҳҳор, Ғ.Ғуломлар ҳам мазкур жанрнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Шуни айтиш керакки, ўлкамизда етмиш йилдан ортиқ ҳукм сурган яқка ғоя ҳукмронлиги даврида мазкур жанр матбуот саҳифаларида кўп учраб турса-да, у маълум чекланган синфий-партиявий ғояларга хизмат қилганлиги боисидан бир ёқлама хусусиятга эга бўлди ва ўз хизматини ўтаб бўлди. Фақат умуминсоний мавзуларга бағишланган ва юксак бадиий маҳорат билан ёзилган фельетонларгина умрбоқийлик даъвосини қила оладилар.

Мамлакатимиз ўз миллий мустақиллигига эришгач публицистиканинг бошқа жанрлари қаторида фельетон жанри ҳам кенг ривожланди, унинг бир қатор янги турлари, жумладан, радиофельетон, телефельетонлар вужудга келди. Мазкур ҳажвий-публицистик жанр мамлакатимизда мустақилликни янада

мустаҳкамлаш, ижтимоий тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган иллатларни йўқ қилишда муҳим роль ўйнаб келмоқда. Республикамиз матбуотида фельетоннинг турли хиллари мавжуддир. Кўпгина газеталарда «Фельетон ўрнида» руқни остида материаллар босилади. Бу – танқидий мақола билан фельетон ўртасида турувчи ўзига хос материал бўлиб, унда қаламга олинаётган факт ва воқеалар маълум даражада ҳажвий тарзда баҳоланади. Масалан, «Фидокор» газетасининг 2004 йил 15 август сонида «қимматга тушаётган голлар» сарлавҳали материал босилган (муаллифи – А.Одина). Унда Сурхондарё вилоятида тузилган «Шўрчи» футбол жамоасини маблағ билан таъминлашдаги нуқсонлар танқид остига олинади. Муаллиф жамоа учун етарли моддий шароит яратиб берилмаганлиги, футболчилар учун кийим–бош, ҳаттоки, тепиш учун тўп ҳам етарли эмаслигини айтиб, жамоанинг бундай ҳолатга тушишига сабабчи бўлган раҳбарларни аччиқ-аччиқ сўзлар билан «чимдиб» олади. Мазкур материал, гарчи у тўлақонли фельетон даражасига ўсиб етмаган бўлса-да, унинг вазифасини бажара олган. Худди шундай руқн остида «Ишонч» газетасининг 2002 йил, 1-июнь сонида босилган «Шайтон йўлдан урган ишбилармон» сарлавҳали танқидий материалда Андижон шаҳридаги А. қ. деган тадбиркорнинг фирромлик йўлига ўтиб, Американинг сохта доллар пулларини одамларга ўтказиб юрганлиги фош этилади. Муаллиф М.Абдукаримов мавзуни очишда латифанамо қолиплаш усулидан фойдаланади: «Шайтон ўғлининг ҳийла-найрангни қандай ўзлаштириб олганлигини билмоқчи бўлиб, уни одамлар орасига юборибди. Шайтонвачча оғзи қулоғида бўлиб қайтибди:

– Бир ароқхўрни гиж-гижлаб, хотинини роса дўппослатдим!

– Аҳмоқ!– ўғлининг юзига шапалоқ тортиб юборибди шайтон. – Ароқхўр сенинг аралашувингсиз ҳам хотинини дўппослайверади! Сен ҳушёр одамни йўлдан оздиришни ўрган!..»

Фельетон сўнггида эса «шайтонвачча отасига туппа-тузук тадбиркорлик билан шуғулланиб юрган одамни қалбаки долларфурушликка ўргатиб келдим»,– деб мактанади. Фельетон қаҳрамони эса суд залида:

– Мени шайтон йўлдан урди!-деб ўз бошига ўзи муштларди».

Кўриниб турибдики, «Фельетон ўрнида» тарзида берилган бу материалда фельетонга хос хусусиятлар мавжуддирки, улар материалдаги воқеаларни очишга хизмат қилиш билан бирликда унинг қизиқарли чиқишига олиб келган.

Айрим газеталар саҳифаларидан ўрин оладиган «Кичик (митти) фельетон» рубрикаси остида босиладиган материалларда ҳам ҳаётда учрайдиган салбий факт ва воқеалар маълум даражада ҳажвий жихатдан баҳоланади. «Хуррият» газетасининг 2004 йил 12 ноябрь сонида босилган «Чархпалак» деб номланувчи «Митти фельетон»да (муаллиф – Топса босар деб имзо қўйган) Фарғонадаги фукаролик ишлари бўйича судда бир уй-жойга эгалик қилиш борасидаги низо етти йилдан ортиқроқ муддатда ҳам ҳал этилмаганлигидан кулинса, «Ишонч» газетасининг 2004 йил 10 июнь сонида босилган «Машина можароси» сарлавҳали «Кичик фельетон»да (муаллифи Э.Мавлонов) қуйи Чирчиқ туманидаги хўжаликлардан бири аъзосининг жамоадан енгил машина сотиб олишидаги сарсон-саргардончиликлари ҳақида ҳикоя қилинади.

«Хуррият» газетасида босилган аксарият фельетонлар ҳаётда учрайдиган муҳим ижтимоий мавзу– ҳуқуқ ва судлов идораларидаги расмийчилик ва адолатсизлик ҳолларини фош этишга қаратилган. Журналист Т.Акбаров қаламига мансуб бўлган «Хол қилув қарори» (2004 йил, 20 август), «Яп-янги тажриба: Судга чақиришнинг Яйпанча усули» (2002 йил, 10 май) каби фельетонлари юқоридаги мавзуга бағишланган. Уларда мазкур соҳада йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар ўзига хос киноявий кулгу воситасида фош этилади. Журналист Қ.Собиров шу газетанинг 2002 йил 18 октябрь сонидида босилган «Хотинингни ўпа кўрма, ўн йилга кетасан!..» сарлавҳали фельетони учун эса кулгили фактни топган. «Рабочий Бекабада» газетасида хабар қилинишича, М.деган шахс ўзининг собиқ хотини билан жанжаллашиб қолади, хотини эса «эрим мени тишлаб олди», деб судга шикоят қилади ва суд шу арзимаган жиноят учун М.ни ўн йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилади. Қ.Собиров бундай қаттиқ ҳукмнинг берилишига ўз муносабатини юқоридаги фельетони ва унинг сарлавҳасида баён этади. Ёзувчи Д.Нурийнинг шу газетанинг 2002 йил 20 ноябрь сонидида босилган «Чирокпоя» фельетонида эса доимо софдил одамлар устидан иғво-туҳматлар тўқиш билан шуғулланувчи бир шахсни қатор факт ва далиллар воситасида фош этади. Журналист М.Носиров ўзининг «Ўптимистлар» сарлавҳали фельетонида («Хуррият» газетаси, 2003 йил, 15 ноябрь) Сирдарё вилоятининг Меҳнатобод туманидаги Дехқонобод қишлоғида ёқилғи газ, ичимлик сув ва электр энергияси билан таъминланишдаги камчиликларни фош этар экан, ўткир заҳархандали кулгуни қўллайди.

Фельетон жанри «Муштум» журнали ва «Афанди» газетаси саҳифаларидан ҳам доимий ўрин олиб келмоқда. Шунингдек, унинг «радиофельетон» ва «телефельетон» каби кўринишлари ҳам республикаимиз радио эшиттиришлари ва телекўрсатувлари таркибидан жой олиб келмоқда.

15-майруза. Памфлет жанри ҳақида тушунча

Режа:

- 1.Памфлет жанрининг асосий хусусиятлари.
- 2.Памфлет ёзиш ва унга қўйиладиган талаблар.
- 3.Памфлетнинг тили ва услуби

Таянч сўз ва иборалар: *қаҳри қаттиқ, зарби ўткир сўз-иборалар, полемик асар, ҳукми шафқатсиз жанр, памфлет кулгиси.*

«Памфлет (инглизча pamphlet) – ижтимоии-сиёсий мавзуга бағишланган, унча катта бўлмаган, кескин полемик руҳдаги, фош этувчи асар» дейилади. «Хорижий сўзлар луғати»да Памфлет бир қатор хусусиятлари, аломатлари билан фельетонга яқин турса-да, улар ўртасида муайян фарқлар бор. Фельетонга қараганда памфлетнинг қаҳри қаттиқ, зарби ўткир сўз-иборалари заҳарли, ҳукми шафқатсиз.

Ўғри, товламачи, халқ мулкига кўз олайтирган, ишни расво қилган, маиший бузуқ, бюрократ, ноинсоф, турли гуноҳга ботган кимсалар фельетон «қаҳрамони» бўлиши, жамоатчилик норозилиги, ғазабига дучор келиши, кулги, мазах объектига айланиши мумкин. Вақти-соати келиб, танқид-дашномлар таъсир этиб, одамлар «тузалиб», гуноҳини ювиб, оиласига, ишига қайтса, нормал фаолиятини давом эттирса, фельетон ўз вазифасини бажарган ҳисобланади. Агар фельетон тузувчи қаламига мансуб бўлса, нашр этиладиган китобларидан жой олса, муаллиф “қаҳрамон”ларни бошқа ҳижолатга қўймаслик учун исм-фамилияларни ўзгартириши мумкин (масалан Ғ.Ғуломнинг «Ойша ва Мирисок» фельетони илк бор «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилганда, артистка ва раиснинг ҳақиқий номлари берилган эди). Памфлет сиёсий ёт қарашлар, ғоялар, ёв мафкура, тузум, душманларча хатти-ҳаракатларни беаёв фош этадиган, жамоатчиликнинг кучли, кескин фикрини шакллантирадиган ҳужумкор бадий-публицистик жанрдир. Памфлет эса, зарарли ғоя, заҳарли мафкура, ёвуз куч, қаттол душманни фош этадиган, авра - астарини ағдарар даражада тигга тортадиган қаҳрли сўз. Памфлетнинг мақсади ёт ғояларни фош этиб ташлаш, ёвуз душманни маънан тилка-пора қилиш, маҳв этиш. Сўз, иборалар ҳам шунга мос қаҳрли, заҳарли, қўрғошин янглиғ қаттиқ.

Инсоният бошига мислсиз кулфатлар ёғдирган, вайроналиклар келтирган, беҳисоб одамларнинг ўлимига сабаб бўлган Наполеон, Гитлер, Геббельс, Франко, Пиночет, Усама бен Лодин каби ёвўз ниятли кимсалар памфлет қаҳрамонларидир, ҳар қанча қаҳрли, заҳарли сўзларга лойиқдир.

Маратнинг Мирабо ва Лафойетга, Белинскийнинг Шевиревга қарши памфлетларида уларнинг реакцион қарашлари қақшатқич танқид қилинган, Польлафарг «Ялковлик ҳукуқи» памфлетида куллик меҳнатини мақтаб-мақтаб, эзгулик дея баҳоловчи тубан нуктаи назарни кескин фош этади.

Ватан ўруши ва ўрушдан кеинги йилларда Совет иттифоқи матбуотида памфлет жанрида бир қатор асарлар яратилди. И.Эренбўрг, Л.Леонов, К.Симонов, Н.Грибачев памфлетлари бу фикрнинг далили бўла олади. 1947 йили бўлиб ўтган бир мунозарада таниқли сатирик Д.Заславский фалсафий

фельетон билан фалсафий памфлетнинг бадий публицистик жанр сифатида тикланаётганини қайд этган эди.

Памфлетнинг энг ёрқин намуналари украин сатириги Ярослав Галан (1902-1949) қаламига мансубдир. Унинг «Ватансиз кимсалар», «Ўлим пойгаси», «Геринг», «Иохим фон...», «Каннибаллар», «Ёт худолар сояси», «Бир фирибгарликнинг сўнгги кунлари» каби памфлетларида (ёвузлик, қотиллик, геноцид, миллатчилик ўтли, куйдирувчи сатира остига олинади. Масалан, «Бир фирибгарликнинг сўнгги кунлари» памфлетида қирқ бешинчи йил апрелида фюрер идорасидаги аянчли манзара шундай тасвирланади: «Канцелярия ертўласи эндиликда ақлдан озганлар уйини эслатарди. Бетайин қахр-ғазабдан кўкариб кетган Гитлер нималардир деб бакирар, кимгадир муштларини ўқталарди. Унинг бўғриқиб-қизариб кетган башарасини таниб бўлмасди, подвалда телбалик, кўркув ва даҳшат ҳукм сўрарди». Ярослав Галан памфлетлари мана шундай тигдор, ўткир эди. Истеъдодли публицистнинг ёлланган қотил кўлида ҳалок бўлиши ҳам унинг памфлетлари душманлари учун қанчалик кўрқинчли қурол эканини яна бир бор тасдиқлаб турибди.

Фельетон ёзиш қийин, масъулиятли, памфлет ёзиш ундан-да қийин масъулиятли. Бунинг учун ўн чандон жасорат, маҳорат лозим бўлади.

16-мавзу. Адабий-танқидий мақолалар. Ёзувчи мақоласи

Режа:

1. Ёзувчи публицистикаси ҳақида тушунча.
2. Ёзувчи публицистикаси мантикий мушоҳада ва образли тафаккур.
3. Ёзувчи публицистикасига қўйиладиган талаблар.

Таянч сўз ва иборалар: *публицистика, публицист, публицистиканинг муҳим хусусияти, этикет, функция, метод.*

Ёзувчи мақоласи ҳам бадиий-публицистик асарлар сирасига киради. Ёзувчи мақоласи ижодкордан юксак маҳорат, профессионализмни талаб этади. Ёзувчи мақоласи ёзувчининг узоқ йиллик ижодий меҳнати самараси кузатувлари натижаси ўлароқ юзага келади. Ёзувчи мақоласида мантикий муҳокама ва образли тафаккур биргаликда намоён бўлади. Ёзувчи мақоласининг тили, услуби, композицияси ҳақида узоқ гапириш мумкин. Биз бу ҳақда олдинги маърузаларда гапириб ўтганлигимиз боис, унча кўп бу мавзуга тўхталмаймиз.

Рус адабиётидан Пушкин, Белинский, Добролюбов, Л.Толстой, Герцен, Чехов, Горький хатлари ёзувчи мақоласининг сара намуналари деб кўрсатиш мумкин. Ўзбек матбуоти, адабиётида эса бу жанрда А.Қодирийнинг, Чўлпоннинг, А.Авлонийнинг, Фитратнинг, Беҳбудийнинг кейинроқ ижод қилган Ойбек, А.Қаҳҳор Ғ.Ғулом; кейинги давр ижодкорларидан Саид Аҳмад, О.Шарафиддинов, Э.Воҳидов, Ў.Хошимов, И.Ғафуров, Х.Дўстмуҳаммад, Қ.Аъзам каби ижодкорларнинг турли йилларда ёзилган адабий-танқидий мақолаларини мисол сифатида келтириш мумкин. Ўзбек матбуоти, адабиётида ёзувчи мақолаларининг ўрни бекиёс. Қуйида журналистика соҳасига бекиёс ҳисса қўшган Очил Тоғаевнинг сийрати ҳақида адабий-танқидий мақола берилади.

17-маъруза. **Кичик ҳажвий (пародия, эпитафия, масал, анекдот, ривоят, ҳикоят, миф ва афсоналар) асарларнинг матбуотдаги ўрни**

Режа:

1. Кичик ҳажвий жанрининг асосий хусусиятлари.
2. Кичик ҳажвий ёзиш ва унга қўйиладиган талаблар.
3. Кичик ҳажвий бадиий унсурлардан фойдаланиш.

Таянч сўз ва иборалар: *пародия, эпитафия, масал, анекдот, ривоят, ҳикоят, миф ва афсоналар.*

Қадимги Рим шеъриятидан мустаҳкам ўрин олган сатира тарихий тараққиёт жараёнида бора-бора ўз қиёфасини ўзгартириб, адабий тур жанрлари таркибига сингиб кетди. Кейинчалик эса уни масал, эпиграмма, бурлекс, памфлет, фельетон, комедия ва бошқалар таркибий хусусиятини аниқловчиси сифатида учратиш мумкин бўлиб қолди, деб ёзилади адабиёт энциклопедияси луғатида.

Европа Уйғониш даврида барча соҳаларда бўлгани каби сатирада ҳам жонланиш кузатилди. Ўша даврда яратилган, бугунги кунда ҳам ўз эстетик қимматини заррача йўқотмаган, ижтимоий кулгининг қудратли кучини ўзида ифода этган сатира ва юмор асарлари: Жованни Бокаччонинг “Декамерон”, Сервантеснинг “Дон Кихот”, Шекспир комедиялари инсоният тарихидаги ёвузлик, зулм ва истибдодга, ўз умрини яшаган, янгиликнинг ўсишига тўсқинлик қилаётган ижтимоий тартибларга қарши қаратилган дахшатли куч бўлиб келди, халқ оммасининг ҳаётдаги адолатсизликларга қарши ғазаб-нафратини ифода қилди. XVII-XVIII асрларда яшаб ижод этган маърифатпарварлар Д. Дидро, Вольтер, Ш. Л. Монтескье, Ж. Свифт сатирик асарлар мумтоз намуналарини яратиб кетдилар.

Шарқ мамлакатларида сатира илдизлари жуда қадимга бориб тақалади. Ўзбек ва турк халқининг Насриддини, қозоқ ва қирғиз халқининг Алдарқўсаси, форс-тожик халқлари ҳикоялари, “Минг бир кеча” каби фольклорга оид асарлар жаҳон маданияти айвонидан мустаҳкам ўрин эгаллаган

Ҳажвий публицистика асарлари билан ҳажвий адабиёт ўртасидаги ўзаро муштарақлик шунда намоён бўладики, ҳажвий публицистика давр томонидан матбуот олдида қўйилган вазифалардан ўзи учун ғоявий-сиёсий йўналиш, дастур олса-да, бу вазифаларни бажаришда ҳажвий адабиётнинг қатор қоидаларига амал қилади, яъни ҳажвий адабиётнинг образ яратиш, типиклаштириш, ижтимоий кулги, ҳажвий тил, услуб ва бошқа тасвирий воситалардан кенг фойдаланади.

Ҳажвий журналистика ўз фаолиятида тасвирий санъатдан, хусусан унинг ўзига хос, ҳозиржавоб тармоғи бўлган карикатура (ҳажвий суръатчилик)дан ҳам кенг фойдаланади. Шунингдек, ҳажвий журналистика, ҳажвий кинопублицистика (ҳажвий киножурналлар), сахна ҳажвий публицистикаси (қизиқчилар, сўз усталарининг чиқишлар, ҳажвий театр томошалари) билан ҳам ўзаро ҳамкорлик қилади.

Матбуотнинг асосини ташкил этувчи публицистиканинг ўзига хос - энг

ўткир, ҳозиржавоб ва таъсирчан тури бўлган ҳажвий публицистика инсониятнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида ҳамisha муҳим ўрин тутиб келган. Жаҳон ҳажвий публицистикасининг таркибий бир бўлаги бўлган ўзбек ҳажвсўзлиги ҳам бундан мустасно эмас. Туркистон миллий уйғониш даври матбуоти нашрларида кенг зуҳур топган ўзбек ҳажвсўзлиги илғор, тараққийпарвар ғояларга хизмат қилди, халқ оммасини маърифатга, миллий озодлик, ҳурриятга чорлади. Ўз даврининг илғор маърифатпарварлари бўлган Муқимий, Фурқат, Завкий, Сўфизода ҳамда унинг издошлари, илғор тарққийпарвар жадиदчилик ҳаракатининг кўзга кўринган намояндалари М. Бехбудий, М. Абдурашидхонов, А. Авлони, Ҳ. Ниёзий, С. Айний, Чўлпон, Фитрат ва бошқалар ўз даврларидаги жаҳолат ва қолоқлик, мутаассиблик ва бошқа ижтимоий иллатларга қарши курашда ҳажвсўздан кенг фойдаландилар.

Ўзбек ҳажвий публицистикасининг атоқли намояндалари А. Қодирий, К.Алиев, Ғ. Ғулум, А. Қаҳҳор ва бошқалар ўз асарларида жамиятдаги ижтимоий иллатларга қарши курашдилар, оммага умуминсоний қадриятларни ташвиқ қилдилар.

Сатира ва юмор ҳақида юқорида айтиб ўтдик. Маълумки, сатира ва юмор кулгига асосланади. Кулгининг табиати ўзига хос, унинг турлари жуда кўп. Машҳур рус адиби Л.Н.Толстой кулгининг 96 тури ҳақида маълумот юерган. Сатира (ҳажв) – ўткир кулги, захарханда, кесатиш, масҳара қилишга асосланади. Фельетон, памфлет – сатирик асарлар.

Юмор – енгил, майин кулги: аския, латифа, аниқдот, ҳазил-мутуйба-юморга асоланганлиги билан сатирадан фарқ қилади. Ҳажвий ва юмористик асарлар тарихига назар ташласак, унинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалиши маълум бўлади. Сатира ва юмор белгиларини Навоий, Бобур, Турди, Махмур, Гулханий, Муқимий, Фурқат асаларида учратамиз. Жаҳон адабиётида ҳам сатирик ва юмористик асарлар талайгина. Мисол учун Сервантеснинг “Дон Кихот”, Гоголнинг “Ревизор”, И.Илья, Е.Петровнинг “Ўн икки стул”, “Олтин бузук” каби асарлари. (бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин) Сатирик, юмористик газета, журналлар, радиоэшиттириш, телекўрсатувлар ҳақида гапирадиган бўлсак, телекўрсатувларда ижодкорлар асосан пародиядан фойдаланишади. Радиодастурлардан Ўзбекистон каналидаги “Табассум”ни келтириш мумкин. Журналлардан “Муштум”ни, газеталардан “Афанди”ни мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Сатирик, юмористик асарлар тили ва услуби ўзига хос бўлади.

Грекча зид кўшиқ деган маънони билдиради. Маълум санъат асарига унинг шакли, йўналишини сақлаган ҳолда ўхшатма, бадий-публицистик жанр. Ўзига хос ҳаракат тарзи, шунингдек, бирор услуб, йўналиш, жанр ёки муайян қолипдаги нутқ ва бошқага ҳажвий киноявий ва юмор билан ёндашиш мақсадини кўзлаб қилинган онгли тақлид. Бирор санъаткор ижоди ёки айрим асарнинг услубига тақлид қилиш йўли билан яратилган кулгили асар.

У ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли воқеа-ҳодисалари, маълум инсонлар ҳаракатларидан ташкил топиши мумкин. Пародияни яратишда муаллиф гипербола, гротеск (бўрттириш) ва ҳ. усуллардан фойдаланиши мумкин. Унда нуқсонлар, хато ва камчиликлар ўртоқлик танқиди билан қораланади. Пародия

комедия санъатининг, сатиранинг ўзига хос йўналиши бўлиб, аксари ҳолда бўрттирилган бўлади. Пародиядан матбуотдан ташқари телевизион миниатураларда ҳажвий радиоэшиттиришларда, шунингдек сўз усталари ижодида кенг фойдаланилади. Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романини эсланг. Унда хон қизиқчиларининг бош мударрисга тақлид қилиб, хужра сўраган биринчи муллабаччага асло бўш жой йўқлигини айтиб таассуф билдиришини, ундан кейин келган ҳамқишлоғи бўлган муллабаччага кўнглидагидек жой албатта топилишини хонга мударрис кўз ўнгига айнан кўрсатиб берадилар. (Зокир гов билан ...найнов) бу ҳам пародияга бир мисолдир. Бундан ташқари Хожибой Тожибоевнинг, Аваз Охуннинг ижодида ҳам пародиядан унумли фойдаланилади.

“Менга берилган бу ҳайфсанни бутун жамоамизга берилган ҳайфсан деб биламан”.

“Ҳар бир кишининг қадамини ўлчайверсак, ҳисобдан адашиб кетамиз”.

“Бир умр ўлчаб-ўлчаб кесадиган жойини билолмай кетди”.

Илҳом Зоир ижодидан.

Масал- ижтимоий борлиқни мажозий равишда акс эттирувчи асар бўлиб, унда инсонлар ҳаётида учрайдиган иллатлар ҳайвонлар хатти-ҳаракатлари ифодасида билан фош этилади, яхши фазилатлар эса улуғланади. Охирида кўп ҳолларда қиссадан ҳисса чиқарилади. Ва шу жиҳати билан ҳам халқ оғзаки ижодига яқин туради. Руслардан Криловнинг, ўзбеклардан Гулханийнинг “Зарбулмасал”ини ўқимаган одам, ҳеч бўлмаса номини эшитмаган одам орамизда бўлмаса керак. XX асрда ўзбек бадиий публицистикасининг масал жанрида энг кўп ижод қилган одам, бу шубҳасиз Мухтор Худойкуловдир. Мана масалга бир мисол:

ТОВУШҚОННИНГ ТҶЙИ

Тўю томошага нима ҳам етсин,
 Тўй бўлган ҳовлига қувонч тўлади.
 Валекин тўйлар ҳам ҳар хил бўлади,
 Зўр тўйни бу масал бир таъриф этсин:
 Товушқонга тушди тўй қилиш дарди,
 Ўзи-ку, мажмағил, муштдай бир жонвор,
 Ҳайвонлар аро ҳам билган билади,
 Лекин бўлсам дерди тўқайда номдор.
 Шу-чун катта тўйга бел боғлади у,
 Чорлади яқину узоқдан меҳмон.
 Қолмади айтилмай бирорта ҳайвон.
 Ўрмондаги “казо-казолар” ни-ку-
 Товушқон ҳаммадан олдинроқ айтди.
 “Тулки ҳам бораман, деди, Бўри ҳам,
 Тараддудингизни тез кўринг, акам”,
 Дея хабарчиси кўп хурсанд қайтди.

Мана тўй: авжида айни зиёфат,
 Товушқонда энди ўзга қиёфат:
 Айтинг-чи керилмай бўларми ахир,
 Тўйининг тўрида ўтирса Қашқир,
 “Соғ бўл!”- дея қадах кўратса Тулки,
 Айиқ ўйнаб берди, бўлди зўр кулки.
 Хуллас жамоат жам, хўп қизиди тўй,
 Бунақа тўй қилиш осонмас, вой-вўй...
 Шодликдан маст бўлиб, меҳмон кузатиб
 Турарди Товушқон, сезмасди аммо-
 Бўри билан Тулки уни кўрсатиб,
 Лаб ялаб, оҳиста қилишар имо...
 Шунча ҳаракати зое кетмади,
 Охири оғизга тушди Товушқон,
 Валекин янаги тўйга етмади,
 Бўрининг оғзида таслим қилди жон.
 * * *

Кўрга ҳасса мисол қиссадан ҳисса:
 Бехуда чиранма, бу йўлингдан қайт,
 Мабодо сени ҳам тўйга етказса-
 Дуч келганни эмас, дўстларингни айт.

Эпиграмма – деб дастлаб Юнонистондаги ибодатхоналарнинг деворларига, ҳайкалларга ва турли идишларга битилган ёзув; ҳажвий мазмундаги қисқа шеър тушуниланган. Унинг илк намояндаси лирик шоир Симонид Кеосский ҳисобланади.

Бадий публицистикада эпиграмма дегенда турли мазмундаги кичик ҳажвий лирик асар тушунилади. Баъзида эпиграммалар кимга қаратилганининг аниқ номи берилмаса-да, масалан, бюрократ, ароқхўр, гиёҳванд, хушомадгўй кимсалар қаламга олинаб, умумлаштирилган ҳолда улар устидан мазах қилинади. Эпиграммага Ҳамзанинг “Бир эшон ўпкаси”, Абдулла Қодирийнинг “Қалвак маҳзум нима дейди?” (гарчи ҳажман қиссага яқин бўлса-да), Ғафур Ғуломнинг “Истакларим”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Нутқ”, Саид Аҳмаднинг “Хандон писта”, “Ҳиндча кўшиқ” каби асарларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. “Муштум” журнали, «Ўзбекистон матбуоти» журнали, «Адабиёт ва санъат» газеталари саҳифаларида бу каби асарларни кўплаб учратиш мумкин.

18-маъруза. **Карикатура кичик ҳажвий жанр сифатида**

Режа:

1. Карикатуранинг асосий хусусиятлари.
2. Карикатурага қўйиладиган талаблар.
3. Карикатурада бадиий унсурлардан фойдаланиш.

Таянч сўз ва иборалар: *ҳажвсўз, карикатура, расм, рассом, “Муштум”.*

Ҳажвий публицистика шу билан бирликда санъатнинг адабиётдан бошқа турлари билан ҳам ижодий алоқада бўлади ва уларнинг ҳам имкониятларидан ўзига хос равишда фойдаланиб келади. Жумладан, у тавирий санъатнинг жанговар, ҳозиржавоб тармоғи бўлмиш ҳажвий суратчилик – карикатурадан ҳам кенг фойдаланади. Асосий хусусияти бирор шахс, воқеа ёки ҳодисага тегишли салбий томонларини масхара қилиш мақсадида кулгили тасвир этишдан иборат бўлган карикатура ҳам ҳажвий матбуотдан жой олиб, уни тўлдиради ҳамда ҳажвий публицистиканинг ажралмас таркибий қисмига айланади. Карикатура жаҳон ҳажвий журналистикасининг ажралмас қисми сифатида у билан вақтда вужудга келган ва тараққий этган. Европада нашр этилган дастлабки ҳажвий нашрлардан ўрин олган карикатура асарларида ўша даврнинг энг муҳим масалалари акс этган, тараққийпарвар ҳажвчилар карикатура орқали ҳаётдаги зулм ва зўровонликка, қолоқлик ва бошқа ижтимоий иллатларга қарши курашган эдилар.

Ўзбек карикатурачилиги ўтган асрнинг йигирманчи йилларида вужудга келганлиги маълумдир. Гарчи карикатурага хос бўлган айрим кўринишлар қадимги миниатюра санъати асарларида ҳам мавжуд бўлган бўлса-да, карикатуранинг бевосита шаклланишини ҳажвий нашрларнинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлди.

Давр тараққий этиши билан биргаликда ҳажвий публицистиканинг матбуотдаги кўриниши ҳам тобора кенгайиб, янгича мазмун касб этиб бораёпти. Радиодаги ҳажвий эшиттириш ва телевидениедаги турли ҳажвий кўрсатувлар шулар жумласидандир. Ифода йўллари ва услублари турлича бўлган бу эшиттириш ва кўрсатувлар ҳаёт воқеаларини, ундаги камчилик ва иллатларни сатира ва юмор – ижтимоий кулгига асосланган ҳолда акс эттириши билан ҳажвий публицистикага хизмат қиладилар ва унинг хилма-хиллигини таъминлаб келадилар.

Мамлакатимиз ўз миллий мустақиллигига эришгач матбуот ва публицистиканинг бошқа турлари билан бир қаторда ҳажвий ...журналистика ва публицистика ҳам янги ривожланиш босқичига ўтди. “Муштум” журнали мунтазам суратда нашр этилаётир, республика радиосининг “Табассум” радиожурнали, телевидениеда эса “Ҳандалак”, “Қалпоқ” каби ҳажвий телекўрсатувлар мунтазам иш олиб бораёпти.

Ўзбек ҳажвсўзлиги мустақиллик, тараққиёт, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ислохотларни амалга ошириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни қарор топтириш йўлида фаол иштирок этаётир. Ўзбек ҳажвсўз усталари ўзбек ҳажвий публицистикасининг бой ва мазмунли тарихи давомида

яратилган энг илғор ижодий анъаналарни давом эттириб ижод қилмоқдалар ва давримизга мос асарлари билан мустақил юртимиз равнақи, шу давримизга муносиб комил инсонларни тарбиялаш, тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган иллатларни фoš этиш, ҳаётдаги нуқсонларга қарши курашда ҳамон камарбаста бўлиб хизмат қилиб келмоқдалар. Халқ кулгиси, халқ ҳажвсўзи ҳеч қачон ўчмайди, асрлардан асрларга ўтиб, оммани энг илғор, эзгу тилакларга етаклайверади. Зеро кўзланган мақсад ҳам шу.

Кўкча даҳаси Тошкентнинг машҳур жойларидан бири. Бу ерда таниқли шоирлар-у ҳофизлар, зиёлилар яшаб ўтишган. Камина ҳам зиёлилар оиласида вояга етганман, - деб ёзади рассоми, журналистика соҳасидаги “Олтин қалам” II уқофоти совриндори Шавкат Туробов. Бобоси Туроб ота маориф соҳасида узоқ йиллар ишлаган. Шу билан бирга ўзлари ҳам ғазаллар ёзар, яхшигина расмлар чизар эдилар. Оқшомлари бобосининг мўъжазгина болохонасида ўтган рассомни айнан бобоси кўлидан ушлаб расм чизишга ундаган. Муаллиф эслайди: “Ҳамон эсимда: хона тоқчасида қатор-қатор китоблар билан бирга “Муштум” журналининг ҳам таҳламлари сақланар эди. Отаси Музаффар Туробов ҳам таниқли журналист бўлиб, матбуотда Ўзбекистон радиосида ишлаган.

Албатта, ижодий суҳбатлар беиз кетмади. 1978 йили “Ғунча” журналида илк расмилари босилган. Ўша кезлари баракали ижод қилган Лутфилла Абдуллаев, Алижон Холиқов, Наримон Иброҳимов, Телман Мухамедов, Давид Синицкий, Владимир Думкин, Лайло Слимжонова каби моҳир мусаввирлар мактабини қунт билан ўрганди. Ҳажвий расмларни чизига кўпроқ қизиқади.

Баъзилар карикатура бизга бегона, у ғарбдан келган санъат тури, деб ҳисоблашади. Бунга қўшилиб бўлмайди. Ҳазрат Навоийнинг замондоши Ҳазрати Восифийнинг “Бадои ул-вақое” асарида устоз миниатюрочи Камолиддин Бехзод ҳам ҳажвий расмлар чизгани ва улар “мухталифа” деб аталганини ёзади.

Карикатура жанри ҳам санъатнинг бошқа асарлари сингари руҳий эҳтиёждан пайдо бўлган. Зеро, рассом ҳам ўзи яшаб турган жамиятдаги турли жараёнларга бефарқ эмас. Ўз муносабатини чизгилар орқали изҳор этади. Ҳар бир бўрттирилган кулгили қиёфалар, образлар ортида воқеага муносабат, эзҳулик ҳисси ётади.

Бугунги кунда ҳажвчи ўзбек рассомлари ўз асарлари билан элимиз эътиборида. Халқаро танлов ва кзргазмаларда ҳам зафар кучаётган, айниқса қувонарлидир. Ҳажвчи рассомлар Маҳмуд Эшонқулов, Ҳусан Содиқов, Равшан Эгамбердиев, Суръат Салоҳиддинов, Радик Азизовни халқимиз яхши билади. Даврий нашр саҳифаларида уларнинг асарлари эълон қилиб борилмоқда.

Карикатура – улкан санъат ва маданият. У рассомдан кенг дунёқарашни, нозик фаҳмни талаб қилади. Ҳажвий расмлар эса уни томоша қилувчиларга очиқ чехра ҳадя этиши турган гап.

Публицистика
Амалий машғулотлар

1-амалий машғулот. Бадий-публицистик жанрларга тааллуқли асарларни матбуот саҳифаларидан топиш ва таҳлил қилиш

Режа:

1. Публицистиканинг ижтимоий ҳаётдаги вазифаси.
2. Публицистика жанрлари: ахборот (информацион), таҳлилий-тадқиқий (аналитик), бадий публицистик жанрларининг ўзаро муштараклиги ва ўзига хослиги.
3. Публицистика жанрлари матбуотда қандай қўлланади?

Мавзу юзасидан назорат саволлари

1. Публицистика санъат турими?
2. Публицистиканинг қандай кўринишлари бор?
3. Газета публицистикасида жанрларнинг қандай муҳим фарқларини биласиз?
4. Публицистика жанрларининг ранг-баранглиги ва ўзига хос жиҳатларини биласизми?

Амалий машғулот учун топшириқлар

1. Газета публицистикасининг жанрлар политрасини ўрганинг.
2. Ўзингиз танлаган муайян нашрларда жанрлар ранг-баранглигини таснифланг.
3. Информацион, таҳлилий, бадий-публицистик жанрларнинг газетада жойлашишини мониторинг қилинг.

Мустақил ўқишга

1. Хуршид Дўстмуҳаммад. Ижод кўнгили мунавварлиги
2. Жоан Дидион. Ижод соғинчи. “Китоб дунёси”, 2017 йил, 24 май сони.

2- амалий машғулот. Матбуотдаги материалларни жанр хусусиятлари нуқтаи назаридан классификация қилиш

Режа:

1. Публицистика жанрлари ҳақида тушунча.
2. Публицистика жанрлари: ахборот (информацион), таҳлилий-тадқиқий (аналитик), бадий публицистик жанрларининг ўзаро муштараклиги ва фарқли жиҳати.
3. Бадий-публицистик жанрларининг журналистикада тутган ўрни

Мавзу юзасидан назорат саволлари

1. Бадий-публицистик жанрларга қандай жанрлар киради?
2. Бадий-публицистик жанрларнинг ранг-баранглиги ва ўзига хос жиҳатларини нималарда намоён бўлади?
3. Публицистика жанрларида предмет, функция ва метод деганда нимани тушунаси?

Амалий машғулот учун топшириқлар

1. Матбуотдан бадиий-публицистик жанрлар жойлашувини аниқланг.
2. Ўзингиз танлаган муайян нашрларда публицистик жанрлардаги материалларда журналист мақсади ва вазифасини аниқланг.
3. Бадиий-публицистик жанрларда муаллифнинг образ ва образлиликдан фойдаланишига мисоллар топинг.

3- амалий машғулот. Матбуотда чоп этилган очерк жанрига мисоллар топиш ва таҳлил қилиш

Режа:

1. Очеркнинг жанр хусусиятлари.
2. Очерк тарихидан. "Мажолис-ун нафоис", "Бобурнома", "Саёхатнома" ва бошқа тарихий асарларда очерк унсурлари.
3. Очеркда мантикий мушоҳада ва образли тафаккур.
4. Очеркда публицистик рух, публицистик тадқиқот.

Мавзу юзасидан назорат саволлари

1. Очерк қандай жанр, унинг ўзига хос хусусиятларини айтинг?
2. Очеркнинг ижтимоий хусусияти деганда нимани тушунасиз?
3. Хужжатлилик очеркда қандай аҳамиятга эга?
4. Очеркда образ ва образлилик деганда нимани тушунасиз?

Амалий машғулот учун топшириқлар

1. Матбуотдан очеркка мисоллар топинг.
2. Матбуотда чоп этилган очеркларнинг ижтимоийлик, хужжатлилик, образ ва образлилик хусусиятларини аниқланг.
3. Очеркда муаллифнинг образ ва образлиликдан фойдаланишига мисоллар топинг.

4- амалий. Матбуотдан портрет очеркларини топиш, портрет очерк ёзиш ва уни публицистик нуқтаи назардан таҳлил қилиш

Режа:

1. Сиймо (портрет) очеркининг асосий хусусиятлари.
2. Сиймо (портрет) очеркига қаҳрамон танлаш.
3. Сиймо (портрет) очеркини ёзиш ва унга қўйиладиган талаблар.
4. Сиймо очеркида бадиий воситалардан фойдаланиш

Мавзу юзасидан назорат саволлари

1. Сиймо очеркининг бошқа очерк турларидан фарқи нимада?
2. Сиймо очеркининг асосий хусусиятларини айтинг.
3. Сиймо очеркининг ёзишдан қандай мақсад кўзланади?
4. Сиймо очерки қаҳрамони тийнاتини тасвирлашда образлиликнинг аҳамияти қандай бўлиши керак?

Амалий машғулот учун топшириқлар

1. Матбуотдан сиймо (портрет) очеркка мисоллар топинг.
2. Матбуотда чоп этилган сиймо (портрет) очеркининг ижтимоий хусусиятини аниқланг.
3. Сиймо (портрет) очеркига танланган қаҳрамоннинг прототипи реал ҳаётда қандайлигини ўрганинг.

5- амалий. Газета саҳифаларида чоп этилган муаммоли очеркларни топиш ва муаммоли очерк ёзиш

Режа:

1. Ижтимоий ҳаётда муаммоли очеркнинг тутган ўрни ва аҳамияти
2. Муаммоли очеркнинг асосий хусусиятлари.
3. Муаммоли очеркига муаммонинг қўйилиши
4. Бу турдаги очеркни ёзиш ва унга қўйиладиган талаблар.

Мавзу юзасидан назорат саволлари

1. Муаммо очеркининг бошқа очерк турларидан фарқи нимада?
2. Муаммо очеркининг асосий хусусиятларини айтинг.
3. Муаммо очеркининг ёзишдан қандай мақсад кўзланади?

Амалий машғулот учун топшириқлар

1. Матбуотдан Муаммо очеркка мисоллар топинг.
2. Матбуотда чоп этилган Муаммо очеркининг ижтимоий хусусиятини аниқланг.
3. Муаммо очеркига танланган мавзунинг амалий аҳамиятини изоҳланг.

6- амалий. Матбуотда чоп этилган замонавий йўл очеркларига мисоллар топиш, уни жанр хусусиятлари нуқтаи назардан таҳлил қилиш

Режа:

1. Ижтимоий ҳаётда йўл очеркнинг тутган ўрни ва аҳамияти
2. Йўл очеркнинг асосий хусусиятлари.
3. Йўл очеркида табиат тасвири ва фактлардан фойдаланиш
4. Бу турдаги очеркни ёзиш ва унга қўйиладиган талаблар.

Амалий машғулотлар учун топшириқлар

1. Берилган назарий адабиётлардан очеркка оид мавзуларни ўқинг.
2. Матбуот нашрларидан очеркнинг турларини таснифлаб ўрганинг.
3. Йўл очерк ёзиб кўринг.
4. Йўл очерки, саёхатномада зарур бўлган деталларни ўзининг муайян масофани босиб ўтиш орқали йўл очеркига чизгилар қилинг

Назорат саволлари:

1. Очерк қандай жанр, унинг бошқа жанрлардан фарқи ва ўзига хослиги нимада?
2. Очеркнинг асосий хусусияти нимада?

3. Йўл очерки билан йўл очеркнинг фарқи нимада?
4. Машҳур хорижий очеркнавислардан кимларни биласиз?

7- амалий. **Йўл очерки ёзиш, унда эскиз, детал ва чизгилардан фойдаланиш**
Режа:

- 1.Ижтимоий ҳаётда йўл очеркнинг тутган ўрни ва аҳамияти
- 2.Йўл очеркнинг асосий хусусиятлари.
- 3.Йўл очеркида табиат тасвири ва фактлардан фойдаланиш
- 4.Бу турдаги очеркни ёзиш ва унга қўйиладиган талаблар.

Амалий машғулотлар учун топшириқлар

- 1.Берилган назарий адабиётлардан очеркка оид мавзуларни ўқинг.
- 2.Матбуот нашрларидан очеркнинг турларини таснифлаб ўрганинг.
- 3.Йўл очерк ёзиб кўринг.
- 4.Йўл очерки, саёхатномада зарур бўлган деталларни ўзининг муайян масофани босиб ўтиш орқали йўл очеркига чизгилар қилинг

Назорат саволлари:

- 1.Очерк қандай жанр, унинг бошқа жанрлардан фарқи ва ўзига хослиги нимада?
- 2.Очеркнинг асосий хусусияти нимада?
- 3.Йўл очерки билан йўл очеркнинг фарқи нимада?
- 4.Машҳур хорижий очеркнавислардан кимларни биласиз?

8- амалий. **Талабалар томонидан ёзилган йўл очеркларини таҳлил қилиш**
Режа:

- 1.Ижтимоий ҳаётда йўл очеркнинг тутган ўрни ва аҳамияти
- 2.Йўл очеркнинг асосий хусусиятлари.
- 3.Йўл очеркида табиат тасвири ва фактлардан фойдаланиш
- 4.Бу турдаги очеркни ёзиш ва унга қўйиладиган талаблар.

Амалий машғулотлар учун топшириқлар

- 1.Берилган назарий адабиётлардан очеркка оид мавзуларни ўқинг.
- 2.Матбуот нашрларидан очеркнинг турларини таснифлаб ўрганинг.
- 3.Йўл очерк ёзиб кўринг.
- 4.Йўл очерки, саёхатномада зарур бўлган деталларни ўзининг муайян масофани босиб ўтиш орқали йўл очеркига чизгилар қилинг

Назорат саволлари:

- 1.Очерк қандай жанр, унинг бошқа жанрлардан фарқи ва ўзига хослиги нимада?
- 2.Очеркнинг асосий хусусияти нимада?
- 3.Йўл очерки билан йўл очеркнинг фарқи нимада?
- 4.Машҳур хорижий очеркнавислардан кимларни биласиз?

9- амалий. Машхур эсселарни, матбуотда чоп этилган замонавий эсселарни топиб ўқиш, таҳлил қилиш

Режа:

1. Эссега тавсиф беринг. Унинг бадиий-публицистик жанрлар орасида ўзига хослиги.
2. Эссе жанрининг пайдо бўлиши, ривожланиш тенденциялари, турлари ҳақида
3. Бадиий ва публицистик эсселарнинг фарқли жиҳатлари.
4. Эсседа муаллиф позицияси

Амалий машғуотлар учун топшириқлар:

1. “Тафаккур” журналида босилган “Бемаънилик гирдобиди ёхуд маъни ва меҳр қидирган одам”(И.Шомуродов, 1/2005), “Маърифатнинг юки оғир”, (С.Олим, 4/2005) “Экология ва маданият”(О.Шарафиддинов, 1/2005), “Саркаш саволлар” (З.Исомиддинов, 1/2009) ва б. эссе намуналарини ўқиб, уларни мавзуси жиҳатидан турларга бўлинг.

2. “Жаҳон адабиёти” журналида босилган “Ғарбнинг ҳалокати”(П.Ж.Бьюкенен, 1/2007), “Қақнус нидоси”(Доминик де Вильпен, 6/2005), “Ўйлар”(Д.Лихачёв, 3/2006), “Азал майининг мазаси”(И.Ғафуров,), “Бир кун, албатта, қайтаман!”(11/2006), “Адиблар, зиёлилар, сиёсатчилар...”(Сол Бэллоу, 4/2006), “Ҳақиқат, фақат ҳақиқат”(А.Зиновьев, 6/2006) ва б. эссе таржималарини кўриб чиқиб, уларда муаллиф позициясини белгиланг.

3. Ўзингиз ўқиётган олийгоҳда талабалар дунёси, бугунги ёшларни банд этаётган маданият, урф-одатлар, расм-русумлар ҳақида мулоҳазаларингизни эссе кўринишида ифодалашга ҳаракат қилинг.

10- амалий. Талабалар ёзган эсселарни таҳлил қилиш

Режа:

1. Эссега тавсиф беринг. Унинг бадиий-публицистик жанрлар орасида ўзига хослиги.
2. Эссе жанрининг пайдо бўлиши, ривожланиш тенденциялари, турлари ҳақида
3. Бадиий ва публицистик эсселарнинг фарқли жиҳатлари.
4. Эсседа муаллиф позицияси

Амалий машғуотлар учун топшириқлар:

1. “Тафаккур” журналида босилган “Бемаънилик гирдобиди ёхуд маъни ва меҳр қидирган одам”(И.Шомуродов, 1/2005), “Маърифатнинг юки оғир”(С.Олим, 4/2005) “Экология ва маданият”(О.Шарафиддинов, 1/2005), “Адибнинг тақдири”(З.Исомиддинов, 3/2008), ва б. эссе намуналарини ўқиб, уларни мавзуси жиҳатидан турларга бўлинг.

2. “Жаҳон адабиёти” журналида босилган “Ғарбнинг ҳалокати”(П.Ж.Бьюкенен, 1/2007), “Қақнус нидоси”(Доминик де Вильпен, 6/2005), “Ўйлар”(Д.Лихачёв, 3/2006), “Азал майининг мазаси”(И.Ғафуров,), “Бир кун, албатта, қайтаман!”(11/2006), “Адиблар, зиёлилар, сиёсатчилар...”(Сол Бэллоу, 4/2006), “Ҳақиқат, фақат ҳақиқат”(А.Зиновьев,

6/2006) ва б. эссе таржималарини кўриб чиқиб, уларда муаллиф позициясини белгиланг.

3. Ўзингиз ўқиётган олийгоҳда талабалар дунёси, бугунги ёшларни банд этаётган маданият, урф-одатлар, расм-русумлар ҳақида мулоҳазаларингизни эссе кўринишида ифодалашга ҳаракат қилинг.

11- амалий. Лавҳа-бадий публицистикнинг жажжи жанри

Режа:

1. Лавҳага таъриф беринг. Унинг бадий-публицистик жанрлар орасида ўзига хослиги.
2. Лавҳа жанрининг пайдо бўлиши, ривожланиш тенденциялари, турлари ҳақида
3. Лавҳанинг фарқли жиҳатлари.

Амалий машғуотлар учун топшириқлар:

1. “Тафаккур”, “Жаҳон адабиёти”, “Ёшлик” журналларида, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Китоб дунёси” каби газеталарда босилган лавҳаларни ўқиб таҳлил қилинг. Уларни мавзуси жиҳатидан турларга бўлинг
2. Ўзингиз ўқиётган олийгоҳда талабалар дунёси, бугунги ёшларни банд этаётган маданият, урф-одатлар, расм-русумлар ҳақида мулоҳазаларингизни эссе кўринишида ифодалашга ҳаракат қилинг.

12- амалий. Матбуотда чоп этилган хатларни топиш ва уларни турларига қараб таснифлаш

Режа:

1. Ижтимоий ҳаётда хатнинг тутган ўрни ва аҳамияти
2. Хатнинг асосий хусусиятлари.
3. Хатнинг субъектив характерга эга эканлиги.
4. Хат турлари.

Амалий машғулотлар учун топшириқлар:

1. Хат жанрининг тарихи, бугунги ривож ва истиқболига баҳо беринг.
2. Жанрнинг асосий хусусиятларини аниқланг.
3. Матбуотда берилаётган хат жанридаги мақолаларни таҳлил қилинг.
4. Хатларнинг матбуотдаги ўрнини белгиланг ва истиқболи ҳақида фикр юритинг.
5. Мустақил равишда муайян ижтимоий масала асосида хат жанрида ижо қилинг

Назорат учун саволлар:

1. Бадий публицистикада хат жанрининг тутган ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятлари нимада?
2. Хат жанрининг тадрижий ривожланиши қандай?

3. Хатнинг қандай турларини биласиз?
4. Хат жанрининг бошқа жанрлардан фарқи томонлари нимада?
5. Хат жанрида муаллиф, вазият, адресатнинг ўрни қандай бўлиши керак?

13- амалий. Талабалар томонидан ёзилган хатларни таҳлил қилиш

Режа:

1. Ижтимоий ҳаётда хатнинг тутган ўрни ва аҳамияти
2. Хатнинг асосий хусусиятлари.
3. Хатнинг субъектив характерга эга эканлиги.
4. Хат турлари.

Амалий машғулотлар учун топшириқлар:

1. Хат жанрининг тарихи, бугунги ривож ва истиқболига баҳо беринг.
2. Жанрнинг асосий хусусиятларини аниқланг.
3. Матбуотда берилаётган хат жанридаги мақолаларни таҳлил қилинг.
4. Хатларнинг матбуотдаги ўрнини белгиланг ва истиқболи ҳақида фикр юритинг.
5. Мустақил равишда муайян ижтимоий масала асосида хат жанрида ижо қилинг

Назорат учун саволлар:

1. Бадиий публицистикада хат жанрининг тутган ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятлари нимада?
2. Хат жанрининг тадрижий ривожланиши қандай?
3. Хатнинг қандай турларини биласиз?
4. Хат жанрининг бошқа жанрлардан фарқи томонлари нимада?
5. Хат жанрида муаллиф, вазият, адресатнинг ўрни қандай бўлиши керак?

14- амалий. Фельетон ва унинг жанрий хусусиятлари

Режа:

1. Фельетон жанрининг асосий хусусиятлари.
2. Фельетон ёзиш ва унга қўйиладиган талаблар.
3. Фельетонда бадиий воситалардан фойдаланиш.

Амалий машғулотлар учун топшириқлар:

1. А.Қодирий, Ғ.Юнус, А.Қаҳҳор фельетонларини топинг. Газета ёки журналларда эълон қилинган фельетонларни топинг.
2. Муайян газета ёки журналда эълон қилинган фельетон фельетоннинг қайси турига мансуб эканлигини аниқланг.
3. Муайян фельетонда мавзу қай даражада очилган, фактлар, далиллардан қандай фойдаланганини ўрганинг.
4. Фельетон муаллифининг ижтимоий хулоса чиқариш маҳоратига баҳо беринг.
5. Муайян фельетоннинг камчиликларини кўрсатинг.

Назорат учун саволлар:

- 1.Фельетон ва унинг турларини тушунтиринг.
- 2.Фельетоннинг бошқа бадиий-публицистик жанрлар билан ўхшаш ва фарқли хусусиятлари нималардан иборат?
- 3.«Фельетон кулгиси» тушунчасига изоҳ беринг.
- 4.Фельетон тили ва услуби ҳақида тушунча беринг.
- 5.Фельетонда мантикий муҳокама ва образли тафаккур деганда нимани тушунасиш
- 6.Фельетоннинг ижтимоий аҳамияти деганда нимани тушунасиш?

15- амалий. Фельетон турлари

Режа:

- 1.Фельетон жанрининг асосий хусусиятлари.
- 2.Фельетон ёзиш ва унга қўйиладиган талаблар.
- 3.Фельетонда бадиий воситалардан фойдаланиш.

Амалий машғулотлар учун топшириқлар:

- 1.А.Қодирий, Ғ.Юнус, А.Қаҳҳор фельетонларини топинг. Газета ёки журналларда эълон қилинган фельетонларни топинг.
- 2.Муайян газета ёки журналда эълон қилинган фельетон фельетоннинг қайси турига мансуб эканлигини аниқланг.
- 3.Муайян фельетонда мавзу қай даражада очилган, фактлар, далиллардан қандай фойдаланганини ўрганинг.
- 4.Фельетон муаллифининг ижтимоий хулоса чиқариш маҳоратига баҳо беринг.
- 5.Муайян фельетоннинг камчиликларини кўрсатинг.

Назорат учун саволлар:

- 1.Фельетон ва унинг турларини тушунтиринг.
- 2.Фельетоннинг бошқа бадиий-публицистик жанрлар билан ўхшаш ва фарқли хусусиятлари нималардан иборат?
- 3.«Фельетон кулгиси» тушунчасига изоҳ беринг.
- 4.Фельетон тили ва услуби ҳақида тушунча беринг.
- 5.Фельетонда мантикий муҳокама ва образли тафаккур деганда нимани тушунасиш
- 6.Фельетоннинг ижтимоий аҳамияти деганда нимани тушунасиш?

16- амалий. Ёзувчи публицистикаси юзасидан амалий тушунча ҳосил этиш, атоқли ёзувчиларнинг мақоласини таҳлил қилиш

Режа:

1. Ёзувчи публицистикаси ҳақида тушунча.
2. Ёзувчи публицистикаси мантикий мушоҳада ва образли тафаккур.
4. Ёзувчи публицистикасига қўйиладиган талаблар.

Мавзу юзасидан назорат саволлари

1. Ёзувчи публицистикаси қандай жанр, унинг ўзига хос хусусиятларини айтинг?
2. Ёзувчи публицистикаси ижтимоий хусусияти деганда нимани тушунасиш?
3. Ёзувчи публицистикасида образ ва образлилик деганда нимани тушунасиш?

Амалий машғулот учун топшириқлар

1. Матбуотдан ёзувчи публицистикасига мисоллар топинг.
2. Матбуотда чоп этилган ёзувчи публицистикасининг ижтимоийлик, ҳужжатлилик хусусиятларини аниқланг.
3. Ёзувчи публицистикаси муаллифнинг образ ва образлиликдан фойдаланишига мисоллар топинг.

17- амалий. Кичик ҳажвий жанрларга матбуотда мисол топиш ва унинг публицистик нуқтаи назардан таҳлил қилиш

Режа:

1. Кичик ҳажвий жанрининг асосий хусусиятлари.
2. Кичик ҳажвий ёзиш ва унга қўйиладиган талаблар.
3. Кичик ҳажвий бадиий унсурлардан фойдаланиш.

Амалий машғулотлар учун топшириқлар:

1. А.Қодирий, Ғ.Юнус, А.Қаҳҳор кичик ҳажвий топинг. Газета ёки журналларда эълон қилинган фельетонларни топинг.
2. Муайян газета ёки журналда эълон қилинган кичик ҳажвий асарлар қайси жанрга мансуб эканлигини аниқланг.
3. Муайян кичик ҳажвий асарда мавзу қай даражада очилган, фактлар, далиллардан қандай фойдаланганини ўрганинг.
4. Кичик ҳажвий асарда муаллифнинг ижтимоий хулоса чиқариш маҳоратига баҳо беринг.

Назорат учун саволлар:

1. Кичик ҳажвий асар турларини тушунтиринг.
2. Кичик ҳажвий асарнинг бошқа бадиий-публицистик жанрлар билан ўхшаш ва фарқли хусусиятлари нималардан иборат?
3. Кичик ҳажвий асарлар тили ва услуби ҳақида тушунча беринг.
4. Кичик ҳажвий асарнинг ижтимоий аҳамияти деганда нимани тушунасиш?

18- амалий. Талабалар ёзган пародия, эпитафия, латифа, миф, афсона, ривоят сингари кичик жанрларни таҳлил этиш

Режа:

1. Кичик ҳажвий асарларнинг асосий хусусиятлари.
2. Кичик ҳажвий асар ёзиш ва унга қўйиладиган талаблар.
3. Кичик ҳажвий асарларда бадиий унсурлардан фойдаланиш.

Амалий машғулотлар учун топшириқлар:

1. А.Қодирий, Ғ.Юнус, А.Қаҳҳор ижодидан кичик ҳажвий асарларга мисоллар топинг.
2. Муайян газета ёки журналда эълон қилинган кичик ҳажвий асарлар қайси жанрга мансуб эканлигини аниқланг.
3. Муайян кичик ҳажвий асарда мавзу қай даражада очилган, фактлар, далиллардан қандай фойдаланганини ўрганинг.
4. Кичик ҳажвий асарда муаллифининг ижтимоий хулоса чиқариш маҳоратига баҳо беринг.

Назорат учун саволлар:

1. Кичик ҳажвий асар турларини тушунтиринг.
2. Кичик ҳажвий асарнинг бошқа бадиий-публицистик жанрлар билан ўхшаш ва фарқли хусусиятлари нималардан иборат?
3. Кичик ҳажвий асарлар тили ва услуби ҳақида тушунча беринг.
4. Кичик ҳажвий асарнинг ижтимоий аҳамияти деганда нимани тушунасиш?

19-амалий. **Карикатура: тасвирий санъатми, публицистик жанр?**

Режа:

1. **Карикатуранинг** асосий хусусиятлари.
2. **Карикатурага** қўйиладиган талаблар.
3. **Карикатурада** бадиий унсурлардан фойдаланиш.

Амалий машғулотлар учун топшириқлар:

1. “Муштум” журналида эълон қилинган **Карикатураларга** мисоллар топиш.
2. Муайян газета ёки журналда эълон қилинган **карикатура** турини қайси жанрга мансуб эканлигини аниқланг.
3. Муайян **карикатурада** мавзу қай даражада очилган, фактлар, далиллардан қандай фойдаланганини ўрганинг.
4. **Карикатурада** муаллифининг ижтимоий хулоса чиқариш маҳоратига баҳо беринг.

Назорат учун саволлар:

1. Карикатура турларини тушунтиринг.
2. **Карикатуранинг** бошқа бадиий-публицистик жанрлар билан ўхшаш ва фарқли хусусиятлари нималардан иборат?
3. **Карикатура** асарнинг ижтимоий аҳамияти деганда нимани тушунасиш?

ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИНГ МАВЗУЛАРИ

1. Бадиий-публицистик жанрлар ҳақидаги назарий китобларни ўқиб чиқиш. Тертычный А.А. “Жанры периодический печати”, О.Тоғаев “Публицистика жанрлари” М.Худойқулов “Журналистика ва публицистика” китоблари мисолида
2. “Маърифат” газетасида чоп этилган портрет очеркларнинг ўзига хослиги
3. Озод Шарафиддиновнинг “Домлар”, Саид Аҳмаднинг “Йўқотганларим ва топганларим”, Носир Фозиловнинг “Устозлар даврасида”, Абдусайд Кўчимовнинг “Эл сув ичган дарёлар” асарларида портрет жанрининг ишланиши
4. Дадахон Нурий очеркларида муаммонинг қўйилиши
5. Жамиятнинг долзарб муаммоларига бағишланган муаммоли очерklar таҳлили.
6. Замонавий ўзбек йўл очеркларида Америка мавзуси. Америка ҳақида ёзилган йўл очеркларининг қиёсий таҳлили
7. “Китоб дунёси” газетасида чоп этилган эсселар таҳлили
8. Чингиз Айтматов, Мухтор Шохоновнинг “Чўққида қолган овчининг охи-зори” эссе-романини ўқиш. Унда қаламга олинган долзарб масалаларни таҳлилга тортиш
9. “Тафаккур” журналида чоп этилган эсселарда муаллиф индивидуаллиги
10. “Жаҳон адабиёти” журналида чоп этилган бадиаларни ўрганиш
11. Иқбол Қўшшаева эсселарида мантикий мушоҳада ва бадиий тафаккур уйғунлиги
12. “Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида” (О.Шарафиддинов) китобидаги эсселар таҳлили
13. Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ижодида миллий колоритнинг акс этиши
14. Лавҳа-бадиий публицистикнинг жажжи жанри
15. Хат турлари
16. Матбуотда очиқ хат жанрининг ишланиши
17. Ўзбекистон Қаҳрамони О.Шарафиддиновнинг журналист Муҳаммадjon Обидовга ёзган очиқ хати
18. Соҳамиз камчиликлари – фельетон мавзулари
19. Абдулла Қодирий фельетонларининг тили ва услуби
20. Худойберди Тўхтабоевни машҳур қилган фельетонлар таҳлили
21. Зухриддин Исомиддинов фельетонларида долзарб мавзулар талқини
22. Шодмон Отабекнинг “Дўрмон хангомалари”, Саид Аҳмаднинг “Хандон писта” китобига киритилган ҳаётий латифалар, хангомаларда юмор
23. “Муштум” журналида чоп этилган кичик ҳажвий жанрлар таҳлили
24. Карикатура кичик ҳажвий жанр сифатида
25. Озод Шарафиддинов “Довондаги ўйлар”, “Ижодни англаш бахти”, Эркин Воҳидов “Шоир, шеър, шуур”, Ўткир Ҳошимов “Нотаниш орол”, Хуршид Дўстмуҳаммад “Ижод кўнгил мунавварлиги” тўпламларига киритилган адабий танқидий мақолаларнинг таҳлили

26 Ёзувчиларнинг “Шарқ юлдузи” журналида чоп этилган адабий-танқидий мақолалари

1. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар:

1. John r. Bender, lucinda d. Davenport, michail w. Darger, fred fedler “Writing and reporting for the Media” – New York Oxford university press.
2. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика (ўқув қўлланмаси). – Т.: Университет, 2008.
3. Маматова Я. Сулаймонова С. Ҳақиқат излаб: Ўзбекистонда журналист суриштирувининг самарадорлик омиллари. Ўқув қўлланма. Т., 2015.
4. Қосимова Н. Тошпўлатова Н. Шофайзиева Н. ОАВ таҳририятлари учун ўқув қўлланма. – Т., 2008.
5. Introduction to Journalism Student Activities Book, by Dianne Smith, MJE, 2010.

Қўшимча адабиётлар:

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид давлат Дастури. ПФ-4947-сон фармони билан тасдиқланган Ўз.Рес Президенти 2017 йил 7 феврал.
3. Абдулла Авлоний. Танланган асрлар. 2 жилдлик. 2- жилд. (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи проф. Б. Қосимов.) -Т.: Маънавият, 1998,
4. Аграновский А.А. Своего дела мастер: Заметки писателя. М., 1980.
5. Адабий турлар ва жанрлар. I-жилд.–Т.: Фан, 1991.
6. Ампилов В.А. Современный газетный очерк. Минск, 1972.
7. Беневоленская Т.А. Портрет современника. М., 1983.
8. Бердиев Ю. “Сиз ҳамиша мукааррамсиз (қаҳрамон ўзбек аёллари)” – Тошкент. “ФАН”. 2005.
9. Бехбудий М. “Саёҳат хотиралари” // “Ойина”. 1914, 34- сон.
10. “Бухоро ахбори” газетаси. 1923 йил, 15 февраль.
11. Виленский М.Э. Как написать фельетон. М., 1982.
12. Горький М. А.-О. Жиге //Собр. соч.: В 30 т. М., 1953. Т. 30.
13. Кайда Л.Г. Эссе как жанр в литературе и публицистике/Вестник Московского университета. Сер.10.Журналистика.2008.№4.
14. Корконосенко С.Г. Основы творческой деятельности журналиста. - СПб.,2000.
15. Лазутина Г.В.Основы творческой деятельности журналиста. М. 2004.

16. Литературный энциклопедический словарь. –М.:Советская энциклопедия.–1987.
17. Лэм Ч. Очерки Элии. Л., 1979.
18. Маннон Р. “Бадахшон-Помирга саёҳат”// “Қизил Ўзбекистон” ,1925
19. Мелибоев А. Қирқ бешинчи бекат. Т.:Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008.
20. Мельник Г.С., Тепляшина А.Н. Основы творческой деятельности журналиста. – СПб.: Питер, 2006. Мўминов Ф.А. Журналистское расследование –Т.: Университет, 2002.
21. Монтень М. Опыты, тт. 1–2. М., 1979–1980
22. Муравьев В.С. Эссе. – В кн.: Краткая литературная энциклопедия, т. 8. М., 1975.
23. Очилова О. “Ибогул”// “Маърифат” газетаси. 2010. 24- ноябр.
24. Раҳматуллаев Т. Матбуот ва демократия.С.: 2002.
25. СимкинЯ.Р. Сатирическая публицистика. Ростов-на-Дону, 1976.
26. Станиславлева В.Н. Советский очерк о зарубежных странах... М., 1979.
27. Тертычный А.А. Аналитическая журналистика: Учебное пособие для студентов вузов. – М.: Аспект-пресс, 2010.
28. Тертычный А.А. Жанры периодической печати. -М.,2000.
29. Ткачев П.И. Иду на «вы»: Заметки о памфлете. Минск, 1975.
30. Уроки Аграновского. М., 1976. Маслова Н.М. Путевые заметки как публицистическая форма. М., 1977.
31. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. Т.: “Шарқ зиёкори”, 2004.
32. Шкловский В. Возвышающая пародия//Вопросы литературы. 1975. №2. С. 300.
33. Эссеизация всея литературы: от «бешеных собак» до «скользких гадов»//Столица. 1992.№5.
- 34.Bowman W. The ABC of short story writing. London, 1976.
- 35.Journalism: new challenges, Edited by: Karen Fowler-Watt& Stuart Allan, 2013
- 36.The handbook of journalism studies, Edited by Karin Wahl-Jorgensen Thomas Hanitzsch, 2009.

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Публицистика	Feature journalism	Публицистика	лотинча <i>publicus</i> – сўздан олинган бўлиб – жамоа, жамоатчилик деган маънони англатади
Публицистика нинг муҳим хусусияти	Important peculiarity feature journalism	Важный аспект публицистики	жамоатчилик фикрига таъсир этиш ва шакллантиришдир.
Универсал журналист	Universal (all-round) journalist	Универсальный журналист	Бир вақтнинг ўзида ёза оладиган, интервью олиш, расм ва видеога тушириш маҳоратини эгаллай олган, уларни чоп этиш ёки эфирга узатиш учун материаллар тайёрлай оладиган журналист. Бундан ташқари универсаллашув журналистдан кенг дунёқараш ва чуқур билимни ҳам талаб этади.
Журналист асари	Journalistic material	Произведение журналиста	ОАВ материаллари. Тезкор, ижтимоий аҳамиятга эга, ижтимоий фмкрга муштарак бўлган долзарб воқеа ва ҳодисалар, уларга қаҳрамонларнинг муносабати, дунёқараши, эҳтиёжи, манфаати, фадриятлар тўғрисидаги ахборот.
Ижод	Creation	Творчество	Ҳаракат, фаолият тури. Инсоннинг ўз имкониятлари ёрдамида ниманидир яратиш, янгилик қилиш билан белгиланади. журналистик ижоднинг ўзига хослиги шундаки у кўпроқ мавжуд, яратилган объект асосида ўзига хос, яъни субъектив, янги фикр айтади.
Оммавий коммуникация	Mass-communication	Массовая коммуникация	кишилар, гуруҳлар, омма орасидаги ўзаро алоқалар
Мухбир	reporter	Репортёр	ОАВ таҳририятларида, унинг бўлимларида ишлайдиган, маълум мавзудаги ахборотни тўплаш, таҳлил этиш ҳамда тарқатиш билан шуғулланувчи шахс, ижодий ходим, журналист.
Очерк хусусиятлари	peculiarity of essay	Свойствы очерка	Ижтимоийлик, ҳужжатлилиқ ва образлилиқ
Муаммо очерк	Problem sketch	Проблемный очерк	Реал ҳаётда юзага келган муайян муаммо асосида яратилган публицистик асар
Портрет очерк	Portrait essay	Портрет очерк	Реал ҳаётда муайян прототип асосида яратилган публицистик асар
Очеркда деталь (нукта)	Detail, point in sketch	Важный аспект	Ижодкорнинг ижтимоий ҳаёт ёки қаҳрамонини тасвирлашда топган ўзига хос тасвир усули, чизгилари
Этикет	ethic	Этикет	ахлоқнинг барқарор шакли
Предмет	subject	Предмет	муайян бир ҳаётий материал, ўрганиш асоси

Публицистика				
Прототип	prototip	Прототип	Реал ҳаётда мавжуд шахснинг публицистик асардаги образи	
Эскиз	sketch	Эскиз	Қоралама, қолип	